



# Har qanday taraqqiyotning asosi fanidir

# TAMADDUN

# nuri

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy,  
madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal

№1-сон,  
2015 йил

Қорақалпоғистон Республикаси «Беруний авлодлари» жамоат фонди муассислигидаги илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнали. 2015 йилдан чиқа бошлаган.

## УШБУ СОНДА:

Муҳаррир минбари	
Маърифат маъғи .....	2
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига дахли ва ахамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи .....	4
<b>Кенгесбой Каримов.</b> Олтин кўприк .....	14
<b>Гулистон Матёқубова.</b> Ҳаёт дostonи .....	15
<b>Нағмет Айимбетов.</b> Маданият ва маънавият зиёси .....	16
<b>Фарход Эрманов.</b> Буюк ўзгаришлар бўсағасида .....	17
Аждодларимиз ифтихоримиз .....	18
<i>Умрбоқий ҳикматлар</i>	
Ҳазрат Навоий хазинасидан .....	19
<b>В.Н. Ягодин.</b> Цивилизация древнего Хорезма и Беруни .....	20
<b>Б.Р. Каримов.</b> Хоразмий, Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг ҳозирги замон цивилизацияси илмий ва интеллектуал ривожига қўшган хиссаси .....	24
<b>Юсуф Хос Хожиб.</b> “Қутадғу билиг”дан парчалар .....	29
<b>Баҳром Саъдуллаев.</b> Шовот кат калъасининг ўнг қирғоқ Кат билан боғлиқ тарихий манбаларга доир баъзи чизгилар .....	30
<b>А. Абдурасулов.</b> Марказий Осиёда уйғониш даврининг шарқий услуби .....	32
<i>Сихат илми сирлари</i>	
<b>Шохрух Машарипов.</b> Гранат обьектовенный .....	35
<b>Р.С. Собиров.</b> Абу Райхан Беруни основоположник фармацевтических наук эпохи средневековья .....	36
<i>Тарихингдир минг асрлар</i>	
<b>Ғайратдин Хожаниязов.</b> Қурбон Шониёзов. Ал Беруний таваллуд топган юрт тарихи .....	38
Тумандаги тарихий ва маданий ёдгорликлар тўғрисидаги қадимий ёзма манбалар ва уларни тадқиқ қилиш тарихи .....	40
Олтин доволардан тўкилган назм .....	44
<i>Личное мнение</i>	
<b>А. Абдурахманов.</b> Новый взгляд на старую, нестареющую картину .....	49
<i>Шоир таваллудининг 100 йиллигига</i>	
<b>Глеуберген Жумамуратов.</b> Ўмрови бор элимнинг .....	50
<i>Манбаишунослик</i>	
Берунийнинг “Геодезия” асаридан .....	52
<i>Халқ оғзаки ижоди</i>	
Қорақалпоқ халқ эпоси “Қўблан” .....	58
<i>Манбаишунослик</i>	
<b>Анвар Абдуллаев.</b> Амударё бўлимининг ташкил этилиши, бошқарув тизими ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар (XIX асрнинг сўнги чораги-XX аср бошлари) .....	65
<i>Она сайёра – кўриқхона</i>	
<b>Ўрозбой Абдурахмонов.</b> Кўчманчи сайёқлар қисмати .....	68
<i>Адабиётшунослик</i>	
<b>Янгибой Қўчқоров.</b> Адибнинг бадиият булоғи .....	72
<i>Тарихий сиймолар бадиий асарларда</i>	
<b>Мунаввара Қурбонбоева.</b> Дунёларни уйғотган даҳо .....	78
<i>Жаҳон адабиёти</i>	
Марк Твен. Кучукча ва уч доллар пул .....	82
<b>Мухаммад Шариф.</b> Сафар дафтарида .....	84
<i>Педагог минбари</i>	
<b>Хусниддин Эркабоев.</b> Our profession is in education, arts and society .....	94
Резюме .....	96

## МУАССИС:

«Беруний авлодлари» жамоат фонди

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Абдулла ОРИПОВ  
Мухаммад АЛИ  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ  
Сирожиддин САЙИДИ  
Иқбол МИРЗО  
Комил АВАЗ  
Қахрамон ҚУРБОНБОВ  
Дониёр ЎТАРБАЕВ  
Қуванишбек ЎРАЗИМБЕТОВ  
Дониёр ҲОЖИЕВ  
Марат ЖУМАНОВ

### БОШИ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОВЕВА

### БОШИ МУҲАРРИР ЎРИНБАСАРИ:

Қурбон ШОНИЁЗОВ  
**АДАБИЙ МАСЛАҲАТЧИ:**  
Янгибой ҚЎЧҚОРОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Кенгесбой КАРИМОВ  
Нағмет АЙИМБЕТОВ  
Баҳамдулло НУРАБУЛЛАЕВ  
Ғайратдин ХОЖАНИЯЗОВ  
Гулистон МАТЁҚУБОВА  
Аҳмад АҚНАЗАРОВ  
Ваҳоб РАҲМОНОВ  
Шодмон ВОҲИДОВ  
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА  
Раҳбар ХОЛИҚОВА  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Баҳодир ЭШОВ  
Неъмат ПОЛВОНОВ  
*Саҳифаловчи:* Улуғбек САИДОВ  
*Расом:* Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Ушбу сон “Тамаддун нури” журнали таҳририятининг компютерида саҳифаланди.

**Манзилимиз:** Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри “Халқлар дўстлиги” кўчаси, 14-уй.  
**e-mail:** beruniyavlodlari@mail.ru;  
тел/факс: (8361) 524-01-55

Босишга 27.05.2015 йилда рухсат берилди. Қоғоз бичими 60x84 ¼. Нашриёт ҳисоб табоғи 12.

Журнал 2015 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан №0843раками билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда “Тамаддун нури”дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир. Журналда нашр этилган мақолаларда муаллифларнинг таҳририят нуктаи назарига мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

“HILOL-MEDIA” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Адади 1000 дон. Буюртма №  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесилиши.



# Маърифат && маъриф

Мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, туб ислохотлар бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Албатта, бундай ютуқларга эришишда бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Юртдошларимизнинг онги юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошиб боришини ҳам худди шу омил билан боғлашимиз мумкин.

Жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгилашнилар жараёни биринчи галда матбуотда акс этади. Фуқароларимизнинг ислохотлардаги фаол иштирокини, воқеликка муносабатини билдиришда ҳам оммавий ахборот воситалари асосий минбар вазифасини ўтайди. Миллий матбуотни жаҳоннинг энг илғор, энг замонавий ахборот воситалари даражасига чиқариш учун юртимизда сўнгги йилларда кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси, хусусан, “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш” бўйича белгилаб берган стратегик вазифалари оммавий ахборот воситалари учун яна бир муҳим даврни бошлаб берди.

Мазкур йиғинда муҳтарам Президентимизнинг “Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз” – деган мулоҳазалари оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги туб моҳиятини теран ифодалайди. Юқорида тилга олинган концепцияда мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонунларни такомиллаштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот соҳасини ислоҳ этиш бўйича вазифа этиб белгиланган бу чора-тадбирларнинг асл моҳияти фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг мустақил институт сифатида шакл-

лантиришни, сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда очикликни ҳамда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдан иборатдир.

Албатта, белгилаб берилган вазифалар юзасидан бир қатор Қонунлар қабул қилинди. Айниқса “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги ва “Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлар муҳим аҳамият касб этди. Бу ва бошқа қонун ҳужжатларининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши оммавий ахборот воситалари учун кенг имкониятлар уфқини очиб берди. Юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини, танлаш ихтиёрини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Берилаётган шундай улкан имкониятлар ва имтиёзлардан илҳомланиб, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб етишишига ўз хиссасини қўшиш ниятида “Беруний авлодлари” жамоат фонди “Тамаддун нури” деб номланган илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ва адабий-бадий журнал таъсис қилди. Жамоатчиликка яхши маълумки, ушбу фонд ўз фаолияти давомида қатор хайрли ва салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳокимнинг Афғонистондан олиб келиниши, улуғ аллома номидаги музей ва боғнинг барпо қилиниши, Беруний шаҳрида истироҳат боғининг очилиши, мазкур туман ҳудудидаги қадимий, неча минг йиллик тарихга эга бўлган қалъаларнинг тадқиқ қилиниши, ижодкорлар, мусаввирлар, ёш иқтидор эгаларининг қўллаб-қувватланиши каби эзгу амалларни рўёбга чиқаришда жонбозлик кўрсатиб келаётир. “Беруний авлодлари” жамоат фонди ўз мукофотини ҳам таъсис қилган бўлиб, сиз бу ҳақда журналда саҳифаларида батафсил маълумотга эга бўласиз.

Ўзбекистоннинг бутун дунё тамаддуни ривожига бевосита таъсир кўрсатган шаҳарлари қаторида қутлуғ макон Кот(ҳозирги Беруний) шаҳрининг ҳам мавжудлиги кўксимизни ғурурга тўлдирди. Мелодий 305 йилдан то 995 йилгача хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлиб турган Кот “Буюк ипак йўли”да Фарб билан

Шарқ ўртасида кўприк вазифасини бажаргани, ниҳоятда йирик савдо маркази бўлганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Котнинг шимол тарафи булғорларга ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларига, жануб томонда эса Эронга ва Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарлари орқали Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларига олиб борадиган савдо йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги бу шаҳарнинг Ўрта Осиё ички ва ташқи савдо-сида жуда катта роль ўйнашига сабаб бўлган. Шаҳарда нафақат савдогарлар ва ишбилармонлар, балки кўплаб халқлар маданияти ва маънавияти ҳам учрашган, китоб савдоси ривожланган. Ўрта асрларда Кот янада кучайиб Евроосиё ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар томонлама тараққий этган шаҳарга айланди. Кот шаҳри қадим-қадим даврлардан илм-маърифат, маданият, тамаддун ўчоғи бўлиб келган. Бу муқаддас заминда улуғ қомусий олим Абу Райҳон Беруний, буюк математик Абу Наср ибн Ироқ, машҳур “Маъмур академияси”нинг асосини ташкил қилган олимлар дунёга келган.

Қомусий билимлар соҳиби бўлган буюк бобокалонларимиз қолдирган илмий, маънавий, бадий ва маданий меросдан нафақат фахрланмоқ, шу билан бирга бу меросни кенг турда тарғиб қилмоғимиз ҳам лозим. “Тамаддун нури” журнали шу мақсадни амалга оширишда минбар вазифасини ўташи кўзда тутилган.

Журналимиз саҳифаларида илмий мазмундаги мақолалар, олимларнинг ҳали ҳеч қаерда чоп этилмаган ёки ёритилмаган янги тадқиқотлари, илмий ишларга, маданият янгиликлари, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаб ижод қилаётган рассомларнинг тасвирий санъат намуналари, қорақалпоқ ва бошқа тиллардан илмий, адабий таржималарга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга юртимизда ҳамда дунё адабий жараёнида бўлаётган янгиликлар, янги бадий асарлар билан ҳам танишиб бориш имкониятига эга бўласиз. Журналда айрим материаллар она тилимиздан ташқари рус, инглиз, немис тилларида сиз азиз ўқувчиларга тақдим қилинади. Бу эса тилларни ўрганиш борасида ёшларга яна бир қулайлик туғдиради деб ўйлаймиз...

**Биз истар эдикки, МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ, журналда дунё халқларининг маданиятлари, санъати, илму фани учрашадиган чорраҳа бўлиб қолсин! Ва бу маънавият айвонида бир-бирини бойитсин, нурлантисин! У таратган гўзал нурдан қалблар мунаввар бўлсин!**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

*Хурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!*

Сиз, конференция иштирокчиларини, аввало, муҳтарам меҳмонларимизни – нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, илмий тадқиқот марказлари, университет ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ва вакиллари, таниқли олим ва мутахассисларни қутлаб, мазкур Форумда қатнашиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиромим ва миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният етказди.

Бугунги конференциямиз ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд зами-нида ўтказилаётгани бу анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини янада оширади.

Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай

одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда “абдий шаҳар” деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта.

Мана шу шаҳарда туғилиб-ўсган, вояга етган инсон сифатида менга бу шаҳарда яшаётган барча-барча инсонлар номидан сизларга ўз салими мий меҳмондўстлигимизни изҳор этиш ва “Азим Самарқандга хуш келибсиз!” деб қутлаш катта мамнуният етказди.

Қадрли дўстлар!

Бугунги конференциямизнинг мақсади – Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран

тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улф алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мен бу фикрга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман. Чунки, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истади. Одамлар кечаси уйкуга ётиб, эрталаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдиғини топган ва ишончим комилки, бугун бу мавзуда гапиришнинг ўзи ортиқча.

Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий

тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далолат беради.

XI-XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрфазигача бўлган ҳудудлардаги қўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган.

Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, беқиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Мазкур йўл нафақат юқорида зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ

хўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим вазифасини бажарди ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот ва технологиялар алмашуви учун шарт-шароитлар яратди.

Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билим ва ютуқлар билан бир-бирини бойитиб бориши алоҳида роль ўйнади. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Ғарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди.

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар ора-



сида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва "Байтулҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс

ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожига кескин бурилиш ясади.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожигаги хизматлари умумэтироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва

шунингдек, Нил дарёсида "ниломер" деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлганимда, ана шу ниломерни кўриб, бу улуғ аجدодимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир бор ҳайратга тушиш бахтига муяссар бўлдим.

Фазовий тригонометрия асосчиси деб тан олинган, ўзининг математика ва астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан шуҳрат қозонган яна бир буюк аллома Абу Наср ибн Ироқдир. Уни ҳақли равишда "Иккинчи Птоломей" деб атайдилар.

Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлэмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра меърос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фананда биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудли-

ги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас.

“Ислом оламининг энг машхур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантӣқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар.

Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машхур бўлган, “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Евро-

пада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айна шу асар асосида ўқитиб келинган.

Ибн Сино ва Берунийнинг бизгача етиб келган Аристотелнинг “Коинот ҳақида китоб” асарига тааллуқли ёзишмалари буюк алломаларимизнинг илмий мулоқот олиб бориш, антик давр фалсафий қарашларини чуқур англаш ва уларни ривожлантириш борасида нақадар юксак даражага кўтарилганининг мумтоз намунаси дур.

X-XI асрларда Хоразм заминида ижод қилган Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг хизматлари уларнинг илмий ишлари ва асарлари доираси билангина чегараланиб қолмайди, балки инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб – Хоразм Маъмун академиясини шакллантиришдек муҳим масалани ҳам қамраб олади.

X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машхурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ

тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Қушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсламасдан ўтолмаймиз.

Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқандда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илмфан даҳолари қаторида тилга олинади.

Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди.

Мирзо Улуғбекнинг сафдоши Ал-Коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга жорий этди, эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини ишлаб чиқди.

Мирзо Улуғбек обсерваторияси билан Самарқандни ўраб турадиган энг баланд тепаликлардан бирида жойлашган, буюк аллома номи билан аталадиган музейга

ташриф чоғида янада батафсил танишиш мумкин.

Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ олами гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш “Девони луғатит-турк” китоби муаллифи Маҳмуд Кошғарий бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини – туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Кошғарий туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади.

Араб тили грамматикасининг асосчиси сифатида тан олинган буюк тилшунос, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома – Маҳмуд Замахшарий ҳаётлик давридаёқ кенг шуҳрат қозонган. У, шунингдек, тарихдаги биринчи кўп тилли луғат – арабча-форсча-туркий луғатнинг асосчиси бўлган.

Албатта, биз барчамиз ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод қилган, ўша давр воқеаларидан гувоҳлик берадиган бебаҳо асарлар яратган буюк тарихчилар авлодига, энг аввало, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яз-

дий, Ҳофиз Абрў, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа алломаларга ўзимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтиромимизни билдиришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз. Афсуски, инсоният бошидан кечирган ҳар хил фожеалар, урушлар, табиий офатлар натижасида улар қолдирган буюк мероснинг, айтиш мумкинки, мингдан бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. Тарихнинг зулмат ва жаҳолат ҳукмронлик қилган муайян даврларида олимларнинг қувғин ва таъқибга учраб, кўпчилигининг ҳаёти фожиали яқун топганини ҳозирги кунда тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шу билан бирга, далиллар шуни кўрсатмоқдаки, одамлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар, тўқнашув ва низоларнинг биринчи қурбони билимлар манбаи ҳисобланган бебаҳо қўлёзма ва китоблар бўлган. Сизларнинг барчангиз яхши биласиз, қадимги дунёдаги энг улкан ҳисобланган Александрия кутубхонаси, Мирзо Улуғбекнинг ноёб кутубхонаси йўқ қилиб юборилган. Афсуски, бундай ачинарли рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бироқ, барча қийинчилик ва аёвсиз синовларга қарамасдан, аллома ва мутафаккирлар ўзларининг илмуфан ривожига йўлидаги бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига содиқ қолдилар.

Бу улуғ зотларнинг илмфан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари – бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ахир, фақатгина Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади.

Бу фактлар нимадан далолат беради? Бу, энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг



эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу – бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир.

Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш – бу сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир.

Бу борада фидойи олимларнинг роли алоҳида диққат-этиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўтмишнинг бебаҳо илмий меросини қайтадан кашф этмоқдамиз.

Биласизми, мен баъзан ўйлаб қоламан, дунёда фанлар кўп, илм-фаннинг ажойиб ютуқларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Мен бундай машаққатли меҳнатдан доимо ҳайратга тушаман. Бизнинг халқимизда “Илм билан шуғулланиш – игна билан қудуқ қазиш билан баробар” деган мақол бор. Ана шу игна билан қудуқ қазиётганлар бор бўлсин! Улар қўлзмалар устида 10-20 йиллаб ва ҳатто умрбод ишлаётган инсонлардир. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган инсонлар қалбида буюк даҳолар меросини бутун дунёга намоеън этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда эса сизларнинг ҳамкасбларингизга – олимлар, тарихчи-шарқшунослар, археологлар, антропологлар, сарғайиб

кетган қадимги қўлзма ва саҳифалар устида кўз нурини тўкиб машаққатли меҳнат қилаётган бошқа кўплаб соҳаларнинг мутахассисларига самимий миннатдорлик билан мурожаат қилиб айтмоқчиман: сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли ўтмишда яратилган инсоният тафаккури хазинаси бугунги авлодлар ва замондошларимиз учун хизмат қилмоқда, олис-олис даврлар ва цивилизацияларнинг ажойиб ва сирли олами ўзини намоеън этмоқда.

Конференциямизнинг энг нуфузли қатнашчиларидан бири, илмий фаолияти Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като минтақамизнинг йирик тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бақтрия давлатини ўрганишга бағишланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг кўҳна Далварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилган таржималари бизнинг улкан минтақамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди.

Шахсан мен бу инсоннинг айнан бизнинг халқимиз олдида қилган эзгу ва олижаноб ишларини мамнуният билан эътироф этиб, айтмоқчиман: бу заҳматкаш олим Ўзбеки-

стоннинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Бу юксак нишон ушбу атоқли олимнинг ҳаётий қарашларини, эътиқодини, бутун фаолиятини яққол ифода этади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан. Чунки бундай инсонлар халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди, бундай ришталарсиз инсон, халқ, жамият яшолмайди. Одамзот табиати шундайки, у уруш-жанжалларга эмас, балки дўстликка, бошқа халқлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга интилиб яшайди. Шунинг учун ҳам мен бу ажойиб инсонга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Бугунги анжуманимизнинг яна бир қатнашчиси – таниқли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жанобларидир. Унинг 2009 йилда “Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши” деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

Шарқ Ренессанси даври Ҳиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Бугун ушбу анжуманда Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан буён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар хоним ҳам иштирок этаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Олиманинг “Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти” деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилиги фаолиятига бағишлаб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

Бизнинг Корея Республикасидан ташриф буюрган яна бир меҳмонимиз, Корея ва Осиё минтақасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири – Инха университети президенти, олий таълим тизимининг тан олинган ташкилотчиси, аэрокосмик муҳандислиги соҳасидаги йирик мутахассис Пак Чун-Бэ Корея Республикасида аэроавиатика ва коинот соҳасидаги тадқиқотларга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келган. Унинг бевосита ва шахсан иштирокида жорий йилда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлашга ихтисослашган Кореянинг машҳур Инха университети филиали очилади.

Қоҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таниқли олима Магида Махлуф хоним ўтган йили “Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг муҳими, бизнинг буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди.

Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр қилинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янссеннинг илмий фаолиятини ҳам биз юксак баҳолаймиз. Олимнинг “Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири” китоби, “Абу Али ибн Сино ва унинг мероси” тўплами фақат мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кенг эътироф этилди.

Мен бу инсон билан танишишни кўпдан буён орзу қилганимни айтишни истардим. Бугунги имкониятдан фойдаланган ҳолда, унга мурожаат қилиб, айтмоқчиман: сизни Ибн Синодек даҳо шахсининг айнан қайси жиҳатлари ўзига мафтун этади? Балки сиз бу борада бизнинг телевидениемизда чиқиш қилиб, тарихимиз, маданиятимиз, буюк алломаларимиз, айниқса, Ибн Синога бўлган муҳаббатингиз ҳақида жамоатчилигимизга, ёшларимизга атрофлича сўзлаб берарсиз? Мен буни жуда-жуда истардим.

Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнлининг номини алоҳида таъкидлашни истардим. У астрономия тарихи соҳасида дунёга таниқли мутахассисдир. Унинг ўрта асрларда Марказий Осиё, Хитой, Корея ва Европада астрономия тараққиётини қиёсий-таҳлилий ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари катта шухрат қозонди. У астрономиянинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини ом-

малаштириш бўйича жаҳонга машҳур олим, айти пайтда Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёдаги қатор етакчи илмий-оммабоп нашрларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳамдир.

Европада таниқли врач, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолияти катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик қилаётган “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини омалаштиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг конференциямизда, шунингдек, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олими Роберт ван Гент ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадқиқотчининг нашр этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг бугунги долзарб муаммоларини эмас, айти пайтда уларнинг тараққиёт тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади.

Ўрта асрларда Шарқда яшаб ўтган аллома ва мутафаккирларнинг боқий меросини тадқиқ ва тарғиб этишга, кенг оммага етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб фидойи олим ва мутахассислар ҳам шундай эътироф ва ҳурматга сазовордир. Сизларнинг барчангизга меҳнатингиз, илмфан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссангиз учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, десам, ишонаманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шу муносабат билан улуг испан адиби Сервантеснинг, тарих – фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир, деган сўзларини такрорлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Менга айниқса “келажак учун огоҳлантириш” деган фикр жуда маъқул бўлди. Нима учун? Нега деганда, ҳақиқатан ҳам, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тасаввур қилолмайди.

Барчамиз яхши тушунамизки, эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқда амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айна шу тамойилга қатъий амал қиламиз.

Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар қаторида мен иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш ва асраб-авайлаш, табиий заҳираларнинг тугаб бориши ва бошқа шу каби жуда ўткир муаммоларни қайд этишни истардим. Уларнинг оқилона

ечими давримизнинг энг кескин муаммосига айланмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этиши мумкин.

Ўзингиз айтинг, бугун бу залда номлари зикр этилган буюк алломалар, улуг инсонлар ўз кашфиётларини, илмий асарларини ғоят оғир шароитларда яратган эмасми? Улар замонавий лабораторияларга, бугунги кундаги каби илмий асбоб ва жиҳозларга эга бўлмаган. Демокчиманки, ҳозирги вақтда илм-фан юксак технологиялар, улкан маблағларни жалб этиш ҳисобидан ривожланади. Илм-фан ва маданиятни буюк сармоялар киритмасдан, ҳар томонлама қўллаб-қувватламасдан равнақ топтириб бўлмайди. Бу соҳадаги доимий юксак эътибор, катта маблағ ва сармоялар, ҳеч шубҳасиз, катта катта ғоялар ва кашфиётларга сабаб бўлади.

Табиийки, улкан ҳажмдаги маблағ ва харажатлар билан бирга, ўз навбатида ўтмишда амалга оширилган беқиёс илмий ютуқлардан оқилона фойдаланиш талаб қилинишини ҳам ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шуларни эътиборга олганда, “XXI аср – билим ва интеллектуал тафаккур асри” деган фикр бежиз айтилмагани ўз ўзидан аён бўлади. Бугунги кунда “Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган

сармоя – бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир” деган ҳақиқатнинг ҳаётда тобора мустаҳкам қарор топиб бораётгани тасодиф эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бу ўринда нима назарда тутилмоқда?

Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз.

Биз ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўтмишда шаклланган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, эски коммунистик мафқуранинг қолип ва ақидаларидан бутунлай воз кечмасдан, ёшларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамламасдан туриб янги жамиятни барпо этиб бўлмайди, деган қатъий хулосага келган эдик.

Агар Ўзбекистонда бугун яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу

ислохотларнинг зарурати ва роли ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу авваламбор 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини англатади. Агар инсон ўз мамлакати Конституцияси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини бажаришни истаса, у биринчи навбатда ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини таъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиб бериши керак.

Бу моделнинг принциплар хусусияти авваламбор шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайдилар.

Мен сизларнинг ана шу лицей ва коллежларни – бу Самарқандда бўладими, Тошкентда бўладими, олис шаҳар ва туманларда бўладими – ана шу ўқув юртларини албатта бориб кўришингизни истардим. Бу коллежлар энг юксак замонавий талаблар асосида бунёд этилган ва барча жиҳозлар билан таъминланган. Биз энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та ана шундай коллеж ва лицейлар барпо этдик. Илгари хорижлик меҳмонларга экзотика намуналарини кўрсатардик.

Бугун эса уларга болаларимиз қандай ўқиётгани, уларга қандай замонавий шароитларда билим бераётганимизни, қандай авлод вояга етаётганини кўринг, деймиз. Яна шуни таъкидламоқчиманки, ушбу коллежларда таҳсил олаётган ёшларимиз икки-уч мутахассисликка эга бўлиш билан бирга, хорижий тилларни, аксарият ҳолларда инглиз тилини ўрганмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ана шу мажбурий таълимдан сўнг ёш йигит-қизларимиз, ўз хоҳишларига кўра, бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш учун олий ўқув юртларида таҳсил олишни давом эттиришлари мумкин.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнларининг барча босқичларини – мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим бўғинини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевожута фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вест-

минстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият кўрсатади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади.

Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири –

“ИНСЕАД” томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида холисона хулоса чиқаргани учун миннатдоримиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашга ҳақлимиз, деб ўйлайман.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва амалда оммалаштиришга бағишланган ушбу конференцияни ўтказиш ўта муҳимлиги ва мақсадга мувофиқ эканига бизнинг ишончимиз комил, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Форум қатнашчиларининг таркибини эътиборга олган ҳолда айтадиган бўлсам мен

сизлар билан олдиндан танишман.

Сизларнинг ялпи мажлис ва секциялар бўйича ўтадиган йиғилишларда билдирадиган таклиф-мулоҳазаларингиз муҳокама этилаётган мавзуга оид долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этиши, ушбу конференция ишини мазмунан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бундай мавзудаги конференция дунёда камдан-кам бўладиган анжумандир. Ўйлайманки, унинг натижасига кўра жуда бой материалларга эга бўламиз. Бизнинг истагимиз шуки, Шарқ қўлёзмаларида сақланаётган улкан меросдан барча-барча инсонлар баҳраманд бўлсин. Уларни одамларга, авваламбор ёшларимизга етказиш айни муддао бўлур эди.

Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”, деб айтаман. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” деб такрорлайман.

Биз келгусида юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий ва тадқиқот марказлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланиб боришидан манфаатдоримиз ва бугунги конференциядан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шундан иборат эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шуниси муҳимки, олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги униб-ўсиб келаётган ёш

авлод, талаба ва ёшларнинг ўзаро алоқалари учун ҳам, улар дунёнинг қайси жойида яшаши, ўқиши ёки меҳнат қилишидан қатъи назар, кенг йўл очиб беради.

Айни шу жиҳатдан ҳам биз мазкур анжуманнинг аҳамиятини чуқур англаб турибмиз. Конференция ушбу мавзу доирасида бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради. Анжуман мавзуси эса, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш ва шу мақсадда ажратилаётган маблағларни янада кўпайтиришга қодир эканимизни бутун дунёга намоён этади.

Шунинг учун ҳам биз бундай форумларнинг мунтазам ўтказиб турилиши тарафдоримиз. Ўзбекистон халқи ғоят меҳмондўст, сиз, муҳтарам меҳмонларимиз бунга ҳар бирингиз ўз мисолингизда ишонч ҳосил қилишингизни хоҳлаймиз. Шу боис сизларни фақат Самарқанд ва Тошкентда эмас, мозий гавҳари бўлган Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бизнинг буюк тарихимизни, қадимий цивилизация ютуқларини асраб-авайлаб келаётган бошқа шаҳарларимизда ҳам кўришдан мамнун бўламиз.

Ушбу юксак минбардан туриб шу муҳташам залда тўпланганларга яна бир бор самимий ҳурматимни изҳор этаман, ишингиз самарали бўлишини, Ўзбекистонга сифарингиз сизларда ўчмас таассуротлар қолдиришини иштайман.

*Барчангизга сихат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман.*



**Кенгесбой КАРИМОВ**  
 Қорақалпоғистон  
 Ёзувчилар уюшмаси раиси

# Олтин кўприк

Бугун биз жаҳоншумул тарихий воқеаларнинг шоҳиди ва иштирокчиси бўлиб турибмиз. Ватанимиз ўз мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлаши баробарида дунё ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар давлатимиз ва жамиятимизнинг янги бир поғонага кўтарилганлигини кўрсатиб берди. Бу сиёсий жараёнда фуқароларнинг фаол иштироки Ўзбекистон қонунчилиги, ижтимоий-сиёсий соҳада олиб борилаётган ислохотлар нақадар тўғри ва беҳато эканлигини жаҳон афкор оммаси олдида, энг муҳими, ҳаёт олдида тўла намоён қилди. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, ватанимиз ва миллатимиз келажаги учун овоз берди. Халқ қалб амри, тафаккур кучи билан давлатни бошқариш ишларида қатнашишга қодир инсонларни депутатликка сайлади. Энг қувонарли жиҳати, одамлар Ўзбекистон аталмиш буюк давлатнинг ўтмиши ва келажаги учун улкан хизматлар қилган улуғ инсон, дунё сиёсий майдонида катта эътироф, обрў-эътибор, теран ҳурматга сазовор бўлган буюк арбобни ҳеч бир иккиланишларсиз давлатимиз Президенти қилиб сайлашда мустаҳкам эътиқоди, чин фуқаролик позициясини намойиш қилди. Сайлов жараёнларининг демократик тамойиллар асосида ҳаққоний кечганлиги мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланаётганлигидан далолатдир.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ўсиш даражаси жадал суръатларда давом этаётир. Юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, наинки Шарқда, балки дунёда ўхшаши йўқ гўзал, дурдона бир санъат асарига айланиб бормоқда десак, муболаға бўлмас. Йирик шаҳарлардан тортиб, то кичиккина қишлоқлар ва овулларимизгача янги типдаги уй-жойлар, равон ва кенг кўчалар, спорт иншоотлари, мусиқа мактаблари, коллеж ва лицейлар, маданий-маиший бинолар билан сайқал топаётгани фикримизга ёрқин мисол бўла олади.


Юртимизда содир бўлаётган буюк яратувчанлик ёзувчи ва шоирлар, жамики ижод аҳли олдида залворли вазифалар қўймоқда. Ижодкорлар замонамиз қаҳрамонини гавдалантирувчи ёки тарихий шах-

слар ҳаёти – фаолиятига оид бир қатор бадиий, тарихий, публицистик, назмий асарлар яратдилар. Бу асарлар ватан тараққиёти, ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутуши шубҳасиз. Олдимизда турган вазифалар жуда кўп. Атрофимизда содир бўлаётган бунёдкорлик фаолиятини бадиий асарларда ёритиш ишларини янада кучайтириб, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини тўлақонли образларда тараннум этмоғимиз талаб этилади. Шунинг билан бир қаторда қадим тарихимизни ҳам унутиб

қўймаслигимиз, тарихий-бадиий асарлар яратишни изчил давом эттириш лозим. Ўзбекистон, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси жойлашган замин энг қадимги тамаддун ўчоқларидан ҳисобланади. Ватанимиз ҳудудидаги минглаб қадимий қалъа ва қўрғонлар, маданий ёдгорликлар, музей ва кутубхоналаримизда сақланаётган кўҳна қўлёмалар ёзувчи ва олимларга битмас-туганмас маълумотлар манбаидир.

“Тамаддун нури” номидаги илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журналнинг дунёга келгани айна муддао бўлди. Журнал юқорида таъкидланган эзгу ишларни амалга оширишда ўзига хос майдон вазифасини ўтаб, илм-фан, маънавият, маърифат, бадиий асарлар учун юксак минбар, ўзбек ва қорақалпоқ тили, адабиёти ўртасида олтин кўприк бўлиб қолишига ишонамиз!

**“Тамаддун нури” журна-  
 ли жамоасига Ўзбекистон ва  
 Қорақалпоғистон илм-фани,  
 адабиётини дунёга танитиш-  
 да улкан зафарлар, бекиёс  
 шижоат, ва албатта холислик,  
 фидоийлик тилаб қоламиз.**



# Хаёт достони

**Й**иллар йилларга уланиб бормоқда. Мустақил давронимиз бошланганига ҳам йигирма тўрт йил бўлди. Ўша йили дунёга келган болалар бугун балоғат ёшига етиб, жамиятимиз томирларида янги қон, янги куч бўлиб айланмоқда.

Биз тамомила янги жамият барпо этдик. Эндиликда дунё давлатлари Ўзбекистонни тенглар ичра тенг деб тан олдилар. Айниқса, Қорақалпоғистонимизнинг кейинги йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошиши, қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бораётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугунги кунда бутун дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби, Қорақалпоғистонда ҳам кийим фабрикаларимиз, ипак газламаларимиз, соф чармдан тикилган пойафзалларимиз ва бошқа кўплаб озиқ-овқат, саноат маҳсулотларимиз ишлаб чиқарилмоқда. Устюрт текисликларидан топилаётган газ, нефть конлари ҳали бу юртнинг келажаги яна ҳам фаровон бўлишидан дарак бермоқдаки, биз ижод аҳли бу ўзгаришлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзишимиз, янги асарлар яратиш, халқимизга тақдим қилишимиз керак.

Болалигимиздан халқ оғзаки ижоди, айниқса қорқалпоқ халқининг бой ва бетакрор оғзаки ижоди билан ошно бўлиб ўсдик. Адабиётга ҳам шу халқнинг бой маънавий меросларини ўқиб кириб келдик.

Қорақалпоқ халқини адабиёт орқали дунёга танитган Тўлепберган ва Ибройим оғалардан кейин улар каби улуғ ижодкорлар яна пайдо бўлишига ишонаман. Токи, улар ўзбек ва қорақалпоқ халқининг бой меросини, XIX-XX аср адабиёти намояндalари тўғрисидаги асарларни таҳлил қилсинлар, XXI аср ва янги

**Гулистон МАТЁҚУБОВА**

*Қорақалпоғистон халқ шоираси,*

*Ўзбекистон Республикаси*

*Олий Мажлиси Сенати аъзоси*

ҳаётнинг дostonларини, қисса ва романларини яратсинлар. Ижодкорман деб, қўлига қоғоз-қалам олган айрим ёш йигит-қизларимиз юзаки, сохта сўзлар билан эмас, балки қалбларида Ватанига ҳақиқий меҳр туюб, ундаги улуғворлик, яратувчилик моҳиятини юрак-юракдан ҳис этиб, юксак савиядаги, улуғ асарлар яратишларини иштайман.

Гарчи мен адабиётшунос олим бўлмасам-да, ишонч билан айта оламankи, ҳар қандай миллий адабиётга, албатта, ўзга адабиёт намояндalарининг бадий маҳорати ва услублари кириб келиши лозим. Мамлакат илм-фани ривожини раvнақига ўзга давлатлар олимлари эришган илмий кашфиётлар, эришилган натижалар ва ютуқларнинг ижобий таъсир этганидек, бўлиши табиий. Ўрта асрлар шарқ мутафаккирлари ва олимлари илмий фаолияти ва ижодлари натижасида кўтарилган қудратли тўлқин – Шарқ Ренессансининг нафақат Европа, балки бутун жаҳон илму-фанига кўрсатган оламшумул таъсир ўтказгани бунга ёрқин мисолдир. Шарқ Ренессанси Европа Уйғониш даври учун дебоча, қудратли туртки бўлди. Бу жараён албатта, илму-фаннинг тили чегара билмаслиги билан изоҳланади. Бизнинг мутафаккир, донишманд боболаримиз кўплаб тилларни пухта билганлар. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, адабиёт, маънавият, илм-фан умумбашарий қадриятлар бўлиб, умуминсоний дарёлардан сув ичади.

Эзгу мақсадлар сари қадам қўяётган “Тамаддун нури” номли тўрт тилли илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадий журналнинг дунёга келиши айни биз ижодкорлар, зиёлиларнинг кўнглидаги иш бўлди. Умидимиз, ушбу журнал орқали ўзбек китобхонлари қорақалпоқ халқи билан бир қаторда бошқа халқларнинг ҳам оғзаки ижоди, замонавий адабиёти ва илм-фан соҳасида яратаётган янгиликларидан бохабар бўлса, ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитиб, илмий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилса! Албатта, бу эзгу тилақларимиз ижобат бўлади, ниятларимиз рўёбга чиқади деб қатъий ишонаман. Журнал таҳририятига бу борадаги енгил бўлмаган, ҳаттоки сермашаққат ишларида фақат ва фақат омад, собитқадамлик, маслакларини йўлида фидоийлик тилайман. Хаёт достонини дўстлар билан бирга қуйлаш каби улуғ мақсадлари қутлуғ бўлсин дейман!

**Нағмет АЙИМБЕТОВ**  
ЎзФА Қорақалпоғистон  
бўлими бошлиғи

“Тамаддун” ва “маданият” сўзларининг келиб чиқиши бир бўлиб, бу сўзлар жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи деган маънони англатади. “Тамаддун” сўзининг мазмуни беҳад теранки, у ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат, турмушнинг маърифатли кишилар эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси, бирор хўжалик ёки ақлий меҳнат соҳасининг ривожланганлик даражаси маъноларини ҳам билдириб келади.

Ер юзида одамзод яралиб, ақл-заковат, ҳис-туйғу, тафаккур ва тил билан ошно тутинибдики, тамаддун куртаклари ҳам барг ёзиб бошлаган. Инсониятнинг ҳайвонот олаmidан бутунлай ажралиб чиқиши ҳам айнан тамаддун ривожланиши билан боғлиқ равишда кечиб, турфа хил тиллар, халқ ва элатлар, ирқлар ва қиёфаларнинг шаклланишига олиб келган.

Она заминимизда ҳозирги кунда сон-саноксиз тиллар ва шу тилларда мулоқот қилувчи миллатлар бор. Лекин, минг йиллардан буён инсониятни бир-бири билан боғлаб турувчи бир ришта, турли халқ ва элатларни бирибирига яқинлаштирувчи бир тил борки, бу тил илм-фан тилидир. Илм ва фан инсоният йўлини безавол ёритиб турувчи бир маёқдирким, ҳаттоки уни сўнмас куёш деб атасак ҳам янглишмаймиз. Бизнинг муқаддас заминимизда — Ўзбекистон, шу жумладан Қорақалпоғистонда энг қадимги манзилгоҳлар, қалъалар, маданият ва тамаддун излари яққол сақланиб қолган маконларнинг кўплиги



## МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ ЗИЁСИ

халқимизнинг азал-азалдан маданият ва маърифатга ташна эканлигидан дарак беради. Юртимизда археологик қазिशмалар натижасида очилган, милоддан бир неча аср аввал барпо қилинган кўплаб расадхоналар, расадхоналар худудидан топилган астрономик асбоб-ускуналар, деворларда ёзиб қолдирилган математик формулалар фикримизнинг яққол далилидир. Яна бир нарсани фахрифтихор билан айтишимиз мумкин — инсоният тарихидаги илк ёзма китоб — Авесто ҳам бизнинг муқаддас заминимизда дунёга келган. Мана шунинг ўзи ҳам она юртимиз дунё тамаддуни бешикларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, кейинги даврларда ҳам ватанимиздан кўплаб олиму-уламолар етишиб чиқиб, жаҳон цивилизациясини янги чўққиларга олиб чиқишга мушарраф бўлганлар. Шарқ Ренессансининг ёрқин намояндалари бўлган бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз илмий ва маънавий меросининг бутун дунё илм-фанига кўрсатган беқиёс ҳаётбахш таъсири тўғрисида 2014 йил

май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда мухтарам Президентимиз сўзлаган нутқлари бутун дунё олимлари, зиёлилари, умуман олганда жаҳон халқлари ўртасида юксак эътибор ва эътирофга сазовор бўлди.

“Беруний авлодлари” жамоат фонди муассислигида таъсис қилинган “Тамаддун нури” номли илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий, адабий-бадиий журналнинг ташкил топиши Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон илм-фани ривожини ва тараққиётини ижобий таъсир кўрсатувчи эътиборга молик воқеа бўлиб, бу нашр шу вақтгача олиб борилган қатор хайрли ишлар ҳамда изланишларнинг давомчиси, холис ва юксак бир минбар бўлади деб ишонамиз.

Юртимизда илм-фан равақига ўзининг баракали улушини кўшади деб умид қилган ҳолда, “Тамаддун нури” журнаliga бардавомлик тилаб, илмга фидоийлик, маданият ва маънавият нурларидан барчани баҳраманд қилувчи ёрқин юлдуз бўлиб қолишини чин дилдан истаб қоламиз!



Дунё тамаддунининг илк ўчоқларидан бўлган она юртимиз ҳамиша ўзининг ёрқин ва безавол нурини бутун оламга таратиб келган. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ер куррасининг кўплаб масканларида одамларнинг илк маконлари, улардаги ибтидоий, баъзан бир қадар ривожланган маданият изларини кўришимиз мумкин. Бундай маконлар ер юзида кўплаб топилар, эҳтимол, лекин инсоният тарихидаги илк ёзма китоб яратилган замин ягона бўлиб, бундай муқаддас тупроқ бизнинг ватанимиздир. Аждодларимиз даҳоси билан яратилган муқаддас “Авесто”да жуда кўплаб илм-



## БҮЮК ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА

ларнинг, ҳаттоки ҳозирги кунда ҳам энг замонавий деб ҳисобланаётган фанларнинг асоси қўйиб кетилганлиги ҳам улкан ҳайрат, ҳам беқиёс фахрифтхор туйғуларини бағишлайди кишига. Бу китобда барча соҳалар, ҳаётнинг барча жабҳасига оид билимлар, маълумотлар жамланган. У осмон жисмлари, сайёралар ҳаракати, Ернинг шаклидан тортиб, тупроқ зарраси, микроолам, ўт-ўланлару меъморчилик, санъат, маданият ҳақида тўла тushунча бера оладиган бебаҳо қомусдир. Шунга асосланган ҳолда биз туғилиб ўсган табаррук замин дунё тамаддунининг илк марказларидандир деб бемалол, ҳеч бир иккиланишсиз айта оламиз. Кейинги даврларда ҳам бизнинг юртимиз – бетимсол заковат, ақл-идрок, мардлигу шижоат дояси бўлган Ўзбекистонимиздан беҳисоб даҳолар, олиму уламолар, шоир-ёзувчилар, ҳадис илмининг пирлари, тенгсиз саркардалар етишиб чиқиб, дунё назарини юртимиз томонга бурганлиги бор ҳақиқат. Фикри ожизимча, бундай улуғ алломалар камдан кам халқларга насиб этади. Лекин бизнинг мақсадимиз беҳуда мақтаниш ёки ҳавойи ғурурланиш эмас, балки аждодларга муносиб авлод, ворис бўлмоқликдир. Шу ўринда мен муҳтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовни ҳақли равишда буюк бобокалонларимизнинг му-

**Фарҳод Эрманов**  
*Беруний тумани ҳокими,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси*

носиб вориси, улуғ ишларининг толмас давомчиси сифатида фахр билан тилга олишни хоҳлар эдим. Юртбошимиз раҳбарлигида бутун бир миллатнинг озодликка чиқиши, ўз мустақил йўлини беҳато белгилаши, тараққиёт манзилларидан илдам одимлаб, ривожланган давлатлар орасида ўзининг бетимсол, безавол ўрнига эга бўлиши – мислсиз тарихий воқеадир. Мамлакатимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, ободлашиб, гўзаллашиб ва кўркамлашиб бориши, аҳоли турмуш даражасининг ортиб бораётганлиги, қишлоқларда замонавий, шаҳармонанд гўшалар қад ростлаётгани, юртимизда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотларнинг шуҳрати кундан-кунга ўсиб бораётганлиги – барча-барчаси узоқни кўзлаб олиб борилган оқилона сиёсат натижасидир.

Муҳтарам Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида шонли ўтмишимизга муносиб, ундан-да буюкроқ бир келажак яратмоқдамиз. Қорақалпоғистон Республикаси, унинг пойтахти Нукус шаҳри билан бир қаторда Беруний тумани ҳам буюк ўзгаришлар бўсағасида турибди. Бизнинг туманимизга ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳар қиёфаси кундан кунга гўзаллашиб, замонавий қиёфа касб этиб бормоқда. Янги, замонавий типдаги уй-жойлар, маъмурий бинолар, касб-хунар коллежлари, musiқа мактаби бинолари ва қатор бошқа бинолар шаҳримиз кўркига кўрк қўшаётир. Равон ва кенг йўллар, парк, амфитеатр, спорт иншоотлари, ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши аввалги даврларда ҳатто орзуимизга ҳам сиғмаган, хаёлимизга ҳам келмаган қўл етмас рўёлар бўлса, бугун улар ҳақиқатга айланмоқда. Шу замонда, шу Ватанда яшамоқ бахти насиб қилганлиги пешонамиз ярқироқлиги, иқболимиз бутунлигидан дарак эмасми!? Ҳа, мустақилликни кўриш, уни қон-қонимизга сингдириб, томирларимизда олиб юриш толеимизга дарж этилган экан, бу илоҳий битикни авлодларга бекаму-кўст, зиён-заҳматсиз етказишимиз шарт! Бунинг учун албатта, муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, маънавиятимиз, маърифатимиз юксак бўлмоғи лозим.

Шу умидда илмий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий изланишларни давом қилдириш учун бел боғлаган “Тамаддун нури” журнали таҳририятига бу улуғ мақсадларига етишиш йўлида улкан зафарлар, ғайрат-шижоат, бемисл азму қарор тилаймиз.

Мамлакатимиз илм-фанини, адабиётини, маданиятини дунёга ёйишда омад, бахту иқбол ҳамиша ёр бўлсин деймиз!



## АЖДОДЛАРИМИЗ — ИФТИХОРИМИЗ

**2014** йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “**Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига даги халқаро конференция халқимиз маънавий ҳаётида муҳим сана бўлиб миллатимиз тарихига кириши шубҳасиз.**

Ушбу конференцияда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ўзбек халқининг асрий армонларидан бири бўлган буюк бобокалонларимиз — Шарқ алломалари ва мутафаккирлари, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг ватанимиз худудида туғилиб камол топган улуғ аждодларимизнинг дунё тамаддуни ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, Европа Ренессансига кўрсатган буюк ҳаётбахш таъсири ва маънавий жасоратлари ҳақидаги тарихий

ҳақиқатни рўйи рост, бутун жаҳон афкор оммаси олдида фахр билан гапириб, халқимиз, айниқса, ёш авлод кўксига гурур чўғини янада алангалатди. Нутқда жумладан шундай дейилди: *“Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз. ...Барчамиз яхши тушунамизки, эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айтиш тамайилга қатъий амал қиламиз. ...Мен ёшларимизга мурожат қилар эканман, уларга*

*доимо: “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак”, деб айтаман. Айтиш вақтида “Фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” деб такрорлайман”.*

Мазкур конференциянинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил 4 сентябрь куни Беруний шаҳрида Беруний тумани ҳокимлиги, “Беруний авлодлари” жамғармаси, ЎзФАнинг Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, ЎзРФА ва унинг Қорақалпоғистон бўлими, Хоразм Маъмун академияси, ЎЗМУ, ҚДУ, УрДУ, Фалсафий тадқиқотлар илмий комплекси, Тошкент Давлат ахборот технологиялари университети, Имом Бухорий Халқаро маркази ҳамкорлигида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1041 йиллиги муносабати билан “Абу Райҳон Беруний илмий мероси ва ҳозирги замон” мавзусида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда иштирок қилган олимлар ва тадқиқотчиларнинг маърузалари билан сиз муҳтарам журналхонларни таништириб боришни лозим деб топдик. Бу маърузаларнинг кўпчилигида фанда янгилик бўлган маълумотлар таллайгина. Улар илк бора сиз азизларга, яъни “Тамаддуни” журнали ўқувчиларига тақдим қилинмоқда.

**Таҳририят**



# Ҳазрат Навоий

## ҳазинасидан

гап-сўзлар унинг олдида  
бир афсона.

**Илм ичра менга  
то бўлди мадҳал,  
Топилмас мушқуле  
мен қилмаган ҳал.**

Илм орттиргач, дунёда  
мен ҳал қилолмайдиған  
муаммо қолмади.

**Камол эт касбким,  
олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай  
ғамнок чикмоқ.  
Жаҳондин нотаом  
ўтмак биайних,  
Эрур ҳаммомдин  
нопок чикмоқ.**

Оламдан ғамсиз ўтай  
десанг илму хунар ўрган.  
Дунёдан камолотга етиш-  
май ўтиш ҳаммомдан тоза  
бўлмай чиқишнинг худди  
ўзи.

**Йигитликда йиғ  
илмнинг маҳзани,  
Қарилиқ чоғи  
харж қилғил ани.**

Ёшлиқда илм ҳазина-  
ларини йиққин, қаригач  
сарф қилгин.

Тўпловчи

Анвар Алламбергенов



**Бировким, қилса  
олимларга таъзим,  
Қилур гўёки  
пайғамбарга таъзим.  
Ҳадис ўлмиш Набийдин  
бўйла ходис —  
Ки, олим келди  
пайғамбарга ворис.**

Олимларга таъзим қил-  
ган киши худди пайғам-  
барга таъзим қилгандай  
бўлади. Чунки Муҳаммад  
алайҳиссаломдан: “Олим-  
лар менинг ворисимдир”, —  
деган ҳадис қолган.

**Барчадин ашрафки,  
ул инсон эрур —  
Ким, камолида  
хирад хайрон эрур.**

Мавжудот ичида барчадан  
афзали инсондир, унинг  
ҳар жиҳатдан мукамал  
яратилганини кўриб, ақл  
хам хайрондир.

**Донаву дур сўзини  
афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида  
дурдона бил.**

Жаҳон уммонида ҳақи-  
қий дурдона бу — сўз. Дур  
ва унинг шодаси ҳақидаги

**Дониш тилаю, ҳар сори  
гар кетгайсен,  
Хифз айламасанг,  
варақ йиғиб нетгайсен.  
Саъй айлаки,  
ҳифзи ганжиға етгайсен,  
Йўқ улки, кутуб  
саъй ила жам этгайсен.**

Каерга борма, илм ўрга-  
ниш пайида бўл, лекин ки-  
тоб йиққандан кўра, илм  
ганжини хотирангга жо  
қилганинг яхши, бас, китоб  
йиғишга эмас, ёдингда сақ-  
лашга интил.

**Жаҳон илмики,  
буқун менга ёд эрур,  
Анга борча жаҳл  
аҳли устод эрур.**

Мен дунёдаги барча илм-  
ларни эгалладим, бу ишда  
менинг ўқитувчим ҳар соҳа-  
даги жоҳиллар бўлди.

**Жаҳл аҳли била  
кимки улфат бўлғай,  
Ул улфати ичра  
юз минг офат бўлғай.**

Ҳар кимнинг улфати  
билимсиз — жоҳил бўлса,  
бундай улфатчиликда кўп  
офатлар бўлиши мумкин.

**Рассматривая  
вопрос о творчестве  
Беруни и  
родине великого  
ученого – средне-  
вековом Хорезме,  
мы должны иметь  
в виду две главные  
стороны этого  
вопроса.**

Во-первых, речь должна идти о древнехорезмийской цивилизации, о культуре и истории древнего и средневекового Хорезма, которые явились тем субстратом, той плодородной почвой, на которой мог зародиться и вырасти могучий гений Беруни.

Во-вторых, речь

нейших его составляющих.

Итак вопрос, о роли Хорезма в формировании научного гения и круга научных интересов Беруни. Здесь также необходимо выделить вопросы о роли хорезмийской культурной среды в формировании личности Беруни и о Хорезме, его истории, культуре и природе как факторе определившем круг научных интересов ученого.

Древний и средневековый Хорезм являлся одним из центров древневосточной и средневе-

вития цивилизации античного Хорезма.

В результате археологических исследований, перед нами вырисовываются контуры древнехорезмийской науки, науки от которой до нас не дошло ни одного имени, но мощное развитие которой явилось базой для развития науки средневекового Хорезма, базой для формирования в последующем той культурной и научной среды, в которой стало возможно появление такого гения как Беруни. Обратимся к конкретным примерам высокого развития на-

матической науки. Календарь здесь в центре внимания.

... Развитие топографии в Хорезме неопределимо от развития ирригационного строительства, развитие геометрии диктуется нуждами того же земледелия мы можем судить сейчас по замечательным памятникам ...

... Достаточно сказать, что мощные спиральные завитки орнаментов одного из

**В.Н. ЯГОДИН**

*Академик,*

*доктор*

*исторических наук*

## ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДРЕВНЕГО

должна идти о воздействии творчества Беруни на культурное развитие современного ему Хорезма и о тех сведениях, по истории и истории культуры низовьев Амударьи которые подобно драгоценным зернам рассеяны по многочисленным трудам великого ученого и помогают нам и нашим современникам глубже понять эпоху, в которую жил и творил Беруни.

Разумеется в коротком докладе трудно осветить все многообразие рассматриваемого вопроса, поэтому я остановлюсь на глав-

ной цивилизации с прочными культурными и научными традициями. Открытие его своеобразной древней цивилизации произошедшее при жизни нашего поколения открыло изумленному миру культуру древнюю и самобытную культуру, обладавшую мощным творческим потенциалом. Действительно те примеры, которые доставила нам за последние десятилетия археология говорят о высоком развитии в античном Хорезме многих разделов математики, астрономии, геодезии, истории и многих наук необходимых для раз-

вию в античном Хорезме.

В трудах Беруни неоднократно упоминается о высоком развитии астрономии и математики в Хорезме. Источником этого, по словам выдающегося исследователя древнехорезмийской культуры С.П.Толстов: явилось «сельскохозяйственное значение астрономии, роль ее в планировании цикла сельскохозяйственных работ в условиях ирригационного земледелия ...» – это по мнению С.П.Толстова – основной местный, хорезмийский источник мощного развития хорезмийской мате-

матической науки. Календарь здесь в центре внимания. ... Развитие топографии в Хорезме неопределимо от развития ирригационного строительства, развитие геометрии диктуется нуждами того же земледелия мы можем судить сейчас по замечательным памятникам ...

... Достаточно сказать, что мощные спиральные завитки орнаментов одного из

зал дворца III века в Топрак-кале построены ... по формуле логарифмической спирали, что свидетельствует об исключительно высоком уровне математической культуры древних Хорезмийцев. Развитие математической географии неотделимо от задач путешествий Хорезмийских купцов по бесплодным равнинам приаральских пустынь, где астрономическая ориентация была столь же необходима, как в океанских плаваниях. Этим же широким кругам географических связей было определено развитие в Хо-



## ХОРЕЗМА И БЕРУНИ

резме картографии, описательной географии и этнографии.<sup>1</sup>

Поразительный факт высокого уровня математических измерений на местности, которого достигли ученые античного Хорезма мне довелось наблюдать во время недавней поездки по землям древнего орошения Турткульско-го и Берунийского районов Республики Каракалпакстан.

Освоители земель древнего орошения, ведущие работы на подступах и Джанбаскале, прокладывают новый канал непо-

средственно по ложу античного Джанбаскалинского канала. Иначе говоря, уровень развития математических знаний в античном Хорезме настолько высок, что они могли рассчитать оптимальный вариант трассы канала настолько совершенно, что теперь, спустя два тысячелетия современные ирригаторы, за спиной которых стоит вся мощь мировой науки второй половины XX века, не нашли в проекте древних никакого изъяна и полностью повторили его. Анало-

гичную ситуацию мы имеем с современным Киргизским каналом.

Другим примером высокого развития астрономо-математической науки в древнем Хорезме является исследованное С.П.Толстовым и его сотрудниками городище Кой-крылган кала, которые как было установлено в ходе раскопок являлось храмом-обсерваторной где велись систематические астрономические наблюдения. Здесь производились наблюдения за восходом солнца в моменты равнодействий и в моменты промежуточные

между равнодействиями и солнцестояниями при склопедии солнца  $\delta=15^{\circ}30'$ .

Кроме наблюдений за движением солнца здесь велись наблюдения и за другими светилами. В окна центрального здания Койкрылган-калы наблюдались восходящие звезды, высоты которых равнялись  $3^{\circ}$ ,  $4^{\circ}$ ,  $5^{\circ}$  а зенитные расстояния –  $87^{\circ}$ ,  $86^{\circ}$  и  $84^{\circ}$ . Предполагают, что одной из звезд, наблюдаемых из центрального здания обсерватории, а именно Фомальгауту, и был посвящен храм-обсерватория. Таким образом, исследования Койкрыл-

ган-калы позволили установить, что для ее проектирования архитекторы пользовались сложными математическими расчетами, позволяющими использовать здание как пункт астрономических наблюдений обусловленных потребностями ирригационного земледелия.

Несмотря на трагические события арабского нашествия на Хорезм в 712 году, повлекшие за собой гибель древнехорезмийской литературы, культурная и научная хорезмийские традиции не прервались. Ученые средневекового Хорезма, некоторых из которых мы знаем уже по именам продолжали на новом этапе дальнейшее развитие древнехорезмийской науки.

О событиях арабского завоевания, в пламени которых погибли многие культурные и научные сокровища древнего Хорезма с болью пишет сам Беруни. «И всеми способами рассеял и уничтожил Кутейба всех, кто знал письменность Хорезмийцев, кто хранил их предания, всех ученых, что были среди них, так что покрывалось все это мраком и нет истинных знаний о том, что было известно из их истории во время пришествия к ним ислама» и далее: «После того как Кутей-

<sup>1</sup> Толстов С.П. Беруни и его время «Беруний – великий ученый средневековья». Ташкент, 1950. С. 16.

ба ибн Муслим ал Бахили убил их ученых и священнослужителей и сжег их книги и письма, они забыли искусство письма и чтения и утратили многое из знаний и наук, которые они сохраняли только на память».

Ко времени Беруни в Хорезме наблюдается мощный культурный подъем на базе древнехорезмийской культуры. Этот подъем по замечанию акад. Н.К.Конрада сопровождался определенными ренессансными чертами. И подобно тому, как европейский Ренессанс в более позднее время, создал условия для появления такого могучего гения каким был Леонардо да Винчи, хорезмийский, а если подходить к вопросу более широко, среднеазиатский Ренессанс, создал условия для появления такого титана науки, каким является Беруни.

Беруни жил и формировался как ученый в Хорезмийском городе Кяте, который в свете новейших исследований предстает как крупный культурный и научный центр, как крупный центр хранения научной информации. Здесь, очевидно, находились незаурядные книжные собрания. Об этом может свидетельствовать сам круг интересов молодого Беруни, уже к 16 годам полу-

чившего солидное и всестороннее образование. Это свидетельствует о том, что в условиях Кята юному Беруни была доступна широкая информация как о научных достижениях его современников, так и о научных достижениях предшествующих поколений.

Притоку информации способствовало и то обстоятельство, что Кят в конце X века находился на оживленном перекрестке международных торговых путей. В городе постоянно находилось множество иноземцев которые в те времена являлись источником разнообразнейшей информации, научной, политической, культурной, географической и т.д.

Естественно, что в подобной среде ум молодого ученого находил самые благоприятные условия для своего развития.

В Кяте находилось множество образованных людей общение с которыми также способствовало развитию Беруни как ученого. И такое положение наблюдалось не только в Кяте. IX-X вв. время бурного роста феодальных городов во всем Хорезме. По замечанию члена-корреспондента АН СССР С.П.Толстова для VIII в. мы имеем сведения только о трех городах (Кят, Хазарасп, Ургенч). Для начала X века имеются све-

дения уже о 13 Хорезмийских городах: Хорезм (Кят), Дарган, Хазарасп, Хива, Кушмисан, Ардахушмисан, Сафардоз, Нузбар, Кардаранхос, Кардар, Баратегин, Мозминия, Джурджания. А для конца X в. имеются сведения уже о 32 хорезмийских городах.

В этих условиях жили и работали многие хорезмийские ученые в совокупности создававшие ту научную творческую среду, вне которой было бы невозможно формирование Беруни как ученого.

Великим предшественником Беруни был хорезмиец Мухаммед ибн ал-Хорезми – основоположник «арабской», а через нее и европейской математики. Кроме того по замечанию академика В.В.Бартольда ал-Хорезми положил начало т.наз. «арабской» географической науки. И Хорезми и Беруни в своем творчестве опирались на богатейшее и прежде всего хорезмийское культурное и научное наследие. С.П.Толстов пишет, что «Хорезми и Беруни – вехи в развитии не «арабской», и хорезмийской науки».

В трудах самого Беруни имеются сведения об ученых живших при дворе Хорезмшаха. Так, в частности, в рассказе Беруни и реформе календаря.

Хорезмшаха се-

редины X века Абусанда Ахмеда б.Мухаммеда б.Ирака упоминаются «математики» хорезмшахского двора и «астрономы ал-Хараджи и ал-Хамдаки». И, наконец, нам известно имя наставника Беруни происходившего из древней кятской династии Иракидов Абу Наср Мансура ибн Али Ирака, который был одним из выдающихся представителей хорезмийской науки X века. Имя Мансура ибн Ирака было известно далеко за пределами его родного Хорезма, благодаря его трудам в области астрономии и математики.

Со слов самого Беруни, мы знаем о жившем тогда в Кяте некоем ученом греке, которому молодой ученый приносил семена, растения и плоды и записывал из названия с его слов по греческий.

Столь же необходимыми условиями для формирования Беруни как ученого явилось не только богатейшее культурное и научное хорезмийское наследие, не только культурная и научная среда в современном Беруни Хорезме, но и объекты приложения полученных знаний, материал необходимый для исследований. Его молодой Беруни в изобилии находил в родном Хорезме с его тысячелетней, полной за-

гадок историей и своеобразной природой. Сведения о Хорезме рассеянные по многим трудам Беруни, несомненно получены были им еще в юности в период его жизни в Кяте и питали затем творчество ученого до конца его жизни.

О вкладе Беруни в ботанику необходимо говорить специально. Я лишь отмечу, что многие ботанические интересы Беруни, развитые в его более поздних работах в частности в труде посвященном фармакологии в основных чертах сформировались еще в период жизни молодого Беруни в Кяте, на базе нижнеамударьинской флоры. Об это свидетельствует уже отмеченный мною выше факт сбора ботанических коллекций и определения их с помощью ученого грека жившего в Кяте.

Очевидно в Кяте сформировались и интересы Беруни в области домусульманской истории Хорезма. Приводимые ученым факты по генеалогии хорезмийских царей, по хорезмийской хронологии, были собраны им в молодости, когда он имел широкий доступ к хорезмийским источникам информации, хорезмийской устноэпической традиции и к Кятским книжным собраниям реализованные им позже в его знаменитой «Хро-

нологии». Сведения о домусульманских правящих династиях в Хорезме, о древнехорезмийских системах летоисчисления, о религиозных праздниках домусульманского Хорезма и т.д. могли быть получены Беруни лишь во время его жизни в Хорезме, в годы молодости ученого, когда имел широкий доступ и собственно хорезмийским источникам информации, наверняка существовавшей здесь устноэпической традиции. О ее существовании могут свидетельствовать хотя бы некоторые памятники искусства обнаруженные археологами при раскопках и очевидно посвященные сюжетам каких-то эпических преданий не дошедших до нас. В Кяте Беруни очевидно пользовался также как источником информации по истории Хорезма, кятскими книжными собраниями, в которых наверняка

были книги посвященные сюжетам хорезмийской истории.

Однако находки памятников древнехорезмийской письменности сделанные в последние годы и, в первую очередь тексты на оссуариях некрополей древних Миздахкана и Дарсана, позволяют говорить о том, что уже во времена Беруни сведения по домусульманской истории носили малодостоверный характер, поскольку в огне арабского завоевания в начале VIII века были физически уничтожены носители древнехорезмийской образованности и уничтожены древнехорезмийские письменные памятники.

Говоря о направлениях научных исследований Беруни, сформировавшихся на местном хорезмийском материале, нельзя не отметить его исследований в области исторической гидро-

графии низовьев Амударьи. Созданная им теория исторической динамики Амударьи в ее нижнем течении, в принципе подтвердилась новейшими научными изысканиями.

Таким образом, те материалы которыми мы располагаем на настоящий день позволяют говорить о том, что Беруни не был случайным явлением в истории древней и средневековой науки Хорезма. Его появление и формирование значительного круга направлений научных исследований были определены всем ходом исторического развития древнехорезмийской цивилизации. Творчество Беруни это одна из наиболее пышных ветвей мощного древнехорезмийской науки, контуры которой, вначале такие неясные, сейчас все более проявляются благодаря усилиям отечественной и мировой науки.



**Б.Р.КАРИМОВ**

фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети  
профессори

# ХОРАЗМИЙ, ФОРОБИЙ, БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНОНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ИЛМИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Тарихий, маданий, илмий ва маънавий меросимиз интеллектуал келажакимизнинг мустақкам пойдеворидир. Глобаллашув жараёнида ҳар бир халқ ўз тарихий-маънавий меросини, урф-одат ва қадриятларини сақлаб қолиши масаласи долзарб ва аҳамиятли масаладир. Шу сабабли буюк мутафаккирларимиз, жумладан, Хоразмий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино меросларини ўрганиш ва уларнинг ҳозирги замон цивилизациясининг илмий ва интеллектуал ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган буюк мутафаккирлар Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синоларнинг илмий меросини ва бу даҳоларнинг ҳозирги замон цивилизациясининг илмий ва интеллектуал ривожига, ҳозирги даврнинг ижтимоий жараёнлари ривожига, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва маърифат ривожига таъсири аспектида ўрганиш долзарб ва аҳамиятли муаммолардан ҳисобланади.

Буюк математик ва қомусий олим Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий математиканинг ривожига жуда катта ҳисса қўшди. У алгебра ва алгоритмлаш усулларининг универсаллигини кўрсатди. Ал Хоразмий илмий билиш (айниқса, табиий илмий билиш), математика ривожига, алгебра, алгоритм концепцияси ва ўнли санок системаси шаклланишига ўзининг буюк ҳиссасини қўшди. Бу концепциялар математиканинг, барча замонавий фанлар ва информацион цивилизациянинг фундаментал концепциялари қаторидан жой олган<sup>1</sup>.

Абу Наср ал Форобийнинг онтологик таълимотида ва шунга асосланиб, Абу Али ибн Синонинг онтологик таълимотида зарурият билан мавжуд бўлувчи борлиқ (“вужуди вожиб”) ва эҳтимоллик билан мавжуд бўлувчи борлиқ (“вужуди мумкин”)нинг ўзаро муносабатини очиб беришда эманация принципидан фойдаланилди. Бу таълимотга кўра борлиқ ягона руҳий бирламчи бошланғичдан босқичма-босқич эманация жараёнида пайдо бўлган. Шунинг учун борлиқ бирин-кетин пайдо бўлган поғоналар шаклида бирликдан кўпликка, бир хилликдан кўп хилликка, хилмахилликка қараб ривожланган.

Форобий эманация концепциясини “Теология” китобида баён этилган онтологик концепция асосида ўзининг онтологик таълимоти тизимига қабул қилган. Ўша даврда бу китобнинг муаллифи Арис-

1 Қаранг: Файзуллаев А.Ф. Муҳаммад Хорезми. Т.: Фан, 1964; Файзуллаев А.Ф. Научное творчество Муҳаммада ал-Хорезми. Т.: Фан, 1983; Файзуллаев О.Ф. Муҳаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси. Т.: Фан, 1983; Кабулов В.К., Файзуллаев А.Ф., Назиров Ш.А. Ал-Хорезми, алгоритм и алгоритмизация. Т.: Фан, 2006; ва ҳоказо.



тотель деб ҳисобланган, кейинроқ аниқланишича бу асар Плотиннинг “Эннеад” номли асарининг бир қисми экан. Шунинг учун Ибн Рушд эманация концепцияси Аристотелда мавжуд эмаслигини тўғри таъкидлаган ва айнан шу жиҳатдан Форобий таълимоти Аристотель таълимотидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айни вақтда шу эманация концепцияси Форобийнинг борлиқ ҳақидаги таълимотида мавжудлиги унинг таълимотини ҳозирги замон глобал эволюционизм таълимотига Аристотель таълимотига қараганда адекватроқ деб қарашга имкон беради. Ибн Синонинг эманация концепцияси унинг «Мабда ва Маад» (Келиб чиқиш ва қайтиш) номли китобида батафсил баён этилган<sup>1</sup>.

Абу Наср ал-Форобий Платон ва Аристотелнинг фалсафий таълимотларини уларнинг қарама-қаршиликларини бартараф этиш йўли билан яқинлаштиришга интилди<sup>2</sup>. Форобий эманация концепциясидан фойдаланиш йўли билан маълум даражада бу мақсадга яқинлашишга эришди. Шу билан бирга Форобий исломий дунёқараш билан Аристотель таълимоти ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга интилди<sup>3</sup>. Шу каби тенденцияларга боғлиқ равишда Форобий ўзининг онтологик таълимотига бир қатор специфик аспектлар киритдики, улар алоҳида ўрганишни талаб этади.

Эманация концепцияси қадимий фалсафий таълимотлардан биридир. Бу таълимотнинг специфик шакллари қадимги Хитой, Хиндистон ва Юнон фалсафасида пайдо бўлган. Неоплатонизмнинг асосчиси бўлмиш Плотиннинг таълимотида бу концепция анча ривожланган шаклда намоён бўлди. Ўрта асрларда эманация назариясининг кейинги ривожига Марказий Осиёнинг мутафаккир ва файласуф олимлари, айниқса Форобий ва Ибн Сино катта ҳисса қўшган.

Форобий ва Ибн Синонинг эманация концепцияси замонавий космология фанининг “Катта портлаш” деб юритилган назариясига асосий ўрин берилган замонавий глобал эволюционизм концепцияси билан ҳамоҳангдир. Бу таълимотнинг Форобий ва Ибн Синолар таълимотидан принципиал фарқи – энг биринчи-бошланғичнинг қандайдир алоҳида, ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган материянинг ҳолати деб талқин қилинишидадир.

1 Қаранг: Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый энциклопедист средневекового Востока. Т.: Фан, 1980; Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Т.: Фан, 1980.

2 Қаранг: Хайруллаев М.М.: 1) Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. Т.: Фан, 1967; 2) Абу Наср ал-Фараби. М.: Наука, 1982.

3 Алтаев Ж.А., Фролов А.А. Аль-Фараби и его попытка примирить религию с философией // Аль-Фараби, №4 (40), 2012. С.25.

Форобий фикрича субстанцияси бизларга номаълум бўлган жисми бир қатор олимлар вакуум деб, абсолют бўшлиқ деб ўйлашган, аслида эса вакуум структурага, ички ҳаракат ва энергияга эга, борлиқдаги бўшлиқ бу абсолют бўшлиқ эмас, бу вакуум ва у муайян жисм билан тўлдирилган. Бу қараш ҳозирги замон фанининг вакуум ҳақидаги ғояларига ҳамоҳангдир, чунки ҳозирги замон физикасининг назарияларига биноан вакуумда кўп квантланган майдонлар, уларнинг тўлқин ва квантлари мавжуддир.

Ибн Сино ўзининг онтологиясида бўшлиқ мавжудлигини инкор этади ва бу вакуум ҳақидаги замонавий концепцияларга мос келади, чунки вакуум бу концепцияларда борлиқ хилма-хил шаклларда мавжудлигига асосланган мураккаб тизим деб қаралади.

Форобий коинотнинг барча қисмларида ҳаракат мавжудлигини ва борлиқ ҳаракатнинг боши ҳам, охири ҳам бўлмаслигини кўрсатган. Унинг ушбу ғояси ҳам ҳозирги замон фалсафий ва космологик қарашларига монанддир. Форобий фикрича бутун борлиқдаги жисмлар ўзаро сабаб-оқибат муносабатларидадир, ҳар бир оқибат ўз сабабига эгадир ва ҳар бир сабаб ўз оқибатларини яратади, яъни у детерминизм таълимоти ифодалаган.

Форобий ва Ибн Синонинг эманация ва детерминизм принциплари креационизм принципини инкор этишга ва борлиқ турлари, ҳаракат, фазо ва вақт турларининг ривожланиши ҳақидаги замонавий глобал эволюционистик синергетик концепцияни шакллантиришга восита бўлиб хизмат қилди.

Мусулмон Шарқининг кўпчилик файласуфлари Форобийга эргашиб ўзларининг борлиқ ҳақидаги концепцияларида Аристотелнинг онтологик таълимотига асосланганлар. Абу Райхон Берунийнинг<sup>4</sup> шу даврдаги фалсафий онтология соҳасидаги муаммоларни ечим томон ёриб ўтувчи, инновацион, интеллектуал фалсафий ғояси шундан иборатки, унинг борлиқ ҳақидаги концепцияси замирида Демокритнинг атомистик таълимотига асосланган ва уни тубдан ўзгартириб ривожлантирган фундаментал янги ғоя ётади. Беруни Демокритнинг онтологик таълимотини унда қабул қилинган бўшлиқнинг мавжудлигини инкор этиш билан ривожлантирди.

Демокрит фикрича, атомлар бўшлиқда ҳаракатланади ва бир-бири билан қандайдир илгаклар билан маҳкамланади, бундан фарқли равишда Беруний атомлар орасида ўзаро тортишиш кучлари таъсир қилади деб ҳисоблаган. Яъни, Беруний гравитацион майдон назариясининг асосий ғоясини илгари сурди ва умуман айтганда майдонлар умумий назариясининг асосий ғоясини, яъни атомлар ва улардан таркиб топган жисмлар

4 Қаранг: Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Т.: Фан, 1972; Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. Т.: Фан, 1972.

орасида ўзаро таъсир кучлари ва бу ўзаро таъсирни таъминловчи кучлар майдони мавжудлиги ҳақидаги ғояни ўртага ташлади.

Гравитацион майдоннинг классик назарияси буюк олим ва мутафаккир Исаак Ньютон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик бу таълимотни умумий нисбийлик назариясида буюк олим ва мутафаккир Альберт Эйнштейн ривожлантирди ва ўз навбатида булар асосида пайдо бўлган “Катта портлаш”, “Қора туйнуклар”, квантли гравитация, геометродинамика, супергравитация, М-назария каби назарияларда бу таълимот янада ривожлантирилди.

Шундай қилиб, майдонлар бирлиги ва ҳар хиллиги ҳамда майдонлар воситасида ўзаро таъсирланиш ғояси XVII-XX асрларда ишлаб чиқилган бўлиб, дунёнинг ҳозирги замон физик манзараси ва бир бутун ҳолда дунёнинг замонавий илмий манзараси асосида ётади ва ушбу ғоя XI асрда Беруний онтологиясида бошланғич, муртақ, ҳомила ғоя шаклида ифодаланган.

Ёруғлик нурининг табиатини қараб чиқиш борасида Беруний бу нурлар жисмлардан, зарралардан иборат деган фикрга келади, яъни ёруғлик нурлари корпускуляр назариясининг асосий ғояси Беруний томонидан илгари сурилган ва кўп асрлардан сўнг бу ғоя Ньютон томонидан батафсилроқ ривожлантирилди ва кейинроқ Эйнштейн уни ўзининг фотоэффект ҳақидаги назариясида янада ривожлантирди.

Микро-, макро- ва мегадунёларнинг замонавий физика назариялари асосида Планк, Резерфорд, Гейзенберг, Шредингер, Бор, Паули, Дирак каби олимларнинг асарларида ишлаб чиқилган квант механикаси ҳамда ўзларининг тамойилларига кўра бир хил бўлган квантланган майдонларнинг назарияларининг мажмуаси ётади. Ушбу ҳозирги замон физик назариялари нурлар ўзаро таъсирларнинг муайян хилларини таъминлайдиган муайян майдонларнинг квантлари эканлигини исботлаб беради. Бу квантлар уларнинг квант-майдон асосга эга эканлиги билан боғлиқ бўлган ҳолда икки хилли корпускуляр-тўлқинли табиатга эга.

Шундай қилиб, Беруний бу фундаментал жараёнларни тадқиқ этишга қўшалок ҳисса қўшди: у бу жараёнларнинг ҳам майдон аспектига, ҳам квант-корпускуляр аспектига оид фундаментал ғояларни илгари сурди. Таъкидлаш жоизки, унинг бу ғоялари фаннинг, дунё илмий манзарасининг ва дунёқарашнинг ушбу фундаментал муаммоларни тадқиқ этиш борасида замонавий фаннинг буюк олимлари томонидан яратилган ғоялар, концепция ва назариялардан бир неча асрлар аввал айтилган эди.

Птолемейнинг геоцентрик таълимотини таҳлил қилиб, Беруний Ернинг Қуёш атрофида эллиптик орбиталар билан ҳаракатланиши мум-

кинлиги ҳақидаги ғояни, яъни Коперникдан бир неча аср аввал унинг гелиоцентрик системасининг асосий ғоясини илгари сурган ва Кеплердан аввал орбиталарнинг эллипс шаклида бўлишини айтган. Беруний математика (айниқса сферик тригонометрия), астрономия, физика, геодезия, геология, минералогия, фармакогнозия, география, этнология, тарих каби фанларни ривожлантирди, Ернинг радиусини ўлчади, катта глобус яратди, эклиптиканинг экваторга оғиш бурчагини аниқлади, бу бурчакнинг вақтда ўзгаришини аниқлади, иссиқлиқ нарсаларнинг ҳаракати билан боғлиқлигини тахмин қилади. Христофор Колумб ва Америго Веспуччилагача Американинг инсонлар яшайдиган қитъа сифатида мавжудлигини ва Фаддей Беллингсгаузен ва Михаил Лазаревлардан (1820 й.) кўп аср аввал Антарктида қитъаси мавжудлигини олдиндан башорат қилди, Ҳинд цивилизациясини ва Марказий Осиёнинг қадимий тарихини батафсил тасвирлаб берди.

Жисмларнинг ҳаракатини тадқиқ этиб, Беруний Аристотелнинг онтологиясидаги асосий ғояни инкор этиш лозим деган хулосага келади. Бу таълимотга кўра жисмларнинг “табиий ўрни” мавжуд бўлиб, жисмлар уларга интилади ва етгач ҳаракатдан тўхтади, сокинликка эришади. Беруний Аристотелнинг онтологик концепциясида телеологик компонентни инкор этишга ҳаракат қилади. Бунинг учун Беруний Аристотелнинг таълимоти зиддиятли эканлигидан далолат берувчи ва кузатилаётган фактларга мос келмаслигини кўрсатувчи фундаментал критик аргументларни келтиради.

Аристотель таълимотининг танқидий таҳлили асосида Беруний ҳаракат универсаллиги ғоясини ҳамда коинотлар кўплиги ғоясини исботлашга яқинлашади, ҳатто агар юлдузлар ва сайёралар бир бирига ўхшаш моддий атомлардан иборат бўлса ҳам ва бу атомлар бир-бирига тортишиш орқали ўзаро таъсирга киришсалар ҳам бу ғоялар тўғри чиқишини исботлайди. Берунийнинг ушбу ғоялари бир неча аср ўтгандан сўнг Жордано Бруно кашф этган дунёлар кўплигини ғоясини ва минг йилдан сўнг кашф қилинган синергетика, глобал эволюционизм ва коинотлар кўплиги ҳақидаги замонавий космологик назарияларда ифодаланган ғояларга ҳамоҳангдир.

Беруний катта аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фикрни айтган: **бизнинг коинотдан муайян чегара ва тўсиқ билан ажралиб турадиган бошқа коинот мавжуд ва ушбу коинотда ҳаракат йўналиши тескари томонга йўналган.** Берунийнинг бу тахмини антидунёлар мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ҳозирги замон физикасининг назарияларига ҳамоҳангдир.



# БЕРУНИЙ ЯРАТГАН ДУНЁ ХАРИТАСИ

**“Супербирлашиш” назариясига биноан ҳозирги замонда намоён бўлаётган тўрт фундаментал ўзаро таъсир: кучли, заиф, электромагнит ҳамда гравитацион ўзаро таъсирлар қадимги замонда мавжуд бўлган бир ягона фундаментал ўзаро таъсирнинг ҳозирги замондаги намоён бўлиш шакллари.**

Бизнинг фикримизча, ушбу даврдан қадимроқ даврда яна диалектик, мантиқий ва математик ягона фундаментал ўзаро таъсирлар мавжуд бўлган. Улар ҳам “Катта портлаш”нинг қайсидир дақиқасидан бошлаб бошқа бир дақиқасига қадар реал борлиқда мавжуд бўлган. Вазият бифуркацияларга олиб келадиган даражада ўзгаргандан кейин ва бифуркация оқибатида шароит аввалги вазиятга қайтиб бўлмайдиган тарзда ўзгаргандан сўнг улар ўзининг етакчи, доминант ўрнини мураккаброқ ўзаро таъсирларга берган, аммо

ушбу ўзаротаъсирлар компонентлари доирасида мавжуд бўлиши орқали ўзлари ҳам параллел равишда сақланиб қолган.

Айнан шу сабабдан ҳозирги замонда бутун борлиқ диалектик, мантиқий ва математик структураларда ифодаланган қонуниятларга бўйсунди. Мантиқ структураларининг иерархияси тегишли мантиқий ўзаро таъсирлар иерархияси аввал мавжуд бўлганлигини ифода этади. Топологик, геометрик ва алгебраик фундаментал структуралар математик структураларнинг асосий турларидир. Тегишли ўзаро таъсирлар ҳам мавжуд бўлиши ўринли. Математик структураларнинг иерархияси мавжудлиги эса тегишли математик ўзаро таъсирлар иерархияси аввалги даврларда реал мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Мантиқ, математика ҳамда абстрактликдан конкретликка кўтарилиш методининг инсонни хайратга келтирадиган буюк методологик ва эвристик потенциали ва эффективлиги ушбу сабабдан келиб чиқади<sup>1</sup>. Ушбу ғоялар Форобий ва Ибн Синонинг эманацион концепциясига ва Берунийнинг куйидаги фикрига ҳамоҳангдир «Ҳар бир илм ва санъатнинг бошланиш нуқтаси бор. Шу нуқтага яқинлашган сари у соддалашиб боради».<sup>2</sup>

Хоразмий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино асарларида кўп ғоя, фараз, тахмин, концепция ва фундаментал назариялар мавжудки, улар ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳаларига, илм-фан, фалсафа, шахс дунёқараши ва жаҳон цивилизацияси ривожига катта аҳамиятга эга.

Хоразмий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино концепциялари креационизм принципини инкор этишга ва борлиқ турлари, ҳаракат, фазо ва вақт турларининг ривожланиши ҳақидаги замонавий глобал эволюционистик синергетик концепцияни шакллантиришга ёрдам берди.

Глобал эволюционизмнинг эманацион концепцияси доирасида аниқланган қонуниятлар, коинотлар ва онтологиялар кўплиги концеп-

1 Каримов Б.Р. 1) Диалектика объективного и субъективного в методе восхождения от абстрактного к конкретному. Ташкент: Фан, 1988; 2) Универсальность метода восхождения от абстрактного к конкретному, математических и логических методов в свете концепции «Великого взрыва» и теории эманации // Наукоеведение: теоретические и организационные проблемы развития. Материалы международного симпозиума. Красноярск, 1999.

2 Абу Райхон Беруний. 100 ҳикмат. Тошкент, 1993, 14-б.

цияси шахсда постмодернистик дунёқарашни ҳамда унда постпостмодернистик дунёқарашни шакллантириш учун ҳам аҳамиятлидир.

Буюк мутафаккирларимиз мероси жаҳон илми ва маданияти тизимига кириб келиши тажрибаси бу жараёнда асарлар таржимасининг буюк аҳамиятини кўрсатади. XII асрда кўп асарлар Европа локал цивилизациясининг илмий ва маданий тили бўлмиш латин тилига таржима қилиниши роман ва герман халқларининг илмий ва маданий жиҳатдан тез равноқ топишига, Европа цивилизацияси бошқа цивилизацияларга нисбатан устунликка эришишига олиб келди. Ҳар бир локал цивилизация XXI асрда жадал ривожланиб катта ютуқларга эришиши учун ўзининг ўрталаштирилган тилини яратиб, локал цивилизация ва умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган информацияни ушбу тилда жамласа ва жаҳон цивилизацияси ўртажаҳон тилини инсоният ижобий конструктив ривожга эришар эди<sup>1</sup>, чунки XXI аср жаҳон цивилизацияси миқёсида информатсион аср бўлади.

1Қаранг: Karimov B.R., Moutaloff Sh.Sh. Averaged languages: an attempt to solve the world language problem. Tashkent, 1993 (иккинчи нашр 2008 йили).

2013 йилда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1230 йиллигига бағишланган “Хоразмий мероси ва ҳозирги замон” илмий семинари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Математика институтида ўтказилди. Ушбу анжуманда Хоразмий меросининг ҳозирги замон фани, таълим тизими, маънавияти, дунёқараш, жаҳоннинг илмий манзараси шаклланишига киритган ҳиссаси таҳлил қилинди. Хоразмий математика, астрономия, физика, геодезия ва бошқа табиий фанлар ривожига буюк ҳисса киритганлиги, унинг ҳаёти ва ижоди катта тарбиявий аҳамиятга эгаллиги, Хоразмий география, тарих, этнография, маданиятшунослик, диншунослик ва бир қатор бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ривожига ҳам катта ҳисса киритганлиги, унинг меросидаги ғоялар фалсафий аҳамиятга ҳам эгаллиги, ушбу масалаларни ўрганиш фанимиз ва жамиятимиз маънавияти сақланиши ва ривожини учун зарурлиги кўрсатилди.

2013 йилда Абу Наср Форобий таваллудининг 1140 йиллигига бағишланган “Форобий мероси ва ҳозирги замон” илмий семинари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий комплекси томонидан ўтказилади. Ушбу анжуманда Форобий меросининг ҳозирги замон фалсафаси, фани, таълим тизими, маънавияти, дунёқараш, жаҳоннинг илмий манзараси шаклланишига, математика, физика, сиёсатшунослик, тарих, этнография, маданиятшунослик, диншунослик ва бир қатор бошқа фанлар ривожига киритган ҳиссаси таҳлил қилинди.

2013 йилда Беруний таваллудининг 1040 йиллиги муносабати билан Тошкент, Хива ва Урганчда Абу Райхон Берунийнинг илмий меросига ва унинг ҳозирги замон цивилизациясининг ривожига таъсирига бағишланган бир нечта илмий семинар ва конференциялар ўтказилди. 2013 йилда Бухоро ва Афшонада Ибн Синонинг илмий мероси ва унинг жаҳон цивилизацияси ривожига таъсирига бағишланган халқаро конференция ҳам ўтказилди. Бу буюк мутафаккирларнинг илмий меросини жаҳон фанининг ривожланиши муаммолари контекстида ўрганиш, замонавий цивилизация фани ва таълим соҳасини муваффақиятли ривожини учун муҳим аҳамият касб этади.

*Уқув-идрок, билим ҳақида алоҳида тўхташ жоиз. Уқув-идрок қоронғи тундаги машъалга ўхшайди. Билим эса ўша машъалдан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради.*

**Уқув қут беради, билим — шараф-шон,  
Шу икков туфайли улуғдир инсон.**

*Бунга ишонмасанг, шубҳа қилсанг, кўзингни катта оч! Ўзингни заковат нури билан ёритиб кўр. Менга донишмандларнинг битта*

*яширсанг, ҳиди билдириб қўяди. Билимни яширсанг, тилинг фош этади. Билим аслида битмас-туганмас бойликка ўхшаш. Аммо унинг бошқа бойликлардан туб фарқи бор:*

**Билим — бойлик ахир, заводдан йирок,  
Уни ола билмас қароқчи бироқ.**

*Билим ва заковат кишига қўйилган ўзига хос кишандир. Кишанланган от, одатда ёвуз ва ярамас нарсалардан узоқ бўлади. Шунингдек, суюкли отнинг тушовланишига сабаб — унинг эҳтиётланиши.*

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ**

## «Қутадғу билиг»дан наргалар

*ҳикматли сўзи яхши маълум: билимдон ўз билимлари туфайли бало-офатлардан омон қолади.*

*Телба, нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак: аслида уларнинг тирик чоғлари ҳам ўлимдан фарқ қилмайди. Уқувсиз кишининг иши юришмайди.*

*Ҳурмат кишининг уқув-идрокидан келади. Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг. Буларнинг барини кузат, қара, бил! Шунда уқув-идрокли доно кишиларнинг тубасли сенга маълум бўлади.*

*Уқув-идрок кишини покиза қилади. Билим эса юксалтиради. Инсон заминда пайдо бўлган экан, бошқа мавжудотлардан ўз билими билан фарқланади.*

*Дунёдаги турли-туман санъат, сон-саноқсиз ҳунарлар уқув ва билимга таянгани учун мақталади, тиллардан тилларга кўчиб юради. Уқув-идрокдан озгина улуш олган киши талай наф кўради. Зеҳн солиб қара ва билгинки, қўйидаги тўрт нарсанинг озини ҳам асло оз ҳисоблаб бўлмайди.*

**Бу тўртнинг бири ўт, бирови ёғи,  
Учинчи — касаллик — умр тузоғи.  
Яна бу билимдир уларнинг бири,  
Бошингда баланд тут, шу улар сири.  
Билим кимё мисол: у туради жам,  
Заковат саройи каби ўзи ҳам.**

*Билим ифор билан жуда ўхшаш. Уларнинг ҳар иккисини ҳам яширмоқ беҳуда. Ифорни*



**Кишанлик қочолмас, керакча юрар,  
Тушоқлик кетолмас, тургунча турар.**

*Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олиш лозим. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Билимсизлар-чи?*

**Билимсизга душман билим, қилиғи,  
Етар икковининг шу қилғилиғи.**

**Шунга ўхшар эди бу туркча мақол,  
Ўқигин уни сен, дилу жонга ол.**

**Уқувли кишига заковати эш,  
Билимсиз кишига муқофот — сўкиш.**

**Билимлига билим тугал тўн, ош-эй,  
Билимсиз қилиғи ёвуз йўлдош-эй!**

*Ғофуржон Ўразимбетов  
тайёрлади*

*Баҳром САЪДУЛЛАЕВ,  
Хоразм Маъмун академияси  
катта илмий ходими*

# ШОВОТ КАТ ҚАЛЪАСИНИНГ ЎНГ ҚИРҒОҚ КАТ БИЛАН БОҒЛИК ТАРИХИЙ МАНБАЛАРГА ДОИР БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР

Бизга маълумки, қадимги Хоразм пойтахтларидан бири бўлган Кат-қалъа Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ҳозирги кунда шу номда Шовот туманида ҳам ёдгорлик мавжуд бўлиб, унинг айнан ўнг соҳилдаги қадимий Кат билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этишга эътиборни қаратамиз. Шовот Катқалъаси Урганч шаҳридан 25 км шимоли-ғарбда, Шовот тумани Беруний ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасидаги “Беруний айнан мана шу жойда таваллуд топган” деган фаразлар уларнинг қалбини ғурурга тўлдирди. Аниқ тарихий маълумотларга эга бўлмаган оддий аҳоли мана шундай хато тасаввурлари туфайли нотўғри фикр юритадилар. Энди эса аниқ далилларга тўхталсак.

Шовот Катқалъасининг Амударё ўнг соҳилидаги Кат билан боғлиқлиги ҳақида асосан XVII-XIX аср манбаларида маълумотлар кўп учрайди. Хива хонлиги тарихчиси Шермуҳаммад Му-

нис XVII аср воқеаларини баён қилар экан, Катқалъа ҳақида ҳам бир қанча маълумотларни бериб ўтади. Унинг ҳикоя қилишича, Анушахон (1663-1683) ҳукмронлиги даврида Амударё-

нинг ўнг соҳилидаги Кат шаҳри сувсиз қолади. Шу сабабдан Амударёнинг чап соҳилида Ёрмиш деб номланган (ҳозирги кунда Туркман Ёрмиш) янги канал қозишни буюради ва унинг ёнида қалъа қурдиради. Эски Кат аҳолиси мана шу янги шаҳарга кўчиб ўтади ва шу тариқа бу қалъа янги Кат номи олади<sup>1</sup>. Ҳақиқатда эса, Янги Кат шаҳри эски қалъа харобалари ўрнида қад кўтарган эди. Академик Я.Ф.Фуломов ўзининг тадқиқотларида Анушахон ҳеч қандай янги канал қаздирмаганлигини ва аксинча ўрта аср манбаларида Буве деб номланган эски ташландиқ канални қайта тиклаганлигини қайд қилади. Унга Ёрмиш деб ном берилади.<sup>2</sup> Аслида эса, эски пойтахт аҳолисининг Бешқалъа деб аталмиш ҳудудга кўчирилиши аниқ бир сиёсий мақсадларни кўзлаб қилинган иш эди албатта, яъни қадимий шаҳарлардаги обрў-эътиборли маҳаллий уруғларни Хива хонларининг ўз назорати остига олишга қаратилган тадбири эди. Эски Кат аҳолиси Янги Катга, Вазир аҳолиси эса Гурлан шимолига ва Чигатоё қалъаларига кўчирилади. Анча олдин Абулғозихон даврида Кўҳна Урганч аҳолиси Янги Урганчга кўчирилган эди. Шу тариқа «Бешқалъа» деб номланган ҳудуд атрофи мустаҳкамланади. XVIII асрда Кат ҳам “Бешқалъа” деб номланган Хива хонлигининг бешта йирик қалъаларидан бири бўлган. Анушахон даврида Бешқалъа ҳудуди анча мустаҳкамлангач, Кат ҳам баланд пахса деворлар ва атрофи сув тўлдирилган ҳандак би-

1 Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1957, 209-бет.

2 Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1957, 210-бет.

лан ўралган қалъа бўлган. Уруш пайтларида яқин атрофдаги барча аҳоли қалъага кириб жон сақлаган<sup>1</sup>.

1873 йилда Хива истилоси пайтида шахсан иштирок этган рус шарқшуноси А.П.Кун маълумотлари ҳам диққатга сазовордир:

“... Гурландан Шовотгача 3 фарсанг. Бир фарсанг масофадан кейин каналдан ўтиб, кум тепаликларга дуч келдик. Бу ерлар деҳқончилик учун қулай, лекин аҳоли сийраклиги учун ўзлаштирилмаган. Ушбу худудлардан ўтиб, канал бўйида жойлашган Кат деган жойга етиб келдик.

Хоразм тарихига доир барча маълумотларда Кат Амударёнинг ўнг соҳилида деб кўрсатилган ва XV асргача Хива хонлигининг пойтахти бўлган. Агар шарқ тарихчиларининг манбаларига ишонадиган бўлсак, бу шаҳар жуда катта, ўзининг мадараса-ю – масжидлари, сарой ва ҳаммомлари билан машҳур бўлган. Ҳозир бу улугликдан фақат харобаларгина сақланиб қолган. Халқ ичидаги гап-сўзларга қараганда, маҳаллий аҳоли бу ерга Амударёнинг ўнг соҳилидаги Шоҳ Обод Вали (Шайх Аббос Вали) деган жойдан кўчиб келган.

... Ҳозирги Кат унчалик катта бўлмаган 50 та уйни ўз ичига олган қалъа бўлиб, Элбарсхон даврида қурилган. Қалъанинг шимолӣ дарвозаси ёнида 30 тагача дўкандан иборат кичик бозор жойлашган. Бу ерда бозор сешанба ва шанба кунлари бўлади. Кат аҳолиси асосан ўзбеклар ва сартлардан иборат. Шаҳар ичининг катта қисми бўш ётибди. Баъзи уй-жойлар ташландиқ ҳолатда. Аҳолининг кўпчилиги шаҳардан ташқаридаги уй-ҳовлиларга кўчиб ўтган.

Қалъанинг ташқи кўриниши Ўрта Осиёдаги мавжуд қалъалардан кескин фарқ қилмайди. Баланд пахса девор-

1 Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в). М, 1958, 156-бет.

лар сақланиб қолган. Бурчаларда барбетлар – тўп отишга мўлжалланган майдончалар аниқ кўриниб турибди. Девор атрофи ва баъзи бошқа жойлари сув билан тўлдирилган ҳандақ билан ўраб олинган”.

... Хоразмнинг қадимги пойтахти (ҳозирги Беруний тумани худудидаги, ўнг қирғоқ) аҳолиси янги жойга кўчиб ўтгандан кейин Кат номи секин-аста унутила борган. Ҳар йили кузда халқ авлиё (Шайх Аббос Вали) қабрини зиёрат қилишга ошиқишган. Эски Кат харобалари ўрнида қолган манзилгоҳ шу ерда қабри жойлашган авлиё- янги Шоҳ Обод Вали (Шайх Аббос Вали) номи билан шаклланади<sup>2</sup>.

Тадқиқ қилинаётган чап қирғоқ Кат қалъаси ўнг қирғоқдаги Кат билан тарихан бевосита чамбарчас боғлиқдир. Тадқиқотнинг яна бир муҳим жиҳати – шаҳар номининг келиб чиқишига тўхталадиган бўлсак, X – XIV асрлар форс ва араб манбаларида Кат ҳақида Хоразмшоҳларнинг пойтахти сифатида қаралади. Бу шаҳар Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашганлиги, йирик ва аҳолиси кўплиги баён қилинади.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, шоҳ Африғ мелодий 305 йилда Кат шаҳрида Ал-Фир қасрини қурдиради. Бунгача Кат аллақачон барпо этилган шаҳар эди. Ўрта форс (пахлавий) манбаларида Кат шаҳри Эрон шоҳи Нарсе томонидан барпо этилган, дейилади. X асргача бу ерда Хоразмшоҳлар – Африғийлар қароргоҳи жойлашган. Фақат араб истилосидан кейингина -712 йилда Гурганж шаҳри пойтахт сифатида юзага келди. Янги пойтахтда (ҳозирги Кўҳна Урганч) араб халифалиги ноиблари – амирлар қароргоҳи жойлашган. 995 йилда Африғийлар сулоласи тугатилгач, Гурганждаги амирлар Хоразмшоҳ унвонини олиб, Хо-

2 Кун А.П. От Хивы до Кунграда. Культура оазиса низовья Амударья. – Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.4., Ташкент, 1876. 244, 252 – бетлар.

размнинг ягона ҳукмдорларига айланадилар. Бу пайтда собиқ пойтахт Кат сув тошқинлари натижасида вайрона ҳолатга келиб қолган эди.

1066 йилда Хоразмга юриш қилган салжуқийлар султони Алп-Арслон (1063-1072 йй) Кат шаҳрининг вайрон бўлган биноларини қайта таъмирлатади, жумладан, катта Жомеъ масжиди бунёд эттириб, эски пойтахтнинг аввалги қиёфасини тиклашга ҳаракат қилади.

Кат атамаси эски эроний тиллар билан боғлиқ бўлиб, «шаҳар» маъносини англатади. Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмда бўлган Ёқут ал-Ҳамавий қуйидагиларни ёзган: «Кас хоразмликлар тилида чўлдаги девор маъносини беради». Ушбу қадимги пойтахтни Ёқут “ал-Фир” ва “Мансура” деб ҳам номлайди. Тадқиқотчи В.И.Абаев “Кат”, “Ката” сўзлари атрофи девор билан ўралган манзилгоҳ деган маъноларни англатишини илмий жиҳатдан изоҳлаб берган.<sup>3</sup>

Катнинг аввалги мавқеини қайта тиклашга ҳаракат қилган салжуқийлар ноиблари бирибир ҳар томонлама қулай манзилда жойлашган Гурганжда истиқомат қилиб қолаверадилар. Мўғуллар истилоси пайтида иккала пойтахт шаҳарлар ҳам вайрон қилинди. Кейинчалик шаҳарлар яна қайта тикланди. Кат шаҳрининг ўнг қирғоқ Хоразмнинг пойтахти сифатидаги аҳамияти то Амир Темур давригача, ҳатто XVII аср охиригача ҳам халқ ёдида сақланиб келди.

Тарихчи Муниснинг маълумотига қараганда, чап қирғоқдаги Кат Анушахон томонидан 1680 йил арафаларида қурилган. Чунки эски Кат бу даврда сувсиз қолган эди.

Шу тариқа Эски Кат аҳолиси Янги Катга кўчирилади ва бу ёдгорлик ёнидаги қишлоқ Кат-қалъа номи билан аталиб келинади.

3 В. И. Абаев. Этимологические заметки. – «Труды института языкознания» VI, М, 1956, с.447.

**А. АБДУРАСУЛОВ**  
*Тарих фанлари  
номзоди, Хоразм  
Маъмун академиясидаги  
«Хоразм тарихи ва  
маданияти» экспозицияси  
мудири*

**Хоразм – Амударёнинг қуйи оқимида, Орол денгиздан жанубда жойлашган бўлиб, аҳолисининг асосий қисми суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи ўлкадир. Ёзма манба ва археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, шунингдек, ҳозирги давр тадқиқотчиларининг тасдиқлашича, Хоразм давлатчилиги 3000 йилдан ортиқ тарихга эга. Хоразм этноси қадим даврларда, эрамиздан олдинги II минг йиллик охирида шаклланган.**

Қадимги Хоразм жануб ва ғарбдаги ҳудудларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, ҳозирги Афғонистон атрофлари, Каспий ва Қора денгизлари оралиғидаги юртлар Хоразм таъсир доирасида эди.

Турли тарихий даврларда Хоразмнинг географик ўрни ва мавқеи кўп жиҳатдан Амударёга боғлиқ бўлган. Хоразмлик буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний айтганидек: “Худди Миср Нил дарёсининг маҳсули бўлгани каби Хоразм ҳам Амударёнинг маҳсули бўлган”. Амударё оқими ва ўзанининг ўзгаришига қараб, Хоразм аҳолисининг баъзи бир бўлақлари ўз яшаш жойларини ўзгартириб туришган. Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, эрамиз



## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ШАРҚИЙ УСЛУБИ

бошларида, Амударёнинг бир ирмоғи Каспий денгизига қуйилган пайтларда, дарё атрофида Хоразмнинг жуда кўплаб шаҳар ва қишлоқлари жойлашган эди. Шу сабабдан бўлса керак, Хоразмлик буюк олим Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий (783-850 йй.) Каспийни “Хоразм денгизи” деб атайдди. Худди шундай номланишни рус солномасида ҳам учратамиз. Қадимги руслар Хоразмни “Хвалисси”, Каспий денгизини эса, “Хвалисское море” деб аташган.

Энг қадимги динлардан саналган Зардуштийликнинг (Зороастризм) юзага келиши ва шаклланиши ҳам Хоразм билан боғлиқ. Жаҳон олимларининг тадқиқотларига асосан, мазкур диннинг асосчиси Зардушт (юнонча Зороастр) эрамиздан олдинги 1000-700 йиллар оралиғида Волга дарёсининг шарқий қисмидаги чорвачилик билан деҳқончилик маданияти узвий боғланган

минтақада, яъни Хоразм маданияти ҳудудида туғилган ҳамда ўз динини тарғиб қила бошлаган.

Хоразм ҳудудида Ёнбош қалъа, Гавур қалъа, Қўйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа, Аёз қалъа ва бошқа шу каби қадимий шаҳар харобаларининг мавжудлиги қадимги Хоразмдаги урбанизация ва у билан боғлиқ равишда ушбу заминда фан ва маданият ривожига юксак даражада бўлганидан далолат беради. Бу ерлардан юқори босқичдаги шаҳарсозлик маданияти ва илм-фан изларидан дарак берувчи кўплаб далилий ашёлар топилган. Жумладан, Қўйқирилган қалъадан топилган астрономик кузатишга мослаштирилган қурилма ва ускуналар қисмлари фикримизга яққол мисол бўла олади.

Исломгача Хоразмда астрономия илми яхши ривожланганлиги ҳақида Абу Райҳон Беруний кўплаб мисоллар келтирган. Аллома



бобокалонимиз қадим замонларда хоразмликлар астрономия фанини “ахтарвеник” деб аташгани ва уларнинг астрономик билимлари арабларникидан анча юқори ҳамда аниқ бўлганлигини ўз асарларида баён этган.

Қадимги Хоразмда тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъати ҳам юксак даражада тараққий топган. Бу тўғрида машҳур қадимшунос олим, академик Сергей Павлович Толстов шундай ёзади: “Қадимги Хоразм юксак даражадаги ва ўзига хос бадиий маданиятни яратди. Шакл улуғворлиги билан кишиларни ҳайратга солувчи монументал меъморчилик, маҳобатли лой ва терракота ҳайкалчалари ҳамда рельефларнинг пластикаси, қадимги Хоразм чеварларининг нафис санъати, ва ниҳоят, девордаги суратларнинг бой график тасвирий образлари мажмуи қадимги Хоразм маданияти яратувчиларининг мустақил, қудратли, етук юксак тафаккур ва бадиий маҳоратидан далолат берувчи чуқур оригинал ва яхлит комплексни ташкил қилади”.

Хоразмийлар оромий алифбосига асосланган ўз ёзувларига эга бўлишган. Бу ёзувнинг эрамиздан олдинги IV асрга таалуқли намуналари ҳозиргача сақланиб қолган.

Хоразмни қадимдан шоҳлар бошқарган ва улар ўз номлари билан танга пуллар зарб қилдирганлар. Пулларнинг эрамиздан олдинги II асрдан бошлаб зарб қилинган намуналари мавжуд. Хоразм давлатини мелодимизнинг I асрдан то 995 йилигача бир сулола вакиллари бошқарганлиги фанда аниқланган. Илмий жамоатчиликда бу сулолани

Африғийлар сулоласи деб аташади. Африғийлар даврида Хоразмнинг пойтахти Кат шаҳри(ҳозирги Беруний тумани ҳудуди) бўлган. Мелодий 305 йилда Хоразмшоҳ ўз саройи – Фир (ёки Фил) ни барпо эттирган. Бу сарой Беруний яшаган давргача яхши сақланган.

995 йили Гурганж амири Абу Али Маъмун Катни забт этиб, африғийларнинг сўнгги вакили Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммадни қатл эттиради ва пойтахтни Гурганжга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Хоразмнинг бундан кейинги тарихи энди шу пойтахт билан боғланади.

Хоразмликларнинг табиатан илмга ўчлигини тадқиқотчилар ўрта асрлардаёқ кузатганлар ва ишонч ҳосил қилганлар. Чунончи, X асрнинг биринчи чорагида Хоразмга келган машҳур сайёҳ Истахрий “Масолик ал-мамолик” номли асарида бошқа минтақалар қаторида Хоразмни ҳам таърифлаб: “Ҳозир Боғдодда бирор олим ёки фақиҳ йўкки, унинг хоразмлик шогирди бўлмасин”, деган сўзларни ёзади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганлигини XX асрнинг машҳур фан тарихчилари Г.Зуйер ва Ю.Русаклар ҳам аниқ мисоллар билан тасдиқлашган.

Ислом даврида одат бўлган анъанага кўра, уламо ва фозил кишилар подшоҳ ва султонларнинг саройларида тўпланганлар. Бу анъана халифа Маъмун (810-833) даврида айниқса янада кучайтирилган. У IX аср бошларида, яъни Марвда халифанинг шарқий ерлари ноиб бўлиб турган пайтидаёқ, ўз атрофига Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги илм аҳлини тўплаган.

Улар орасида кейинчалик фан тарихида номлари машҳур

бўлиб кетган Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий, Аҳмад Марвазий, Холид Марваруддий, Абул Аббос Жавҳарий, ибн Турк Хутталиий, Санад ибн Али ва бошқалар бор эди.

**819 йили халифа Маъмун ўз атрофидаги олимларни пойтахт Бағдодга олиб кетади ва у ерда “Байт ул-ҳикма” (“Ҳикматлар уйи”) номи билан машҳур илмий муассасага асос солади. Бу муассаса 200 йил давомида фаолият олиб боради ва тарихда катта шухрат қозонади.**

Хоразмшоҳлар ҳам маълум даражада мазкур анъанага амал қилганлар, Африғий Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад давридаёқ Кат шаҳрида Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Райҳон Берунийлар шоҳ саройида хизмат қилганликлари, Беруний ҳатто Хоразмшоҳнинг маслаҳатчиси бўлгани маълум. Шу сабабли бўлса керак, Хоразмшоҳлар сулоласи алмашгандан сўнг Беруний вақтинча Хоразмни тарк этишга мажбур бўлган.

Хоразмшоҳлар тахтига Абул Ҳасан Али ибн Маъмун (997-1009) ўтирганидан кейин Хоразмда шароит бирмунча барқарорлашади. Абул Ҳасан Али ибн Маъмун илмга катта майл кўрсатиб, ўз саройига олимларни таклиф қилади ва уларнинг илмий фаолият юритишлари учун шароит яратиб беради. 1004 йили Беруний ўз ватанига қайтиб келади ва Хоразмшоҳ атрофида тўпланган олимларга пешволик (раҳбарлик) қилади.

Хоразмлик олимлар орасида Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр Хаммор, Абу Али ибн Сино каби алломалар бор эди. Гурганждаги илмий муассаса

фаолиятининг энг самарали йиллари Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) ҳукм сурган даврга тўғри келади.

Маъмуний Хоразмшоҳлар давридаги илмий муассасани XX аср тадқиқотчилари Боғдод, Афина ва бошқа қадимги академиялар билан солиштириб, у ҳам ўзига хос академия бўлган, деган хулосага келганлар ва унинг асос солинган йилини Берунийнинг Гурганжга келган вақти – 1004 йил билан боғлаганлар.

***Маъмун академияси қисқа бир муддат, яъни 1017 йилгача фаолият кўрсатган бўлса-да, бу ерда дунёвий илмлар, хусусан, математика, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, доришunosлик, тарих, тил, адабиёт, фалсафа, мантиқ каби фанлар ривожу юксак босқичга кўтарилди.***

Хусусан, астрономия соҳасида олиб борилган кузатишлар натижасида қадимги олимлар томонидан тузилган астрономик жадвалларга тузатишлар киритилган, астрономик асбоблар яшаш, юлдузлар координатларини

ҳисоблаш бўйича ишлар олиб борилган. Ҳозирги геология, минералогия, физика ва кимё соҳалари учун ниҳоятда муҳим ва ишончли бўлган моддалар диагностикаси усуллари, яъни моддалар солиштирма оғирлигини аниқлаш ҳам илк бор Хоразмда Беруний томонидан кашф этилди.

1017 йилда Маҳмуд Фазнавий томонидан Хоразмнинг босиб олиниши билан Маъмун академияси ўз фаолиятини тўхтатди. Унда ишлаган олимларнинг айримлари Фазнага олиб кетилди, қолганлари турли мамлакатларга тарқалиб кетишди ва ўз фаолиятларини яқка тартибда давом эттирдилар.

Шуни айтиш керакки, Гурганжда Маъмун академияси ташкил этилишидан анча аввал Хоразмдаги илм фан аъёналарига Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783-850) асос солган эди.

Абу Абдуллоҳ (ёки Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий Мажусий Қатрабуллий Хоразмда мажусийлар оиласида туғилган ва шу ерда таълим олган, кейинчалик Марвда ишлаган, 819 йилда Боғдод яқинидаги Қатроббул деган жойда яшаган.

Хоразмийнинг илмий мероси математика, астрономия, география, картография, тарих ва асбобсозлик соҳаларига оиддир. Жумладан, у арифметикага оид “Ҳинд ҳисоби ҳақида” номли рисола ёзди ва биринчи бўлиб 9 та ҳинд рақами ва 0 га асосланган ўнлик ҳисоб системасини муомалага киритди: унинг исми эса, ҳисобланишнинг мунтазам жараёнини англатувчи математик тушунча – “алгоритм” шаклида фанга кирди; алгебрага оид “Алгебра ва алмуқобала ҳисоби ҳақида” номли асариде фан соҳасида илк бор биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларнинг таснифи ва улар ечимининг алгоритминин берди; асар номидаги “алгебра” сўзи ал-Хоразмий асос солган фан номига айланди.

Ал Хоразмий ўзининг географияга оид “Ер сурати китоби”да ўрта асрларда биринчи бўлиб араб тилида Ер шарқий қисмининг картографик тасвиринин берди ва географияга Тинч океанини ва Корея ярим оролини киритди.

Ал Хоразмий астрономияга оид бу рисоласида халифаликдаги биринчи юлдузлар жадвалини ҳам келтирган.

Ал Хоразмий антик юнон аъёналарига таянган ҳолда тарихнависликка оид бўлган “Тарих китоби”ни ёзди ва бу билан солномалар ёзиш аъёнасини бошлаб берди.

Ал Хоразмий бир қанча кичик астрономик рисолаларда турли соат ва бошқа астрономик асбобларнинг таснифинин берди, илк бор Каъба йўналишинин кўрсатувчи қибла азимутинин аниқлашнинг математик усулини ишлаб чиқди. У ўзигача яратилган илм-фаннинг қонуний вориси сифатида шаклланди.

Фил қалъа қолдиқлари



Гранат это кустарник ростом до 5 метров, ствол которого покрыт тёмно-серой корой. Кусты бывают серыми или коричнево-жёлтыми, гладкие молодые ветви зелёно-серого цвета с короткими шипами. Листья расположены противоположно, иногда бывают густыми, толстые, блестящие, эллипсоидные или длинные, с коротким черенком. Цветы – одиночные, иногда бывают в клубковом виде, стебли короткие. Плоды круглые, покрыты вяжущей толстой кожурой с терпким вкусом. Внутри плодов разделена от шести до двенадцати частей, которые отделены друг от друга тонкой плевой. В них множество семян, которые покрыты вкусным красным слоём.

Цветёт в мае-августе, послецвет в сентябре-октябре месяце.

**Гранат растёт в дикорастущем виде в Закавказье, на местностях Средиземноморья, в Малой Азии, на Афганистане и в Иране.**

**В Узбекистане выращивается во многих местах, особенно на Яккабаге, в Шахрисабзе и в Китабе на плантациях. Используемые органы: корни, ветви ствола, кожура плодов, цветы.**

На коре корней, ствола и ветвей есть разные алкалоиды до 0,25%, из них получается пельтерин, изопельтерин и кислота. На коре ствола есть 0,15%, на листьях 0,2% бетулиновая кислота, на кожуре плодов, на листьях найден и урсолат. На кожуре плодов присутствует до 28% дубительных веществ, витамин С, кислоты и сахар.

Воздействие и применяемость: в народном врачевании издавна гранат используется во многих заболеваниях как желтуха, ооскарида, часотка, кишечные заболевания, при низком аппетите, ещё используется как обезболивающее

## СИҲАТ ИЛМИ СИРЛАРИ



# ГРАНАТ ОБЫКНОВЕННЫЙ


**Кичкина гумбаз ичида қизлар айлабди макон,  
Юзларида парда тутиглик, турурлар бағри қон.**

*Под маленьким куполом жильё себе избрали девушки,  
на лицах у них покрывала, на груди у них кровь.*

средство при переломах костей, при вывихе. Ибн Сино использовал цветы граната при кишечных заболеваниях, при харканье кровью, в кровотечении, при воспалении кишечного тракта, печени, селезёнки, ещё пользовался ими в качестве ранозаживающего, мочегонного средства. Смесь семени граната с мёдом ставится на трудно заживаемые раны, ипользуется против зубной боли, при лорингических заболеваниях.

Гиппократ указал применять плоды граната при брюшечных заболеваниях, против ран. Сок граната, его сгущенную смесь применял при головной боли. Сладкий гранат очищает желудок, кислый помогает при повышении температуры.

В современном врачевании плоды и кожура граната используется при гастрите, энтерите и колите.



## GRANATAPFEL

Unter einen kleinen Kuppel ohne Turen, keine Fenster Unterkunft momentan gewählten Mädchen auf den Gesichtern ihrer Bezüge, auf der Brust von ihrem Blut.

Granatapfel ist ein Strauch wächst bis zu 5 Metern, wird der Stamm mit dunkelgrauen Rinde bedeckt. Büsche sind grau oder

bräunlich-gelb, glatt jungen zweige grün-graue Farbe mit kurzen Stacheln. Die Blätter sind gegen, manchmal dicht, dick, glänzend, ellipsenförmigen oder lang, mit einem kurzen Griff. Blumen – einsam, manchmal auch in der Spulenform, kurzen Stielen. Früchte sind rund, mit dicker Haut adstringierend herben Geschmack abgedeckt. In der Frucht zwischen sechs und zwölf Teile, die von einer dünnen oberflächlichen getrennt sind. Sie haben eine Menge von Samen, die mit einer Schicht von Red Delicious abgedeckt sind.

**Blüht im Mai und August, reift im September und Oktober. Granatapfel wächst in der wildwachsenden Form des Kaukasus, in den Bereichen des Mittelmeers, in Kleinasien, Afghanistan und Iran. Usbekistan ist in vielen Orten vor allem in der Yakkabag, in Schachrisabs und Kitab Plantagen angebaut. Gebrauchte Organe: Wurzeln, Äste Stamm, Fruchtschalen, Blumen.**

Auf der Rinde der Wurzeln, Stamm und Äste haben unterschiedliche Alkaloid bis 0,25 %, von ihnen erhalten pelterin, izopelterin und Säure. Auf der Rinde des Stammes beträgt 0,15 %, auf den Blättern 0,2 % Betulinsäure, die Frucht, die Blätter ablösen und fand ursolat. Derzeit ist die Fruchtschale zu 28 % Bräunungsmittel, Vitamin C, Säuren und Zucker.

Wirkung und Anwendbarkeit: auf nationaler Raket lange Granatapfel ist in vielen Krankheiten wie Gelbsucht, Madenwurm, Krätze, Darmerkrankungen, geringen Appetit verwendet wird, ist immer noch als Narkosemittel eingesetzt, wenn Knochenbruch, Luxation. Ibn Sina verwendet Granatapfel Blumen in Darmerkrankungen, Bluthusten, Blutungen in, Entzündungen des Magen-Darm-Trakt, Leber, Milz und selbst nutzen sie als Diuretikum. Granatapfelsamenmischung mit Honig auf der Fest platziert, um Wunden zu heilen, gegen eine Zahn und Ohrenschmerzen.

Hippokrates haben Granatapfel Früchte mit Darmerkrankungen und in der Behandlung von verschiedenen Verletzungen. Granatapfelsaft, verdickt es Mischung wurde bei Kopfschmerzen eingesetzt. Süsse Granatapfel löscht den Magen-Darm-Trakt, und hilft bei der sauren Erhöhung der Körpertemperatur und bei Erkrankungen des Magens. In der modernen medizinischen Praxis von Obst und Granatapfelrinde ist für Gastritis, Enteritis und Kolitis eingesetzt.

*Саҳифани Шохруҳ Машиарипов тайёрлади.  
Шохруҳ Машиарипов ҚДУ қошидаги академик лицей  
ўқувчиси, Тошкент шаҳридаги "Goethe" институти  
томонидан таъкил қилинган танлов голиби.*

## АБУ РАЙХАН БЕРУНИ ОСНОВОПОЛОЖНИК ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК ЭПОХИ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ



### **Р. С. СОБИРОВ**

*доктор фармацевтических наук,  
профессор, академик международной  
научной академии «Antique world»,  
ведущий научный сотрудник  
Хорезмской академии Маъмуна*

Имя Абу Райхана Беруни, внесшего большой вклад в развитие многих отраслей знаний, прочно вошло в мировую науку. Беруни известен не только своими выдающимися научными достижениями, но и передовыми по тому времени идеями и убеждениями, многие из которых сохраняют свои значения и по сей день. Формирование Беруни как ученого было настолько успешным, что уже в 16-летнем возрасте он ведет самостоятельные астрономические наблюдения, в частности, с большой точностью определяет величину наклона плоскости эклиптики к экватору. Еще мальчиком в усадьбе Ибн Ирака он увлекался сбором различных растений, и старый ромеец, заведовавший аптекой, дал ему первые сведения о

свойствах лекарственных трав. С тех пор прошла целая жизнь, и он ни разу всерьез не обращался к фармации, хотя всюду, где ему приходилось бывать, проявлял интерес к местным видам целебных растений, и записей, собравшихся за долгие годы, хватало бы на несколько фармакопей.

Первым, кому Беруни сообщил о своем намерении составить описание всех известных лекарственных растений и трав, был Абу Хамид Нахшаи, главный лекарь газнийской больницы, ставший частым гостем с тех пор, как пошли болезни и дом наполнился запахом целебных снадобий. К радости Беруни, Абу Хамид не только поддерживал мысль о создании фундаментального фармакогностического свода, но и высказал несколько идей, которые сразу же придали замыслу, еще не продуманному до конца, конкретную направленность и глубокий практический смысл.

В последние годы своей жизни Беруни написал книгу «Китаб ас-сайдана фи-т-тибб» (фармакогнозия). «Ас-Сайдана» состоит из 1116 параграфов. В ней приводятся сведения о 750 лекарственных растениях. Из 750 видов приведенных в книге 224 вида произрастает во флоре Узбекистана. Беруни рекомендует использовать растения местной флоры в качестве лекарственных средств во врачебной практике, и он впервые выдвинул идею выделить лекарствоведения как самостоятельную отрасль науки и сделал в этом направлении первые и значительные шаги.

Термин «Ас-Сайдана», по толкованию Беруни включает в себя совокупность нескольких самостоятельных, но тесно связанных между собой фармацевтических дисциплин.

Произведение Абу Райхана Беруни весьма богато фактическим материалом в лекарствоведении. Его идея в настоящее время подтверждается наукой. Все это позволяет сказать, что Абу Райхан Бируни в эпоху средневековья был основоположником фармакогнозии на Востоке.

Ученые Хорезмской академии Маъмуна изучая лекарственные растения описанных в «Ас-Сайдане» Абу Райхана Беруни выявили, что во флоре Хорезма произрастают 234 вида растений, из них 28 видов употребляются в научной медицине.

В целях изучения научного наследия Абу Райхана Беруни в Хорезмской академии Маъмуна выполняются ряд исследований. В частности при академии Маъмуна функционирует фундаментальный проект по теме «Разработка технологий научных основ выращивания лекарственных растений в почвенно-климатических условиях Хорезма». На полях «Сада лекарственных растений» Хорезмской академии Маъмуна посеяны лекарственные растения такие как, полпола, пустырник, донник, зверобой, Melissa, почечный чай, кассия, тысячелистник и ромашка аптечная. Изучены агробиологические, морфологические и физиологические свойства, а также их сроки и нормы орошения лекарственных растений. Были определены свойства адаптивности к засоленным почвенно-климатическим условиям Хорезмской области. По ходу возделывания лекарственных растений отобраны образцы из вегетативных и генеративных органов изучаемых растений для анализа химического состава и определения биологических активных веществ в фазе цветения, плодоношения и полной спелости.

**В заключении можно сказать, что научное наследие Беруни огромно. История знает не много таких ученых, которые сочетали бы широту интереса ко многим отраслям знания с глубоким проникновением в них, основательностью разработки актуальных научных проблем того времени. Однако исследования Беруни не ограничивались рамками средневековой схоластической науки. В своих выводах он шел иногда настолько впереди своей эпохи, что, как правильно утверждают многие исследователи, от его наследия веет духом современной науки.**

ТАРИХИНГДИР  
МИНГ АСРЛАР

Тарихий хотирасиз келажак ўйқ...  
И.КАРИМОВ.

# АЛ БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН ЮРТ ТАРИХИ

Мамлакатимиз тарихида янги давр – мустақил тараққиёт даврининг бошланганига эндигина йигирма тўрт йил бўлди. Истиқлол туфайли Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихини ўрганиш, уни ўқитишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихий, маданий, маънавий-маърифий меросимизни қайта тиклаш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилди. Диний қадриятларимиз турмуш тарзимизга қайта киритилди. Амир Темур, Улуғбек, ал Бухорий, Жалолiddин Мангуберди, Баҳовуддин Нақшбандий, Огаҳий, Бердақ, Ажиниёз ва шуларга ўхшаган қатор аллома-ю шоир, давлат арбоблари-ю, саркардаларимиз таваллуд тўйлари, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларнинг 2500 йиллик юбилейлари нишонланди.

Юқоридагидай қадим тарихга эга масканлардан бири Беруний туманидир. Шимоли-шарқи Элликқалъа тумани, жануби Амударё, шимоли-ғарби Қораўзак ва Тахтакўпир туманлари билан чегарадош Беруний туманининг умумий ер майдони 541177 гектарни ташкил қилади. Шундан 31975 гектари турли хил экин майдонлари, боғ-роғлардан иборат.

172 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Беруний тумани ҳудуди ўзининг рельефи ва жуғрофий жойлашуви жиҳатидан қадим замонлардаёқ аҳоли яшаши учун қулай бўлган. Бунга Султон Увайс тоғ тизмасининг жанубий қисмидан топилган палеолит даврига оид чақмоқтошдан ясалган қурол-яроқлар, меҳнат қуроллари далил бўла олади ҳамда ўша манзилларда юқорги палеолит даврида аҳоли овчилик ва кўнчилик билан шуғулланиб ҳаёт кечирганини кўрсатади.

«Қамишли», «Чагир» ва «Чимбой» ёдгорликларидан топилган сопол идишларнинг синиқлари, тошдан ясалган қурол-яроқ, бронзадан ишланган қармоқ, ўроқ ва бошқа ҳар хил уй-рўзғор асбоб-ускуналари бу ерларнинг аҳолиси бронза даврида асосан овчилик, балиқчилик ва дехқончилик билан шуғулланганини кўрсатади. Шу даврларга оид чайла ва ярим ертўлалар, доимо ёниб турган гулхан қолдиқлари атрофидан топилган суюқлар одамларнинг чорвачилик, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланганини, ёввойи парранда гўштини истеъмол қилганини исботлайди.

Бронза даврининг охирлари, яъни эраמידан аввалги VII-VIII асрларда ўлкамизда, шу

жумладан Беруний туманида ҳам катта-катта магистрал каналлар қазилиб, деҳқончилик ривожланди. Худди шу даврлардан бошлаб чорвачилик, деҳқончилик алоҳида соҳа бўлиб шаклланди. Ўтроқ деҳқончилик жамоалари пайдо бўлди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ деҳқонлар орасида мол айрибошлаш – савдо алоқалари вужудга келиб, хунармандчилик ривожланди. Натижада аввало қишлоқлар пайдо бўлиб, айрим мустақамланган қўрғонлар қурилди, катта шаҳар ҳамда ибодатхоналар бунёд этилди. Бу эса ўша даврлардаёқ минтақада кучли марказлашган давлат шаклланигидан далолат беради.

Туман ҳудудидаги бронза даврига оид шаҳар ва ибодатхоналар қаторига Тошхирмон, Ақчахон, Филқалъа, Кат, Қоратепа, Қизилқалъа каби катта-кичик ёдгорликларни киритиш мумкин. Улар орасида Тошхирмон воҳаси ёдгорликлари бизнинг давримизгача яхши сақланиб келганлиги Жанубий Оролбўйи тарихида катта аҳамиятга эга. Воҳамиздаги энг қадимги ибодатхона ҳам айнан Тошхирмондан топилганлиги ва ҳудудий жиҳатдан катта қалъа Ақчахонқалъа эканлиги ҳам диққатга сазовордир.


1995-2009 йиллар мобайнида «Қорақалпоғистон-Австралия» халқаро археологик экспедицияси олиб борган тадқиқотлар натижасига кўра мазкур қалъа Хоразм давлатининг энг қадимги пойтахти бўлса керак, деган тахминлар ўртага ташланмоқда.

Кот шаҳри мелоднинг 305 йилидан то 995-йилга қадар Хоразмнинг пойтахти бўлган. Берунийнинг буюк олим бўлиб етишиши ҳамда Кат (Кот) шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий, маънавий-маърифий ривожини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ходисалардир. Чунки Беруний шу заминда таваллуд топиб, шоҳ саройида тарбияланган, илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Ана шундан ҳам кўриниб турибдики, ўрта асрларда Кат йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва илмий марказ бўлган.


Мелоднинг 995 йилида пойтахт Гурганжга кўчирилганидан кейин Абу Райҳон Беруний янги марказда илмий фаолиятини давом эттирди ва «Маъмун академияси»га асос солди. Унга раҳбарлик қилди. Академияга қатор иқтидорли олимларни таклиф қилиб, уларга ҳомийлик кўрсатди.

Эътиборли томони шундаки, умуман Шарқ давлатларида, шу жумладан Марка-

Ўзбекистон  
Фанлар Академияси  
Қорақалпоғистон  
бўлими тарих,  
археология ва  
этнография институти,  
«Беруний авлодлари»  
жамоат фонди



*Файратдин  
ХОЖАНИЁЗОВ*



*Курбон  
ШОНИЁЗОВ*

зий Осиёда энг биринчи илмий академия айнан бизнинг воҳамизда вужудга келди ва унга 2000 йилда 1095 йил тўлди.

Мазкур илмий даргоҳ минтақамизда илм-фан, маданият, маърифатнинг юксалишида, шунингдек бутун дунё цивилизациясида буюк роль ўйнади.



Ўрта асрдаги Марказий Осиё шаҳар ва рустаклари, шу жумладан қорақалпоқ ўлкасининг Беруний тумани қадимий қалъа, кўрғонлари, муқаддас қадамжолари ҳамда тоғ қазилма бойликларига изоҳ ва тавсиф беришда юртимизга ташриф буюрган ёки уни ўрганган араб, форс тарихчилари, ўлкашунос-саёҳатчилари асарлари, кундалик дафтарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



## ТУМАНДАГИ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ҚАДИМИЙ ЁЗМА МАНБАЛАР ВА

Қадимги тарихий-жуғрофий манбалар қаторига минг йилдан зиёдроқ Хоразм давлати пойтахти бўлган Кот (Қас) – ҳозирги Беруний шаҳри ҳақида ёзган ат Табарий, Белазурий, ал Ёқубий, ал Мақсудий, ал Беруний, жуғрофиюн олимлардан Ибн-Ховқал, Мақдисий, саёҳатчилардан ибн Руста, ибн Фадлан, ибн Батутта ва бизга исми-шарифи номаълум, асарлари тўлиқ ҳолатда етиб келмаган муаллифлар қўлёзмаларини киритиш мумкин. Мазкур асар ва қўлёзма манбаларда, биринчидан, ўрта асрлардаги Котнинг иқлими, қишлоқ хўжалиги, иқтисоди ва аҳолиси тўғрисида маълумотлар берилган бўлса, иккинчидан, шу минтақадаги қалъа ва рустаклардаги савдо-сотик алоқалари, қандай молларнинг олиб келиниши-ю, қандай молларнинг бошқа мамлакатларга олиб кетилиши ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Шунингдек, ўтроқ аҳоли яшайдиган манзиллар, карвонсаройлар ва шаҳарлар орасидаги масофалар ҳам берилган. Айрим қалъаларнинг савдосотиқ ва хунармандчиликда тутган мавқеи кўрсатилган.

Кат тўғрисидаги илк маълумотлар IX асрдан эътиборан араб-форс қўлёзма манбаларида учрай бошлайди. Масалан: Белазурий Кот тўғрисида шундай ёзган: «Кат ўзининг катталиги бўйича араблар истило қилмасдан аввалги Самарқанддек улкан қалъа бўлиб, умумий девор билан ўралган. Учта девордан иборат қалъанинг яхши мудофааланган марказий қисми Фил( баъзи манбаъларда ал Фир) деб аталади». Ал Беруний юқорида келтирилган маълумотлардан ташқари Котнинг араблар томонидан истило қилиниши ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради: «Абу Убайднинг ай-

тишига қараганда, Қутайба Фил қалъасини босиб олади. Уни (қалъани) Қутайбадан олдин Умайя ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Асад босиб олган экан. Кейинчалик қалъа аҳолиси бўйсунмай кўйишади. Филга яна бир марта Йазид ибн ал Мухаллаб бостириб келади, аммо истило қилолмади»(МИИТ, 1939, 76-бет).

Кот (Қас) тўғрисидаги иккинчи бир манбада унинг яна араб истилочилари томонидан босиб олиниши ҳақида сўз юритилади. Табаристонлик форс тарихчиси ат Табарий ўзининг «Тарих» асарининг араблар Ўрта Осиёни истило қилишига бағишланган қисмида 712 йилда Хоразм Ибн Қутайба томонидан босиб олинганлиги ва пойтахт Кот ҳақида қисқача маълумот беради. Яъни, Хоразмда учта катта қалъа мавжудлиги, шулардан бири Кот, яъни Хо-



размнинг пойтахти эканлигини ёзади. (МИИТ, 1939).

X аср бошларида Амударёнинг қуйи оқимидаги қалъа ва қишлоқлар, мамлакат пойтахти Кот (Кас) шаҳри ҳақидаги маълумотларни Ибн Руста асарида учратамиз. (МИИТ, 1939, 150 бет).

Бағдод халифаси ал Муқтадирнинг (908-922й) Волга дарёси бўйидаги Булғор хонлигига йўллаган элчиси котиби ибн Фадланнинг кундалик дафтарида элчиларнинг Бухородан чиқиб, Амударё бўйлаб Котга келгани тўғрисидаги маълумот учрайди. Котда эл-

(сув) яна вайрон қилса керак деган хавотирда яшайди. Жомеъ масжиди қалъа орқасида (ундан шарқроқда), хоразмшоҳнинг саройи жомеъ масжиди ёнида ва зиндон ҳам (шу) қалъа ёнидадир. Шаҳар (Мадина) ўртасида Жардур канали бор, бу канал шаҳар ва бозорни икки қисмга бўлиб туради. Шаҳарнинг узунлиги 1/3 фарсахга (2 км.дан ортиқроқ) тенг, кенглиги ҳам шунча. Дарвозаларига келсак, шаҳарнинг вайрон бўлган томонидаги бир қисми ва дарвозалари йўқ бўлиб кетган. Қолган қисмини эса, дарё бузиб

шаҳардан асар ҳам, ҳатто уй-жойларнинг изи ҳам қолмаган. (Я.Фулумов, 1959, 154-бет).

Кат (Кас) қалъаси тўғрисидаги навбатдаги тарихий маълумот Иерусалимнинг Қуддус шаҳрида таваллуд топган, кўплаган мусулмон мамлакатларида саёҳатда бўлган саёҳатчи-географ олим ал Мақдисий қаламига мансуб бўлиб, у ўзининг 958 йилда ёзган «Ахсат ат-тақасим фи маърифат ал-ақолим» асарида Марказий Осиёдаги ўша даврда мавжуд бўлган қалъаларга, шу жумладан Кат (Кас) қалъасига қисқача

## ЁДГОРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ УЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАРИХИ

чиларни улуғ шоҳ Муҳаммад ибн Ироқ кутиб олиб, уч кун меҳмон қилади. Ибн Фадлан шоҳ саройининг гўзаллиги ва қалъанинг ниҳоятда бой эканлиги ҳамда об-ҳавоси жуда мусаффолиги ҳақида ҳам ёзган.

Кот (Кас) шаҳри ҳақидаги яна бир манба – X асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган, Эроннинг Истаҳрий шаҳрида таваллуд топиб, ал Истаҳрий номи билан шуҳрат топган буюк географ ва саёҳатчининг «Китоб ал-Масолик-ал-мамолик» асарида мавжуд бўлиб, муаллиф шундай деб ёзади: «Унинг пойтахтини хоразмчасига «Кас» деб аташади. У ерда қалъа бўлиб, қалъада ҳеч ким яшамайди. Унинг ичида (қалъанинг ичи назарда тутилмоқда) шаҳар (Мадина) бор, лекин уни дарё бузиб юборган, халқи унинг орқасига (бошқа) шаҳар куриб олган, дарё (ҳеч ким яшамайдиган) қалъа яқинига келиб қолганлиги боис, (аҳоли) уни

кетган бўлагининг орқасига янгидан (қайтадан) бунёд этишган. (МИИТ, т.1939, 180 бет. Фулумов, 1959, 154-бет).

Истаҳрийнинг юқорида келтирган маълумотларига қараганда, шаҳар ҳудудий жиҳатдан анча катта бўлган. Лекин Амударёнинг тошқини туфайли Истаҳрий келган пайтда шаҳарнинг фақат бир қисмигина сақланиб қолган кўринади.

Орадан 15 йил ўтгандан кейинги шаҳарнинг ҳолати ҳақида ибн Ҳовқал шундай маълумот ёзиб қолдирган: «Унинг (Хоразмнинг) пойтахти Даржош эди, у (табиий) офатга учрагач, одамлар унинг ёнидан бошқа пойтахт бунёд этишган, уни хоразмчасига Кас деб атайдилар. Унда (вайрон бўлган шаҳарда) арк ва шаҳристон – Мадина бўлган. Шаҳристонни дарё бузиб юборган. Дарё арк, шаҳристон, жомеъ масжиди ва арк ёнидаги зиндонни вайрон қилган,

таъриф берган, шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳаёти ва савдо алоқаларини баён қилган. «Касни «Шаҳристон» деб ҳам атайдилар. У дарё қирғоғида жойлашган, катталиги Нишопур билан тенг. У дарёнинг шарқ томонида. Қалъанинг катта жомеъ масжиди бозорнинг ўртасида. Масжид ёғоч устунлар билан бостирилган. Устунлар одам бўйи баравар келадиган қора тошдан ишланган пойдеворлар устига ўрнатилган. Ҳокимият девони қалъанинг марказида. Шаҳарнинг кўхандизи бўлган, лекин уни ҳам дарё ювиб кетган, қалъада ариқлар бор. Шаҳар чиройли, унда (ўқимишли) билимдон одамлар ва олимлар кўп. Қалъада ҳаёт кечириб учун зарур озиқ-овқатлар мўл. Қалъа ҳар тарафлама бой.

Унинг аҳолиси моҳир бинокор-уста ҳамдир. Қуръон сура-ларини яхши ўқишади, бундай

кироат билан ўқийдиганлар ҳатто Ироқда ҳам йўқ. Улар яхши созандадирлар, мусиқа ва ашулалари ёқимли. Аҳолисининг қадди-қомати келишган, айтишларича, ҳусн-қиёфалари жуда чиройли. Қалъасини (Кас) тез-тез сув босиб туради, аҳоли унинг ёнидан янги шаҳар қуради». (МИИТ, 1939, 187-бет).

Ал Мақдусий билан даврдош номаълум муаллиф ўзининг форсийда ёзган «Худуд-ал-Олам» асарида Кат (Кас) ҳақида, шаҳарнинг иқтисоди ва савдо-сотиқ алоқалари ҳамда аҳолиси тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради: «Кас Хоразмнинг бош қалъаси, (косаба) гузари, яъни Туркистоннинг дарвозаси, туркларнинг мол сақлайдиган жойи, Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хазористондан келадиган савдогарлар даргоҳи. Каснинг подшосини унинг тева-рак-атрофидаги амалдору ҳокимлар «Хоразмшоҳ» деб атайдилар. Котнинг халқи иймон-эътиқод учун курашувчан, жанговар кишилардир. Шаҳар жуда бой. Касдан ёстиққа қоплама, сириб тикилган кийим-кечаклар, қоғоздан ишланган матолар (карбас), кигиз, кор, рухбин (пишлоқ-сутдан тайёрланган маҳсулот) каби моллар олиб кетилади». (МИИТ, 1939, 216-бет).

Катҳақидаги бошқа бир маълумотни Гардизийнинг «Зейнал-ахбор» номли тарихий асарида ҳам учратамиз. Гардизий ўзининг мазкур асарида шу даврда Бухородаги Сомонийлар сулоласи билан Хоразмдаги Африғийлар сулоласи ўртасида кечган воқеаларни, шимолий минтақа-Гурганж ҳокими Муҳаммад ибн Маъмуннинг ҳар иккала вилоятни

бирлаштириш йўлида қилган ҳаракатларини баён қилади.

Бухородаги сомонийлар ҳукуматида улкан лавозимда ишлаган Абу Али Симжурнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатларини сезган амир уни саройдан четлаштириш мақсадида Хоразмга- Котга ўз вакили қилиб жўнатади. У Котга сари йўлга чиқади. Хазораспга етиб келиб, қалъа ҳокими боғида дам олиб ўтирганида, унинг ёнига Кот ҳукмдори хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ ибн Ироқ юборган одамлар етиб келишади ва Симжурга ўзларини Хоразмшоҳ йўллаганини, меҳмоннинг бу кеча Хазораспда қолишини илтимос қилганини, эртага учрашувга шахсан келмоқчилигини айтади. Ярим тунда Хоразмшоҳ юборган одамлар нима учундир Симжурнинг оёқ-қўлини боғлаб, Котга олиб кетишади. (МИТТ, 1939, 228-бет) Бу воқеадан хабар топган Гурганж ҳокими ибн Маъмун Котга хужум қилиб, Симжурни озод этади ҳамда шимолий ва жанубий Хоразмни бирлаштириб, пойтахтни Гурганжга кўчиради. Шу даврдан эътиборан, мамлакатдаги фаол ижтимоий-сиёсий ҳаёт шимолий минтақага ўтади. Яъни, кейинги барча воқеалар X аср охири XI аср бошларидан эътиборан, Гурганж (ҳозирги кўҳна Урганч) билан боғлиқ ҳолда кечади. Айнан шу даврдан бошлаб Хоразм тўғрисидаги аксарият маълумотларда Гурганж номи кўп қайд этиладиган бўлади. Кот (Кас) эса, табиийки ўзининг олдинги нуфуз ва мавқеини йўқота боради. Бироқ, барибир эски пойтахт жанубий минтақа маркази вазифасини ўташда давом этади.

Темурийзода Хусайн Бойқаро саройида яшаб, ижод этган тарихчи Мирхонднинг Алишер Навоий илтимосига кўра ёзган «Равзат-ус-сафо» асарида Котнинг XI асрдаги ҳолатига доир қисқача маълумотларни учратамиз. Мазкур асарнинг салжуклар тарихи тўғрисидаги қисмида салжук султони Алп Арслоннинг қуйи Сирдарё бўйлари ва Хоразмга юриши тасвирланади: «Султон Алп Арслон Жайхундан ўтиб, Хоразмни бошқаришни ўғли Арслоншоҳга топширди. Котга келиб, шаҳарнинг вайрона ҳолатда ётганини кўрди ва бузилган биноларни қайта тиклатди. Катта жомеъ масжиди қуришни буюрди. Алп Арслон 1066 йил Катдан Марвга йўл олди». (МИТТ, 1939, 467-бет).

Кат қалъаси мўғуллар томонидан босиб олинганидан сўнг Чингизхон у ерда бир қисм қўшин қолдирган эди. Хўжанд қалъаси ҳокими Темур Малик ўз қалъасини бой бергач, Сирдарё орқали аввал Жанд қалъасига, кейин Қизилкум орқали марказ Гурганжга келади. Гурганждан бир қўшин лашкар олиб, Кат қалъасида Чингизхон қолдириб кетган лашкарларни тор-мор қилгач, хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг изидан кетади. Юқоридаги маълумотларга қараганда, мўғуллар истилоси даврида ҳам Кот мустаҳкамланган кўрғон-қалъа бўлган экан. (Саблуков, 1906, 95-бет).

XIII аср бошларида ўлкамизга икки марта ташриф буюрган Ёқутнинг жуғрофий луғатида таъкидланишича, ўтмишда Хоразм давлатининг бош шаҳрини «Фил», сўнгра «Мансура» деб ҳам аташган экан. Уни дарё харобага айлантиргач, шаҳарда яшовчи

аҳоли Амударёнинг ғарбий қисмига, яъни Мансурадан унча катта бўлмаган Гурганж шаҳрига кўчиб ўтган. Мансура бутунлай харобага айланиб, ундан ном-нишон ҳам қолмаган... (МИТТ, т.1, 1939, 415-бет, Я.Фуломов, 1959, 166-бет).

Ёқут яна бир жойда Кот (Кас)ни бошқача тасвирлайди: «Кас хоразмликлар тилида «Чўлдаги қўрғон» дегани. У Хоразм ўлкасидаги катта қалъа. Аммо у Жайхундан шарқда, мамлакат бошқа қисмининг барчаси дарёнинг ғарбида. Кас(Кас) билан Урганч орасидаги масофа 20 фарсах(МИТТ, 1939, 430-431-бетлар).

Ёқут Хоразм маркази ҳақида яна бир маълумот ёзиб қолдирган бўлиб, унда: «Мансура Хоразмнинг қадимий кўҳна маркази. У Жайхуннинг шарқида – Журжонияда – Хоразмнинг ҳозирги пойтахти қаршисида. Уни (Мансурани) сув босиб кетгач, аҳолиси ўнг томонга –Гурганжга (Журжонияга) кўчиб ўтган ва ҳозир ҳам ўша ерда яшамоқда. Айтишларича, пайғамбаримиз (Касни) узоқдаги масжидга саёҳат қилган пайтларида тунда тушида кўрган эканлар. Бу ҳикоят битилган қўлёзма ҳозир менда йўқ» (МИТТ, 1939, 435-бет).

«Гурганждан чиқиб, тўрт кундан сўнг Кот қалъасига келдик. Тўрт кун давомида Катдан бошқа одамлар яшайдиган биронта қишлоқ ёки қалъани учратмадик. Кот кичкина, чиройли шаҳар. Биз қалъа ташқарисидаги совуқдан музлаб ётган ҳовуз бўйида тўхтадик. Болалар музда сирпаниб, ўйнаб юришган экан. Ташрифимизни қалъа кадиси Садр -аш-Шариа эшитиб, мени қутлуғлаб келди. Биз у

билан Хоразмнинг (Гурганж) кадиси хонадонида учрашган эдик. Шогирдлари (сўфийлар), қалъанинг художўй шайхи Маҳмуд ал Хевақий ҳам у билан бирга келдилар. Кади менга қалъа амири хузурига бирга боришни илтимос қилди. Шунда шайх Маҳмуд айтдиларки: «Келган меҳмонни кутиб олмоқ жоиз, шундай экан, биз бориб, уни/Амирни/ ўзимиз билан бирга бу ерга олиб келамиз». Улар шуни маъқул кўришди. Бироздан сўнг амир ўз амалдорлари ва хизматкорлари билан етиб келди. Биз улар билан самимий кўришдик ва тез жўнаб кетиш ниятида эканлигимизни айтдик. Бироқ у (амир) биздан қолишимизни ўтинч қилди ва катта зиёфат уюштириб, унга фақиҳларни, лашкарбоши ва бошқаларни таклиф этди...».

Ибн Батуттанинг юқоридаги маълумотига қараганда, у Котнинг ичига кирмаган, балки шаҳар ҳокими меҳмонларга қалъа ташқарисидаги қароргоҳида зиёфат уюштирган бўлишини тахмин қиламиз. Шунинг учун ҳам Ёқут шаҳар ҳақида оз маълумот ёзган.

XIII асрнинг биринчи ярмида мўғуллар истилосидан кейин Марказий Осиё асосан икки: Жўжи ва Чиғатой улусларига бўлинади. Шарқий Туркистон ерлари, шу жумладан Кот ва Хива қалъалари Чиғатой улуси таркибига киради. 1360 йилда Гурганж ҳокимияти тепасига келган сўфийлар сулоласи вакили Хусайн Сўфи Кот ва Хива қалъаларини ўз тасарруфига кўшиб олади. Бундан хабар топган Мовароуннаҳр ҳукмдори – Амир Темур бир-неча марта Гурганжга элчи юбориб, бу қалъалардан Хусайн Сўфи

лашкарларининг олиб чиқиб кетилишини талаб қилади. Соҳибқироннинг бу талабини Хусайн Сўфи бажармайди, аксинча юборилган элчиларини қамаб қўяди. Мазкур воқеадан сўнг Амир Темур 1372 йилнинг баҳорида Хоразмга қўшин тортишга мажбур бўлади. Бу ҳақда ўша даврнинг машҳур тарихчиси Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида батафсил баён этилган: «Хусайн сўфи томонидан тайинланган Котнинг шихнаси – ҳокими Баҳромхўжа ясовул шаҳар қозиси Муяд билан биргаликда қалъа мудофаасини кучайтирди. Шаҳар дарвозасини маҳкамлади, деворга аррадларни (катапульт) ва тир-чархларни (самострел) ўрнатди. Қалъа атрофидаги ҳандақларни сувга тўлдирди. Бу саъйи-ҳаракатларни кўрган Амир Темур ўз лашкарларига ўт-чўп, ёғочлар ва тупроқ ташитиб, ҳандақни кўмдирди ва қалъага бостириб киришни буюрди. Ҳукмдорнинг буйруғига бўйсунмаган амалдорлардан бири – Кўча Малик исмли кимса эшакка терс мингаздирилиб, Самарқандга жўнатилди. Ҳандақ ва қалъа деворларидан ўтишда Хумор ясовул ва Шайх Али Баҳодир каби лашкар йигитлар алоҳида жасорат кўрсатишди. Натижада Кот қалъаси аҳолиси сўфийлар ҳукмдорлигидан озод этилди ва шаҳар Темур давлати таркибига кўшиб олинди. (МИИТ, 1939, 515-бет).

Юқоридаги тарихий маълумотлардан аён бўляптики, Кот XIV асрнинг иккинчи ярмида ҳам мудофаа иншоотлари билан тўла таъминланган марказий қалъалардан бири бўлган.

*(Давоми бор)*

# Олтин довоглардан



Абдулхамид  
ЧЎЛПОН

## СОЗИМ

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганман,  
Улфат диёрига маскан қурганман,  
Юзимни ўт эмас, гулга бурганман,  
Самовий завқларга тўлиб турганман  
Булбуллар севгини мақтаган дамда!

Чечаклар ўсғуси кўз ёшларимдан,  
Бўғинлар унғуси ўйлашларимдан,  
Қалблар юмшағуси сайрашларимдан,  
Севги чаманида яйрашларимдан  
Жаннатлар яратгай ташланган жанда.

Тилинган тилларга қон югурғуси,  
Бўшалган инларга жонлар кирғуси,  
Тиканли боқчалар чечак кўрғуси,  
Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси  
Жандалар танимга теккан кунларда!..



## МИРТЕМИР

Ўлан авжларида гул очади дашт,  
Ўлан авжларида замон уйғонур.  
Ўлан авжларида дунё-дунё гашт,  
Ўлан авжларида олам тўлғонур.



Усмон  
НОСИР

## ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошди қирғоқдан.  
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.

Сенсан эй, сен – ўйноқи дилбар,  
Зафардан изла ёрингни.  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,  
Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..



## ЎЛАН АВЖЛАРИДА...

Ўлан авжларида туғилур суйгу,  
Ўлан авжларида туғилур жужуқ .  
Ўлансиз на ранг бор , на ёруғ туйғу,  
Ҳаёт лабларига тошади учуқ...

# тўкилган назм

Ибройим ЮСУПОВ



ЗУЛФИЯ

## МЕН ЎТГАН УМРГА

Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.  
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,  
Суйиш керак бўлса – телбача суйдим.

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,  
Юрак бойлигидан қилмабман парво.  
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,  
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:  
Суйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Куйдим,  
Иззат нима – билдим.  
Шу-да бир яшаш!..



## КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Кийиклар сув ичар сойдан,  
Ғоз-ўрдак кўлдан сув ичар.  
Одамнинг-чи, кўнгли қайдан?  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўрдим оққув ўйинларин,  
Эркалашиб бўйинларин,  
Соғингандай ошиқ ёрин,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.  
Отлар гулдур-гулдур кишнаб,  
Чарх уриб уюрин излаб.  
Қўйлар маъраб, бўта бўзлаб,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дарёлар денгизга ошиқ:  
Ошиқар мавж уриб, тошиб.  
Йўллар йўлларга тутшиб,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дўстлик, иззат-улуғ давлат,  
Жон озиғи-яхши суҳбат.  
Чўлга-баҳор, гулга навбат,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўкка сеҳр солиб боқсанг,  
Юлдузлар сўйлашар оқшом.  
Ўзинг булоқ бўлиб оқсанг,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Юрак шодланиб юрсин-да,  
Дунёнинг қайси бурчинда  
Яшаб турсак ҳам, тўғриси-да,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Олисдаги асқар тоғлар  
Бир-бирини кўрмак бўлар.  
Шу туфайли буюк улар  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар...





*Эркин  
ВОҲИДОВ*

### САДОҚАТ

Кекса қарағайнинг  
Илдизин очиб,  
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.  
Лекин у тупроққа панжасин санчиб,  
Сира қўзғалмасди  
Унган еридан ...  
Ниҳоят, гурс этиб ерга қулади,  
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ –  
У ўз панжасида олиб жўнади  
Яшаган еридан  
Бир сиқим тупроқ.



Ёки қуёшими севгимга сабаб?  
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,  
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,  
Ўпаман : “Тупроғинг бебаҳо , Ватан...”  
Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,  
О , Қашғар тупроғи , қашшоқмидинг сен?!  
Хўш , нечун севасан Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга:  
Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?  
Ватанлар,  
Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,  
Юртим , сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!



*Абдулла  
ОРИПОВ*

### МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.  
Нечун Ватан дея ер-у осмонни,  
Муқаддас атайман , атайман танҳо.  
Аслида дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?



*Муҳаммад  
АЛИ*

\* \* \*

Хув тоғларга қор тушар,  
Боғларда анор пишар.  
Қачон менинг тоғ қалбим  
Сен боғ билан топишар?

Эй, тоғдаги мағрур қуш,  
Совуқ тошга боссам тўш!  
Хув дарада бир қиз бор,  
Ёстиғининг ярми бўш...

Чўққидаги қоя тош  
Ёлғизликдан эгар бош.  
Яккаласа ёмғирлар  
Кўзларидан тўкар ёш.

Боғда ҳам бир танҳо гул,  
Танҳоликда аъло гул,  
Кўз ёшига юз ювар,  
Сўнгсиз ғамларга машғул.

Сен ёлғизсан, мен – диққат,  
Иккимизга йўқ шафқат.  
Ўртамизда овора –  
Сарсон бўлди муҳаббат...

Хув тоғларга қор тушар,  
Боғларда анор пишар.  
Бир кун менинг тоғ қалбим  
Сен боғ билан топишар...



*Омон  
МАТЖОН*

\* \* \*

Яратганга шукур, сен яна келдинг,  
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.  
Мен сенга узундан узун от қўйдим:  
“Эй, эски дардларни янгилатувчи!”

Бармоқлар бармоқлар учини сезди,  
Кўнгил бир илоҳнинг кучини сезди,  
Юрак алланенинг ўчини сезди,  
“Эй, узоқ йўлларни яқинлатувчи!”

Яна икки кўздан сирқилди намлар,  
Биллурни ювдилар покиза ғамлар.  
Қани ул Сир, Аму мавж урган дамлар,  
Эй, сен денгиз тубин долғалатувчи?!

Асли, қайда бўлсанг, мен кўнгли тўқман,  
Кунчиқарим ишқдир, нур ўчса – йўқман,  
Биламан, кимгадир жуда суюқман,  
Эй сен, хотирани поклантирувчи!

Ким айтди, йўл анча ўтилди дея,  
Келган кетди, кутган кутилди дея,  
Шодман – яна менга дуч бўлди дея,  
Ишқи омонларни яшартирувчи!

Яратганга шукур, сен яна келдинг,  
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.  
Мен сенга узундан узун от қўйдим:  
“Эй, кўҳна дардларни янгилатувчи!”



*Матназар  
АБДУЛҲАКИМ*

## БАХТ

Мукаммал бу гўзаллигингни  
Ёниб қилгим келади таъриф,  
Бироқ, не қилайки, қошингда  
Энг қудратли каломлар ғариб.

Висолингни қилсам-да ҳавас,  
Меҳрим изҳор этмадим ҳеч вақт.  
Сен билан бир ҳаводан нафас –  
Олиш ўзи менга катта бахт.

Бир қайрилиб ташласанг нигоҳ,  
Юрак тўлар сўнмас зиёга ...  
Сени бир бор кўриш-чун фақат  
Келиб кетса арзир дунёга.



**Кенгесбой**  
**КАРИМОВ**

### ТОПИЛМАС

Азалдан мардларга тўла бу дунё,  
Нетарсан, номардсиз замон топилмас.  
Асло нодонлигин айтма нокасга,  
Йиртарлар ёқангни, омон топилмас.

Ҳар кимса суради келса даврони,  
Қолмагай абадий, кўчар карвони.  
Мағрибдан Машриққа етса фармонинг,  
Жар урдирсанг, ота бобонг топилмас.

Билган билан телпагининг нархини,  
Ҳар ким англай билмас сўзнинг фарқини.  
Манманликнинг, нодонликнинг юртина  
Сўз садоғин отсам, камон топилмас.

Давлат кўнса эр йигитнинг бошига,  
Эл йиғилиб келар унинг қошига.  
Қоқилса бир куни тақдир тошига,  
Суяйдиган яхши ёмон топилмас.

Англа, Каримтекли, ўтар давронинг,  
Ижод қил, кўкракда қолмас армонинг.  
Бир куни фармони келса Оллонинг,  
Зарра ҳаяллашга имкон топилмас.



**Жиянбой**  
**ИЗБОСКАНОВ**

### КУЗ КУЙИ

(Триптих)

#### I

Умид – эртанги тонг.  
Куз ёмғири –  
Кузнинг раъйи бу –  
Юпатгиси келиб кўнглим овлаган.

Сен тонг янглиғ келарсан.  
Шунда  
Ботар олдда қуёшнинг  
Бўзғилт шафағи –  
Кўзим ёши, кулги аралаш...

#### II

Сен келарсан... Сезимда  
Санглар пайдо бўлади.  
Интиқ кўкрак, кўзимда  
Чўллар пайдо бўлади.

Оҳ, овозинг! Мўлтиллаб  
Тингласам мен мўл тинглаб,  
Қувончим тўлқинланиб  
Кўллар пайдо бўлади.

Сен кетарсан – афсус, бул,  
Илож йўқ! “Қол!” десам бир.  
Қалбимнинг осмонида  
Селлар пайдо бўлади.

#### III

Тебранишлар ёқиб туриб,  
Не ташбеҳлар топмасам,  
Кўнглимни булоқ қилиб,  
Ким оқар, мен оқмасам?

Сенсиз пайтлар ўтар эди,  
Соғинч сийнам сўтар эди,  
Кўкрагимга нетар эди –  
Озор бўлиб ботмасанг?

Бул уммонда сузган сайин  
Шеър маржонин тизган шоир,  
Чиқмас эди биздан шоир,  
Бул азобга чатмасанг.





На последней странице обложки журнала «Мозийдан садо» («Эхо истории», 4(44) 2009 года) напечатана репродукция с картины Зоммера Р.К. «Мечеть в Ташкенте». В статье «Ташкент в живописи», где сказано несколько слов о Зоммере, перечисляются некоторые его работы, в том числе и эта. Перечисляется как обычный пейзаж, как один из видов старого Ташкента.

## НОВЫЙ ВЗГЛЯД НА СТАРУЮ, НО НЕ СТАРЕЮЩУЮ КАРТИНУ

Я же увидел в картине более глубокий, скрытый, трагический смысл. Мне показалось странным зловещая пустота ярко освещённого полднем солнцем пространства. Вывешенные одежды ( женская и мужская ?)... Обычно у нас вывешивали одежды умерших. Но здесь всего две вещь и... Торговая лавка? Вряд ли, тут ведь начинается мечеть. Об этом свидетельствуют стяги с конскими гривами, указывающие на статус мечети связанный с каким-то известным святым. Всего две одежды... Или как символ и этого было достаточно для художника, а большее количество сделало бы смысл картины слишком прозрачным? Всё это натянуто и неубедительно? Тогда отбросим! Будем опираться на явные вещи, отрицать которые никак нельзя. В таком случае, что это за красные пятна на дороге, где можно разглядеть и следы ног? Тут пролилась кровь? Что же здесь произошло? Дата! Дата на картине может послужить подсказкой. 1892 год... И, как видим на картине, лето. Что же произошло летом 1892 года в Ташкенте? Где можно отыскать ответ? Мне даже не пришлось вставать из-за стола. В этом же журнале, горящими угольками, мелькнула дата «1892» в статье «Медресе Абулкосима». Удача! Хотя я в этом

вижу божий промысл. К своему стыду я ничего не знал о «Холерном бунте» 24-июня 1892 года, жертвами которого стали десятки людей, расстрелянных царскими властями. Наверное найдутся те, кто в «Холерном бунте» в Ташкенте постараются увидеть, не бесчеловечную расправу над безоружными людьми, а только лишь «Мракобесие и фанатизм диких и

тёмных туземцев (как называли местных жителей при царском режиме), далёких от культуры, общественного порядка, необходимых требований медицины». Но подобные бунты происходили в 1830 - 1831 годах и в России: в Тамбове, в Севастополе и даже в Петербурге на Сенной площади ( Б.С.Э. 1970 г. том 28, стр.335, ст. «Холерные бунты»). В статье «Медресе Абулкосима» есть выдержка из письма барона Вревского: «Когда генерал - губернатор Гродеков, глава города Путинцев на рынке пытались разогнать народ...». На каком рынке? На том самом, что был расположен возле мечети из картины? О том, что там был рынок я узнал из интернета. Даже если речь идёт о другом рынке, может быть бунтовщиков преследовали до тех мест, что на картине? На все возникшие вопросы могут ответить лишь компетентные лица. Но, может я пишу о факте известном искусствоведам, и картина давно признана как скрытое изображение тех событий? Или же она свыше ста лет, по инерции, хранится как обычный, без всяких тайных смыслов, пейзаж? Ско-

рее всего последнее. К этой мысли наводит и нижеследующее. В книге « Искусство Советского Узбекистана» (Издательство «Советский художник» 1976 год. стр. 15. ) читаем: « ...Зоммер не всегда сух в своих архитектурных пейзажах. Так, например, хранящиеся в Музее искусств Уз.ССР его пейзажи «У Биби-Ханым», «Улица около Гур-Эмира» или «Мечеть в Ташкенте» отмечены свежестью живописного видения природы. По - видимому, настойчивость и трудолюбие художника иногда вознаграждали его.» И далее уже о другом... Я был бы благодарен всем, кто поможет узнать истину, если же она неизвестна - проведёт поиски. Может в самом деле за возможно намеренно безобидным названием картины (если только оно дано автором), скрывается тайное сочувствие художника нашему народу, его солидарность с ним, протест против произвола царизма, которые он в те времена не мог, без риска для себя, изобразить открыто? Если это так, воздадим же должное таланту художника и будем видеть в картине то, что он хотел передать. Если... Если... Где истина? Вот оно - эхо истории. И наш долг – разобрать слова этого эха. Ведь это наша история, наша Родина! И ещё раз об эхо... В журнале картина отнесена к шедеврам Узбекистана. Во истину она им и является. Так неужели новое, обоснованное слово о нашем шедевре заглухнет без эха, пусть даже это слово сказано не искусствоведам? Мне в это верить не хочется...

**А. АБДУРАХМАНОВ**  
Художник-оформитель  
журнала «Тамаддун нури».

### От редакции:

Ждём отзывы читателей, предположений основанных на документах и исторических фактах, а также откликов специалистов. Будем всем признательны и поместим ваши мнения на страницах журнала.

# «Ўррови бор элимнинг...»

## ҚОРАҚАЛПОҚ САЛОМИ

Ўррови бор қорақалпоқ алп элимнинг  
Ёлқинли, соф муҳаббатин олиб келдим.  
Бобом фақир туяларда кезган бўлса,  
Мен осмоннинг оқ булутин ёриб келдим.

Тошкент деган шамчирокни кўриб келдим,  
Юзимни мен Олмаотага буриб келдим,  
Элга борган қозоқ олиб кетган эди,  
Юрагимнинг изларидан юриб келдим.

Бейик чўққи, асқар тоғдан ўтдим ошиб,  
Соғинганга олис йўл ҳеч бўлмас қочик,  
Еринг каби меҳри кенгдир жигарларим,  
Суйишдик биз аэропортда кучоклашиб.

Ишда Ҳожимуқон мисол полвон қозоқ,  
Курашларда ёв юрагин ёрган қозоқ.  
Кўкчатовнинг тепасида ўлан айтса,  
Садолари Бойсунгача борган қозоқ.

Кўлинг қисиб кутлуклашга ботир элни,  
Ўз оғангдир – ўзбек чечан, оқин келди.  
Ойбек, Ҳамид, Яшин, Собир, Зулфия бор,  
Собитнинг ҳазилкаши Ғафур келди.

Юрт айтади ул Ғафурни Навоий деб,  
Тошкентлик шоирларнинг оғойи деб,  
Мен ҳам айтдим Собитни, – замонинда,  
Биз яшаган даврнинг Обойи деб.

Умрда ҳар бир ёшнинг ўрни бошқа,  
Қариялар шай фақат бир пишган ошга.  
Собитнинг афт-ангори бўтака\*дай  
Чикди деб ишонмайсиз олтмиш ёшга.

\* – буйрак

Хаёли Олатовдан ошиб турган,  
Журъати Сир сувидек тошиб турган.  
Юракнинг тубиндаги гавҳар тошин  
Булоқдек сапчителишга шошиб турган.

Ғабиден оғамизнинг сўзи қаймоқ,  
Кўникди шарбатига овул-аймоқ.  
Абдулла, Тоир, Ғали китоб ёзса,  
Ўқиди кўзга суриб қорақалпоқ.

Қаламкаш бир ёш шоир Сирбой курби\*\*м,  
Кўрганда кўнглинг тўлар ёруғ турқин.  
«Сираканг» қаламини йўрғалатса,  
Болалатар ўланнинг ўттиз-киркин.

Кечир, дўстлар ҳазилим бўлса қаттик,  
Тизгинсизроқ юборсам асов отни,  
Ҳеч кучнинг совутмоққа холи келмас,  
Юракнинг тубиндаги муҳаббатни.

Мақтаниб қозоқ деган зўр отинга,  
Тан бериб теран ақл, ғайратинга,  
Қорақалпоқ саломин ол, топширдим,  
Бахмалтус, Олатовли Олматинга.

\*\* – тенгдош, сафдош

1962 йил, Алматы



## ТЕМИРТОВДА

Келган эдим соғиниб,  
Юрак қолди сиғиниб.  
Темиртов деган оти  
Қўйилган зап топилиб.

Кўрган кўнгил тўймайди,  
Кетгани кўз қиймайди.  
Ёзай десам кўрганни,  
Ўланимга сиғмайди.

1962 йил

## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Мен онамдан ниҳол бўлиб кўкардим,  
Ёшлигимда ғамдан бошқа не кўрдим.  
«Меҳнат таги – роҳат» деган чин экан,  
Бора-бора қаторимга тенг келдим.

\* \* \*

Биров олим дейди, биров нодон деб,  
Биров яхши дейди, биров ёмон деб.  
Барчасидан энг юқори даража  
Айтса бўлди соф юракли инсон деб.

\* \* \*

Уйнинг кўнгли тўлмас кўноқ тўймаса,  
Ҳоли етган бир қўй топиб сўймаса,  
Қонга сингган қорақалпоқ удуми,  
Ўйлайверсин ким қандайин ўйласа.

\* \* \*

Бўлса уйинг, ҳашам, кийим, томоғинг,  
Мамнун бўлиб кетса келган кўноғинг.  
Уйқунг бутун бўлиб, танинг соғ бўлса,  
Шу – дунёда шодли умр, қароғим.

\* \* \*

Яшил мева тилинг билан экилмас,  
Менинг асл дўстим бўлсанг кўнгиллаш.  
Айтмай кўрсат вафодорлик шаштингни,  
Ҳеч биров ҳам қуруқ сувга семирмас.

\* \* \*

Кўзни тортар сулувларнинг жамоли,  
Қийнаса ҳам муҳаббатнинг шамоли.  
Одам учун муҳаббатсиз умрнинг  
Марҳумликдан айирмаси чамали.

\* \* \*

Қуруқ хусн – фақат юзни бўяди,  
Бора-бора у ҳам тусин йўяди.  
Чин гўзаллик ақл билан меҳнатда  
Уларгина шухратингни ёяди.

\* \* \*

Биров нон искабди ичгач шаробни,  
Содда кампир хайрон бўлиб қарабди:  
- Жичча ичиб, оғзин топмай адашди,  
Кўрдингми? – деб келинидан сўрабди.

\* \* \*

Бу дунёнинг келса агар тинч тургуси,  
Бир бурчидан қиз олишиб бир бурчи,-  
Одам ўғли болдек тотли яшаса,  
Беҳишт бўлиб кетар эди турмуши.

\* \* \*

Ақли каму чала – деса, чаламан,  
Ақлли, зўр, доно – деса, дономан.  
Не деса ҳам ихтиёри ўзинда,  
Ҳайтовур мен халқим айтса инонаман.

*Янгибой Қўчқоров тайёрлади*



Форс тилидан  
Ҳамидуллоҳ АМИНОВ  
таржимаси

шундай кимсалар борки, илм-фанни мутлақо ёмон кўради, ўзларининг нодонлигига илмни душман деб билади. Ўшалар фаннинг ҳар турига ва билим эшикларини қоқувчиларга динсизлик тошини отадилар. Улар ёмон хулқ эгалари бўлиб, яна ўзларига боинсоф

## БЕРУНИЙНИНГ «ГЕОДЕЗИЯ» АСАРИДАН

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний “Аҳоли яшаш жойлари ўртасидаги масофаларни ўрганиш учун кишилар яшаётган дунё чегарасини аниқлаш” (“Геодезия”) китобида шундай дейди:

“Албатта ҳар қандай ақл ёрдамга муҳтож, ҳар қандай жон мадад сўрашдан беҳожат эмас. Шундай экан, мен фанни тўлиқ билиб олиш ва ёзган китобим комил бўлсин учун кўнглимдан ўтказдимки, Шайх ҳазратларига кўрсатаман, токи китобга назар қилиб, сўзларга зебо кийимлар кийдирса ҳамда абадий ва доимий яхшиликлар билан ораста қилса, чунки у зот ахлоқ соҳиби бўлиб, ҳаммадан кўра баланд илм ва насабга етишган.

Ўз замонда одамларга қараб кўрдимки, улар нодонлик сиймосида бўлиб, фазилат соҳибларини душман деб

биладилар. Ҳар кимки билим зийнати билан ясанган бўлса унга озор берадилар, у бечорага ҳар хил ситамлар қиладилар.

Юлдузлар илмини ўрганувчи олимларнинг юлдузлар айланиши ва улар таъсири тўғрисида айтган гапларига ҳамда жаҳон гардишининг ишларини юлдузлардан деб билишларига бовар қиламан!

Одамлар, бир сўз билан айтганда, гумроҳ эмаслар, зеро улар ёмон қилиқ ва одатларни ҳеч ҳам яхши санамайдилар. Одамлар орасида бўлсанг, уларнинг манман ва худбин кимсаларни ёмонлаётганини кўрасан. Бу борада улар ниҳоятда билимдон ва яхши-ёмонни ажратишга уста, лекин бу каслар илм-фанга қизиқмайдилар, илмга хизмат қиладиганларни ҳам жинлари суймайди. Ҳатто

лақабини қўйиб олганлар. Бу ҳам етмагандай, улар илм-фан тўғрисидаги чиройли гапларни эшитадилар-у, орқасидан бақириб: – “Бундан нима фойда?!” – дейдилар. Сабаби шуки, улар одамнинг бошқа жониворлардан фарқини билмайди, ахир бу фарқ илм ва билим сабабидан бўлиб, бундан бошқа нарса туфайли бўлиши мумкин эмас. Чунки илм бекорчиликдан ўрганадиган ортиқча иш эмас, зеро қайси нарса ундан ҳам фойдалироқ, ундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин? Дин ва дунёда яхшилик томон тўғри йўл топиш ва ёмонликдан узоқ бўлиш учун илмдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Агар илмсизлар бир нарсага қўл урсалар хато бўлиши ёки бирор нарсадан ўзларича ёмон деб узоқлашсалар яхшилик бўлиб чиқиши тайин.

Агар фойда тўғрисида гапирадиган бўлсак, мақсад фақат дунёда яхши яшашдангина иборат бўлса, бу нарса фақат деҳқончилик, чорвачилик ва савдогарчилик ёки ижара (пул, ер, ховли) бериш билангина эмас. Бунақа “фойда” фирибгарлик, бировларнинг молини талаш, ўғирлик ёки одамларга хиёнат қилиш билан ҳам олиниши мумкин. Баъзилар шахсий манфаатини кўзлаб ҳатто ўз қариндошларига ёрдам беришдан қочади ва ҳар хил баҳоналар топади.

Бундай ўз фойдасига юғурадиган кимсаларнинг у дунёда қийналишига гумоним йўқ. Бу ранжни ўзига олганлигига сабаб – оддий ибодат, яъни маърифат ва ҳақ билан ботилни ажратишдан қочганлигидандир. Ибодат яхшилик мояси, жаҳон фаровонлигидир, зеро ҳақиқий одамларгина сидқидилдан шундай ибодат қиладилар.

Ҳақ билан ботилни ажрата биладиган маърифатли кимсалар дунё тўғрисида кўпроқ ўйлайдилар, бу дунё азалдан бор эдими ёки кейинчалик пайдо бўлди, дея фикр қиладилар. Бу нарса тўғрисида жустужў қилмасалар ҳам, табиатнинг ҳар хиллиги, ундаги оддий нарсаларнинг-да ажойиб эканлиги тўғрисида ўйлайди, шу йўл билан жаҳоннинг тадбирини қилиб турган Зотни, унинг сифатларини танийди. Гумроҳ бандаларга Ул Зотни танитиш йўлида пайғамбарлар ўтишган. Ҳақиқий пайғамбарлар буюқдирлар, лекин ёлғондан

пайғамбарман деб даъво қилган бўлсалар, одамларни гумроҳ қиладилар. Инсон шу нарсалар тўғрисида албатта тафаккур қилади.

Бундай тафаккур ва изланишлар сабаби шуки, Худойи Таоло ўзининг ақли бандаларидан талаб қилган: “Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Оллоҳни эслайдилар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб дейдилар: Поко Парвардигоро, бу борлиқни беҳуда яратганинг йўқ!” Бу шарифи оят баён қилинган фикрларнинг ҳаммасини ўз ичига олади. Агар одамзод унга яхши амал қилса, ҳамма билим –маърифат билан дўст тутинади. Бу дўстлик тақлид ва бировлардан эшитган нарсасини гапириш ёки билим-маърифат ичига кириб кетиш билан бўлади. Демак билим соҳиби билан тақлид қилувчининг орасидаги тафовут жуда каттадурки: “Айтинг: “Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми? Дарҳақиқат, фақат ақл-заковат эгаларигина панд –насихат олулар”. Куръонда айтилган муқаллид билан бошқа фанлар соҳасидаги тақлид қилувчи орасида фарқ йўқ. Зеро ҳаммаси ҳам дунёга нодонлик кўзи билан қарайдилар...

Энди билимларга келсак: илова шунгаки, одамзод табиати ҳамиша билимларга мухтож, зеро жаҳонда қисқа умр кечирувчи инсон ўша билимларни ўзида мужасамлаштириб, ҳаётда мамнун ва хурсандчиликда яшайди. Душманлардан узоқ бўлишдан

ожиз инсон чорасизликдан улар билан ҳамшаҳар бўлиб яшайверади.

Инсонга ақл ниманидир билиш учун берилган, шунинг учун ҳам у махфий нарсаларни билгиси келади, келажакдаги воқеалардан бохабар бўлишни хоҳлайди ёки дуч келадиган бало-офатлардан узоқ бўлишни истайди. Шу билан бирга чуқур ўйга толадики, куёшнинг таъсиридан об-ҳавода ҳар хилликлар бўлиб, йил айланиши билан фасллар юзага келади, ойнинг таъсиридан эса, дарёлар ва денгизларда чорак ойда ва ҳар кеча-кундузда ўзгаришлар содир бўлиб туради. Куёш ва Ойдаги нарсани юлдузларга ҳам қиёс қилиб кўради. Натижада астрология ва астрономия илмига кириб боради. Бу илмни ўрганмасликка иложи қолмайди.

Шунингдек, одамзод гапиргувчидир. У ўз муҳолифлари билан дунё ва охираат ишларида мунозаралар қилади. Гапириш учун маълум сўз тарозиси борки, гапирганда ёлғон гапирадими, ёки рост сўзлайдими ўлчаб туради. Шунингдек, мунозара пайтида ҳам ботил, бўлмағур гап сўзлашга ёки ҳақиқатни ошкор қилишга кодир бўлади. Сўз тарозуси деганимдан мақсад шуки, у билан инсон сўзи ўлчанади ва одамни тўғрилиқка етаклайди. Одамзод бу тарозуни топиб “Мантиқ” деб ном қўйган.

Мантиқ илмига қизиқмайдиган ва билишга интилмаси ҳам уни ажабтовур номлар билан атайдиган кимсага таажжубдаман. Ўшандай

кимса ўзидан танбаллик ва суствликни узоклаштириб, грамматика ва аруз (шеър вазни) ҳамда мантиқни ўз сўзида ишлатса, тушунадик, сўзлар ўз тузилиши бўйича иккига, яъни наср ва назмга бўлинади. Нахв (грамматика) насрий сўзлар учун, аруз эса назмий сўзлар учундир, демак иккита ростгўй, тўғрисиўз тарозу мавжуд. Лекин бу икки хил сўз маънолардан иборатки, гапиргувчи ўша маънони ошкор қилади. Маънолар эса, бир-бирларидан таркиб топиб, бошқа бир маънони тасдиқлайди ёки инкор қилади.

Демак мантиқ шунинг учун керак, грамматика ҳам ниҳоятда зарур. Бу учаласи бамисли аравага ёнма-ён қўшилган учта отга ўхшайди. Агар улардан биттасига биронта зарар етса, шу зарар, албатта, бошқасига ҳам тегади. Аммо Аристотелга мансуб мантиқ, фикрлар, эътиқодлар ёки қарашлар Ислом динига мувофиқ келмаслиги мумкин. Бу икки жиҳатданки, унинг замонида Юнонликлар ва Румликлар юлдузпараст ва бутпараст эдилар. У нимани айтган бўлса, ўзининг фикр-мулоҳазалари билан айтган, бирон бир динга таяниб гапирмаган. Лекин бизнинг замонамизда жуда қаттиқ мутаассиб кимсалар борки, Аристотель илмини ўқийдиганларни куфрда ва бединликда айблашади. Бу илмдан ғабланиб, ундан кўз юмиш, уни нодурустга чиқариш ёки гумроҳлик билан мантиқни айтгувчиларни ҳақдан узок

дейиш Куръон оятига хилофдир: “Бас, менинг бандаларимга – сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана ўшалар Оллоҳ Ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир”. Тўғри, мантиқ юнонликлар луғатида ёзилган. Унинг маънолари ҳозирги тиллар орасида учрамайди, сўзларининг ҳақиқий маънолари жуда нозик, шунинг учун баъзи одамларга оғирлик қилиб, ундан юз ўгирадилар. Лекин кўрамизки, баъзида калом ва фикр илмида ва мунозаралар пайтида мантиқни улар одатий тушунчалари билан ишлатаверадилар. Мантиқни ёқтирмасликлари эса ҳеч ҳам эсларига келмайди. Лекин улар олдида “исогувчи”, “котигория”, “бори арминиес”, “Атлантика” сўзлари айтилиб қолса, юзларини буриштирадилар ёки жонлари танидан чиқиб кетгандай бўлади. Ҳақиқат улар тарафда, гуноҳ таржимонлардадир, чунки агар шу номларни ҳам арабчага ўгириб (кириш иборалари, таъбирлаш, далил қилиш) деганларида эди, ҳаммалари унга шитоб қилардилар ва ундан юз ўгирмасдилар.

Инсон ҳаётида муҳтож бўладиган билимлар аҳволи шундай аҳамиятлики, билимлари даражасига қараб инсон комилликка етади. Билимларнинг яна бир фойдаси ҳақида сўрасанг, у шундай бир гавҳарки, бу тўғрисида пайғамбаримиз: “Шундай бир сўзлар борки, одамни сеҳрлаб қўяди” деганлар. Шу жиҳатдан

ҳам ислом ва иймоннинг томири булган Куръон мўъжиза бўлган. Мана шу фасоҳат билан Калом ўз мақсадларига етишган. Шундай кимсалар ҳам борки, фасоҳатига бир нарса бўладигандек, очлигидан дармонсизланиб қоладигандек араб тилидан бошқа тилларга таржима қилишни ёқтирмайдилар. Билиш лозимки, бундай бўлган тақдирда унинг фасоҳат фазилатига ҳеч нарса бўлмайди. Луғатшунос бир адиб билан ўтиришган эдим. Гап “Масофалар ва мамлакатлар” деган китоб устида борарди. У адиб ўлчаш ва аниқлаш ҳақида гапирар ва бу нарсани илм-маориф сафидан чиқаришга интилар эди. У фойда олиш тўғрисида гапириб: “Мамлакатлар орасидаги масофа ўлчашдан нима фойда олиш мумкин?” деган эди. Мен бу гапдан жуда ажабландим, зеро инсоннинг фикрлари, истаклари ҳар хил бўлар экан... Мен у билан тортишмоқчи эмасман, лекин бир кимсага фойдаси тегмаган нарса, бошқаларга фойда бериши мумкин-ку!

Бу ҳолат бизнинг замонамиздаги ўз тилини яхши биладиган ҳар бир кимсанинг: ”Мен араб тилида қийналмай гапираман, менга эга-кесим, от-олмош ҳақидаги қоидаларнинг нима кераги бор?”- дегани билан баробардир. Бирон нарса айнан шу кимсага фойда келтирмаса ҳам бошқа ерда фойдаси жуда каттадир. Бундан нимага ажабланмайман? Чунки у Худои Таолонинг сўзини ўқийди: ”Айтинг: Ерни айланиб сай-

ру саёхат қилинлар, сўнгра Пайғамбарларни ёлғончи қилувчиларнинг оқибати қандок бўлганини кўринлар”, ёки ”Ахир улар ер юзида сайр қилиб ўзларидан аввалги кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўрмайдиларми?”, ёки ”Бас сен кечанинг қолган қисмида аҳли оилангни олиб чиқиб кетгин”. Худои Таолонинг кеча ва кундузда сайрга чиқиш фармонлари Жиходга бориш, Ҳаж қилиш учун чиқиш, хижрат қилиш ва бошқа машаққатли сафарларга боришларни ўз ичига олмайдами? Бошқа далил шуки, Худо Пайғамбарлар ва Авлиёларнинг қилган сафарлари тўғрисида хабар беради. Уларнинг ишларидан хушнуд бўлади. Масалан, Зулқарнайннинг куёш чиқиш ва ботиш тарафларига қилган сафарлари, Мусонинг икки дарё кўшилган жойга борганлари, Пайғамбаримизнинг тунда масжиди харомдан масжиди аксога боришлари ва Маккадан Мадинага кўчганликлари, у зотнинг жиҳод сафарига, бошқа сафарларга чиққанликлари тўғрисидаги хабарларни келтириш мумкин.

Бу зотлар ўз сафарларида кўзлар юмуқ ҳолда эдиларми ёки “заҳарни тажриба деб ичишганми”? Улар ўз мақсадларига етиш учун йўлларда қадам ташлаб юришган, манзиллардаги нишонлар билан ўз йўлларини топиб олишган. Борадиган жойларининг фаслларини, йўлда қаерларда сув борлигини эътиборга олишган. Уларга Худо

юлдузларни бериб кўйибдики шулар ёрдамида кечалари денгиз ва қуруқликларда ўз йўлларини топиб олсинлар. Бу нарсаларни уларга ўргатган, тўғри йўлни кўрсатиб берганлар донишмандлар эмасми?!


Сафар қилишдан қолган ва шаҳардан бегона, кўчакўйларни билмайдиган, бозорларга чиқмайдиган кимса билан шаҳардаги обрўли, шаҳарликлар билан ошно кимса орасида тафовут жуда каттадирки, у ўз йўлини, керак жойини топиб юради. Борадиган йўлини биладиган мусофир билан, уларни билмайдиган кимса орасидаги тафовут ҳам шунга ўхшайди.

Йўл топишнинг фойдасини билмайдиган кимсаларга қарата ҳаттоки нома ташувчи кабутарларнинг озгина билими сабабли ҳам жуда кўп фойдалар етишини айтгим келади. Ҳар бир инсоннинг, балки, ҳар бир кабутар, ҳар бир жониворнинг аҳамияти уларнинг яхши ишлари билан бўлади. Ҳатто йўлини йўқотган карвонни

бориб-келиб юрган туянинг донолиги қутқаради. Демак, баъзида туянинг билимидан тирик, гапиргувчи инсон нажот топади.

Холид ибн Валид Шом ва Ироқ оралиғида ўз аскарлари билан биёбонда адашиб қолди. Уларни кўзи заиф чала кўр одам ҳар хил нишонлар билан сув бор жойга етказди. Бу воқеани эшитган ҳар бир кимса мушоҳада қиладики, жонларидан умидларини узган одамларни кўзи ожиз бир кўр қандай қутқарди?

Яқин кунларда дарё йўлларини яхши биладиган Мофанно деган ғайри дин бўларди. Чинга кетаётган бир кемачига катта ҳақ олиш эвазига хизматга кирди. Улар Чиннинг дарвозаларига яқинлашиб келдилар. У ерда дарё тоғлар орасидан келиб, бир дарага қуйилар эди. Шамол уларни Чиннинг биринчи шаҳри Хонфунинг дарвозасига олиб келди. Уларнинг иши шу жойда эди, битказиб қайтадиган



бўлишди. Мофанно қайтишда кемани бошқа дарвозадан хайдаб, Хонфудан бошқа бир шаҳардаги бандаргоҳдан кетишни хоҳлади. Кема соҳиби, эса унга кемани орқага қайтариб, келган тарафдан кетишни буюрди. Мофанно унга ўша дара ҳақида гапириб, тушунтирди, лекин фойдаси бўлмади. Шу дарё билан яна орқага қайтишди. Қаттиқ довул туриб, кемани синдириб ташлади. Мофанно бир тахта порасига осилиб, уч кеча-кундуз саргардон бўлиб сузиб юрди. Уни Чинга кетаётган бир кемадагилар таниб, чиқариб олдилар. Бу кема ҳам йўлидан адашган эди. Ундан йўл кўрсатишни илтимос қилдилар, Мофанно ҳақ сўради. Кема соҳиби жонингни қутқарганим етмайдим, деб ғазабланди. Мофанно агар пул бермасалар йўл кўрсатмаслигини айтди ва менга пулсиз Чинга бориш ўлим билан баробар деди. Кема эгаси агар йўл кўрсатмасанг, сени яна денгизга улоқтираман, деб дўк урди. Мофанно нима қилсанг қил, деганидан кейин яна уни ўша тахта билан денгизга улоқтирдилар ва ўз йўлларига кетдилар. Лекин йўлда ҳалок бўлиб кетишди. Мофанно икки кун денгизда қолиб кетганидан кейин яна бир бошқа адашиб қолган кема уни чиқариб олди. Уларга ўз ҳолидан гапириб бериб, агар менга ҳақ берсангизлар сизга йўл кўрсатаман, бўлмаса мени денгизга қўйиб юборинглар деди. Мофаннога икки юз мисқол зар бердилар. У эса

кема қўйруғи томон ўтди ва денгизнинг чуқурлигини ва сув таги қояларини аниқлайдиган тошдан ишланган чангакни сувга ташлади ва денгиз тагидан озгина қум чиқариб олди. Қумни ҳидлаб кўриб, турган жойини аниқлади ва кемадагиларни соғ-саломат жойларига етказди.

Энди ўйлагинки, ҳаракатдан қолган инсон шу билимларга муҳтож бўлмайдами? Одамзот шундай ўзига пинҳон ва махфий нарсаларни билишга қизиқмайдами? Бундай ҳикояларни фақат гўдакларгина эшитсалар хурсанд бўлиб қўяверадилар, лекин бой-бадавлат кимсалар бундай ҳикоя ва қиссаларни фақат шодмон бўлиш учунгина эшитмайдилар.

Шунинг учун ҳам тарих китоблари ёзилган, ўтган замонлардаги кишилар ҳаёти, узоқдаги шаҳарлар хабарлари битилган. Кўрмаган шаҳарлар ҳақида, кўрмаган вақтлардан кейин, яъни бир қанча замонлардан кейин ёзилса, анча ишончсиздир. Ўз кўзлари билан кўриш ва билиш учун ҳам одамлар ранжлар чекиб сафарларга чиқади ва олдига келган машаққатларни енгиб ўтади. Шу билан бирга бутун ер юзини босиб ўтишни, ҳамма мамлакатларни кўришни хоҳлайди.

Озгина одамларгина ўзларининг чиройли орзулари амалга ошишига ҳаракат қилмайдилар. Бу нарса ё ақли камлигидан ёки баданидаги бошқа бир касаллиги сабаблидир ёки дангасалик қилиб ҳаракат қилишмайди.

Буларнинг ҳаммасидан кўзни юмиб, билимларни инкор қиладиган кимсаларни бир четга суриб, Ислом динининг устунни бўлган нарсани (намозни) барпо қилиш учун қибла тарафни топиш усулини ёд қиламиз.

Худои Таоло шундай дейди: “Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни масжиди ҳаром томонга бурунг! Ва қаерда бўлсангизлар, эй мўминлар юзларингизни ўша томонга бурунг”.

Ақлан шу нарса маълумки, Каъбадан узоқлашган сайин ҳар жойда қибла тараф ўзгараверади. Бу нарса Макканинг ўзида ҳам билинадикки, бошқа жойларда сўзсиз шундай бўлади. Агар Каъба орасидаги масофа озроқ бўлса, ҳар бир одам тезда қибла тарафни топиб олиши мумкин, аммо хонаи Каъбадан узоқлашганимизда илми ҳаиъат соҳибларисиз қибла тарафни топа олмаймиз.

Ҳар кимсанинг ўз иш услуби бўлганидан илми ҳаиъат доғишмандлари шаҳарларнинг узунликларини, уларнинг узоқдан кўринишини шарқ ва ғарб тарафдан ҳамда шаҳарларнинг кенгликларини шимол ва жануб тарафдан ҳисоблаб топганлар. Бу нарсани улар ҳаиъат фанида мавжуд бўлган ҳукмлар асосида ифодалаганлар, мен буни **ҳар бир нарса марказ томон ҳаракатланиши, Ернинг тортишиш кучи қондаси билан ифодалаган бўлардим**. Баъзи кимсалар борки, бир ишни ўз билимдонларига топширмайди. Бун-



га сабаб шуки, ўзлари бошқа бир илми яхши билади-ю, худбинлик касалига йўлиққан. Илми ҳаиъат қоидаларисиз ҳам қибла тарафни топса бўлади деб гумон қиладилар. Қиблани шамолнинг эсиш ҳаракатини билиш ва ойнанинг қаердан чиқаётганига эътибор бериш ёки шунга ўхшаш бошқа далиллар билан топса бўлади дейдилар, лекин бундай қилишдан ҳеч қандай фойда бўлмайди.

Юлдузшунослар учун ҳам қиблани топиш анча қийин кечади. Энг ажабланарлиси, шундайлари ҳам борки, заволини, яъни Куёш тиккадан сал оғандан кейинги вақтни топилса бас дейишади. Куёш кундузнинг қоқ ярмида ҳамма жойда бир вақтда бир хил кўринишда бўлади дейдилар ва яна куёш тиккага келган вақтда Макка аҳолиси устидан ўтади деб ўйлашади. Мана шу икки ҳолатни ҳужжат қилишиб бундай хулосага келишади: “Ҳар ким куёш тиккага келган вақтда куёшга рўбарў бўлиб турса қиблага қараб турган бўлади”.

Бундай ўйловчи икки нарса билан қиёс қиляптики улардан биринчиси умуман ҳатодир, иккинчиси эса, куёш йилда икки кунгина Макка тепасидан ўтади. У эса йилнинг ҳамма кунларида шундай деб гумон қиляпти. Бу илми ҳаиъатдан асло хабари бўлмаган кимса билан аслида мунозара қилмаслик керак. Лекин биз унинг ўз фикрини ўзига ҳужжат қиламизки, нима учун бу шаҳарда қибла меридиан чизиги юзасида

эмас? Нима учун бошқа жойларда оғиш миқдори шарқ ва ғарбда бир хилу бу шаҳарда ундай эмас? Меридиан чизик уларнинг ҳаммасида бир хил бўлсаям нима учун намоз ўқимайдилар? Унинг назарида бу чизик уларнинг ҳаммасида бирдир, лекин илми ҳаиъат соҳиблари назарида бу фаразан шундайдир.

Булар орасида тўғри йўлда турган кимса шуки: Қиблани номи маълум кутб йўлидан топади, бу доим бир жойда, нуқтада турадики, самтул масирни қўлга киритади. Самтул масир шундай томонки, киши унга жуда узоқ масофада бўлмаган масофада туриб қараса Каъбага ёки у тарафга рўбарў бўлиб турган бўлади. Худо Таолонинг сўзи шунга ишора: “Юзларингизни у тарафга буринг”, зеро ҳақиқий нуқтага юз буриш ҳаёлдан бошқа нарса эмас, лекин топишда тахмин ҳамроҳ бўладики, Худонинг Ўзи “у тарафга” деб одамларни қиблани топишга ҳаракат қилишларини талаб этган.

Энди бошқа шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш, уларнинг бир-бирларига нисбатан қандайлигини билиш ҳамда қиблани тўғри топиш ҳақида ёзиш лозим, чунки Ислом ер юзини эгаллаган, мағрибу машриқни мусулмонлар тутиб кетган. Ер юзидаги мусулмонлар намозни адо қиладилар ва бошқаларни ҳам қиблага юзлантирадилар. Мен одамларга қиблани топишни ўргатсам ёки уларни тўғри йўлга солсам, у дунёда


ажрсииз, бу дунёда мақтовсиз қолмасам керак. Бу ерда Батлимуснинг “Жуғрофия” китобида айтиб ўтган йўлни ва Жайҳоний, ҳамда у зотдан бошқа олимларнинг “Масолик” китобларидаги фикрларни бир жойда келтираман, токи ҳар ерда юрган фикрлар бир жойда бўлсин, **қийин фикрлар осонлашиб, бу фан ҳам камолотга етишсин.**

Энг аввал жой ва шаҳарларнинг номлари билан масофаларини айтиб ўтдим, бу ишни ўша шаҳарларга бориб келганлардан сўраб, уларнинг сўзларини бир-бирига қиёслаб охирига етказдим. Қўлга киритилиш лозим бўлган нарсаларга баъзида пул сарф қилдим.

**Глобуснинг ярмини ўртада бир чизик чизиб, уни зиро – диаметри 5-6 метр қилдим, токи бу шаҳарларнинг узунлиги ва кенглигини чиқарсам.**

Чунки масофа узоқлигида, фурсат бўлмаган пайтда бунинг натижасини ҳисоблаб ўтиришга вақт йўқ. Шунинг учун билган ва қўлга киритган нарсаларимни қувваи ҳофизамда сақламасдан ёзиб қўйдим, зеро қўлдан кетиб қолиши ёки бир воқеа сабаб бўлиб, эсдан чиқиши мумкин. Чунки бир куни бир бадбахт билан мунозара қилиб қолиб билган нарсам ёдимдан кўтарилган эди, “тўё куни-кеча обод бўлмагандек”. Агар Худо хоҳласа, бу рисола тугаллаш мен учун қийин иш эмас.

*(Давоми бор)*



# ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЭПОСИ «ҚУБЛАҢ»

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

### БИРИНЧИ БЎЛИМ

Қадим ўтган замонда,  
Нурнинг Қоратовида,  
Кўзи гузар, қўй гузар,  
Илон юрган тоғида,  
Қора кўл билан Сассиқ кўл  
Лайлак кўл билан Нақироқ кўл,  
Седмарой сайқалида,  
Шоҳон ўғли Ақчахон,  
Ақчахоннинг юртида,  
Мусулмон вилоятида,  
Қорақипчоқ халқида,  
Сардори деган уруғида,  
Соқоли кўксига тушган,  
Давлати ошиб-тошган,  
Хидирбойдай бойларнинг,  
Тўрт тулук моли бор эди,  
Олти Ўрдаси бор эди,  
Инжу гавҳардан тўқ эди,  
Ўғил-қизи йўқ эди.  
Ақчахон отлиғ подшонинг,  
Бир вазири бор эди,  
Қоракўлнинг бўйига,  
Ов қилай деб келади,  
Хидирбойдек бойларнинг,  
Ўйилиб ётган чорвасин,  
Кўз ташлаб аниқ кўради.

*Алқисса, Қартхожа вазир сон-саноқсиз молларнинг устидан чиқиб, Қоракўлнинг қиргоғида туриб, чирқираб кишинаб ўтлаб юрган йилқиларни кўради. Ўрдак овлаб, қуён қувиб юриб, “Оқ тиконли-Оқ чунгул” деган манзилга келади, ўйилиб ётган ҳисобсиз қўйлар, яна сон-саноқсиз туяларга назари тушиб, мол боққан чўпонларни ёнига чорлаб, бу чорваларнинг эгасини сўраб, Қартхожа бий сўз бошлади:*

Мазкур эпос жиров Есемурат Нурабуллаев репертуаридан Наврўз Жапақов томонидан ёзиб олинган ва 981 йилда «Қорақалпоғистон» нашриётида «Қорақалпоқ фольклори» кўпжилдлигининг 8-жилдида чоп этилган. Ўзбек тилида илк бора (Ал Даруний таржимаси) эълон қилинмоқда.

-Бедов ёлин саваш куни тарайман,  
Ов овлаб, куш солиб, куён қарайман,  
Бокқанингиз кимнинг моли бўлади?  
Мол эгаси ким эканин сўрайман.

Қўйлар боқиб, ўсмай қолган бўйингиз,  
Ақчахоннинг билсанг, бизлар бийимиз,  
Чўпон иним, энди сендан сўрайман,  
Қайси бойнинг қўйи бокқан қўйингиз?

Қоракўлни тутиб ётар бияси,  
Ким бўлади бу молларнинг ияси,  
Бу молларнинг эгасидан бер дарак,  
Бу туялар қайси бойнинг туяси?

Бизлар келдик Қоракўлни ёқалаб,  
Тўқайларни кезиб, сайдларни овлаб,  
Мол эгасин энди сендан сўрайман,  
Кўп йилки юрибди сағри ярқираб.

*Шунда Чўпон жавоб сўйлади:*

-Айланайин оғажон,  
Сўзимни тингла бир замон,  
Хабарин сенга айттайин,  
Айтмай хабар қайтайин,  
Бу молларнинг эгасин,  
Сизларга баён этайин,  
Мол эгасин сўрасанг,  
Кичик бир элнинг қариси,  
Бефарзанд шўрлик Хидирбой,  
Қўрғонча деган ерларда,  
Шу қарининг уйи бор,  
Мол ҳисобин сўрасанг,  
Тўрт минг тўқсон қўйи бор,  
Қорамол билан йилқиси,  
Туялари яна бор,  
У ёғини сўрасанг,  
Моли билан туяси,  
Йилқиси билан бариси,  
Қўй сони билан баробар.  
Қатор олти уйи бор,  
Инжу билан гавҳар бор,  
Сўрасанг мол-мулк барисин,  
Мен билмайман ҳисобин,  
Қўй боқиб юрган шўрликман,  
Қариядан ўзинг сўраб ол...

*Бу гапларни эшитгандан кейин Қартхожа бий амалдор ва халфаларини эргаштириб олиб, Хидирбойнинг уйига қарай жўнайберди.*

Чўпондан йўлни сўради,  
Ҳамроҳларин эргаштириб,  
Халфасин олиб ёнига,  
Хидирбойнинг уйига,  
Қартхожа кетиб боради.  
Анча манзил йўл босиб,  
Қўрғончадай қалъага,  
У яқинлаб боради.  
Жадал билан от ҳайдаб,  
Хидирбой ётган оқ уйга,  
Сиёсат билан энади.  
Эшикдан туриб ул бийинг,  
“Хабарлаш!” дея сўйлади.

*Қартхожа қаҳри тошиб, газаби чандон ошиб, оқ уй ичига қараб бир сўз айтди:*

-Отлар юргани қия тош,  
Подшога бўлмабсан сен сирдош,  
Келиб турибди Қартхожа,  
Таиқари чиқ-да, хабарлаш!  
Тезроқ чиққил уйингдан,  
Билсанг, мен сенинг иянгман,  
Чиқ майдонга хабарлаш,  
Қартхожа улуғ бийинг-ман,  
Мол сонин хабар қилмадинг,  
Подшони кўзга илмадинг,  
Ҳисобин нега бермадинг?  
Эшикка келиб турибман,  
Чиқ, хабарлаш бизларга,  
Ҳисобсиз йиғган молингдан,  
Ақчахондай хонингга,  
Ярмини раво кўрмадинг?  
Қани тез чиққин-чи, далага,  
Ҳайдаб кетайин сизларни,  
Седмаройдай қалъага!  
Хон олдида борасан,  
Ўзига ҳисоб берасан,  
Хидирбой бу сўзга не дейсан?  
Бормасдан нечук қоласан?

*Қартхожа сўзини тамомламаёқ, Хидирбой югурганича таиқарига чиқади, бийга эгилиб салом бериб, унга қарата шундай дейди:*

-Ўтирган элимнинг бари тўк эди,  
Айтганинг рост, молим жуда кўп эди,  
Худо берган молу дунём мўл, аммо,  
Ота дерга бир фарзандим йўк эди.

Хонимиздан бизга ҳеч ким келмади,  
Ҳеч қачон ҳол-аҳволимни билмади,  
Қанча менинг молу мулким бўлса-да,  
Худо таоло бир фарзандни бермади.

Белимдан кетгандир ҳозир мадорим,  
Тиззамдан кетгандир шаштим, диморим,  
Кампирим чиққандир эллик беш ёшга,  
Йўк менда меросхўр – изда қоларим.

Ўзинг бориб мол-дунёмни кўравер,  
Девонинг опкелиб, хатга солавер,  
Хазинага ол ё олма, ўзинг бил,  
Энди барча ишни ўзинг қилабер.

Бефарзандлик букиб қўйди белларим,  
Бошчиси йўк, қанғириб тур элларим,  
Мол-ҳол тугул, эшит мени Қартхожа,  
Беэга қолмоқчи олти уйларим.

Буни эшитган хон хатга солмасми,  
Ўлсам молу мулким ортда қолмасми,  
Етмишга чиққанча менда фарзанд йўк,  
Бефарзанднинг кўнгли вайрон бўлмасми?

Айтиб бўлдим мен сўзимни, ўзинг бил,  
Зор йиғлайман, мен суймадим қизил гул,  
Сабаб билан кепсан қари отанга,  
Меҳмон бўл бизларга, иним, бери кел.

*Қартхожа бий бир оқшом Хидирбойни-  
кида меҳмон бўлади. Унинг ҳурматига қўй  
сўйилиб, қўл қовуштирилиб, хизмат қили-  
нади. Қартхожа эрта туриб, бадар кета-  
ди. Ақчахоннинг даргоҳига етади. Кўрган-  
билганларини хонга бир-бир баён этади:*

-Бизлар миндик бедов отнинг белига,  
Қирқ халфани эргаштириб изимга,  
Кўрганларим бир-бир баён айлайин,  
Қуш солиб бордик биз Қорақўлига.

Ҳозу ўрдақларга қушни юбордик,  
Изидан қарадик, томоша қилдик,  
Ҳисобсиз-саноксиз йилқини кўрдик,  
«Алҳазар!» деб ҳайрона ҳам лол турдик.

Бунча кўп деб келдик фикр ўйларга,  
Қуён, қирғовулни бордик овлашга,  
Кўрганларим бир-бир баён айласам,  
Биз дуч келдик сон-саноксиз қўйларга.

Чўпонлар кўп унда қўйларни бокқан,  
Бири юриб, бири дам олиб ётган,  
Моллари кўринар ҳар бир тарафдан,  
Санай десанг ой чиқиб, қуёш ботган.

Ўтирган ерлари ўтлоқ, сой экан,  
Мол-дунёдан унинг кўнгли жой экан,  
Оти Хидирбойдир, Сиздан бой экан,  
Бу дунёда не армони бор экан?

Мол-дунёдан анинг кўнгли тўк экан,  
Олтин, қумуш у одамда кўп экан,  
Шунча дунё, моли-мулки бўлса-да,  
Ота деяр бир фарзанди йўк экан.

Навқар олиб у одамга бормасанг,  
Мол-дунёсин ҳисобини олмасанг,  
Ёйилиб ётган эгаси йўк молларин,  
Армон бўлар хазинанга солмасанг.

Хон ўрнида сизни хон деб билмаган,  
Давлати чалқиган, кам-кам ўрлаган,  
Ўзидан ўзгага ҳисоб бермас у,  
Сизни оддий қул ўрнида кўрмас у...

Уни кўриб нечалар ақлдан шошган,  
Бир моли минг молга бориб улашган,  
Салтанатда сира Сиздан кам эмас,  
Мартаба-да Сиз Хон билан талашган.

*Бу гаплардан сўнг Ақчахон ўтириб, олтмиш  
икки амалдор, ўттиз икки муҳрдор, тўқсон  
тўққиз тўра бий ҳамда ога бийларини жам  
қилиб, маслаҳат сўраб бир сўз айтди:*

Девонларин чорлади,  
Жаллодларин чақирди,  
-Икки девон, амалдор,  
қайдасан?!- деб бақирди.

Амр этди уларга:  
-Тез бедовга мин,-деди,  
“Қўрғонча”га бор деди,  
Бошига савдо сол деди,  
Хидирбойдай қарининг,  
Моли билан дунёсин,  
Зари билан гавҳарин,  
Қолдирмай йиғиб ол!-деди.  
-Яшириб қўйган бўлмасин,  
Хатланмай нарса қолмасин,  
Барчасин хатга сол!-деди.  
Улсизларга улим бор,  
Қизсизларга кизим бор,  
Улсиз, қизсиз банданинг,  
Йиққан-терган дунёси,  
Подшоликка муяссар,  
Эй, Девон сен хатга сол!-деди,  
-Тезроқ борақол!- деди,  
Бор мол-мулкин ол!- деди,  
-Қолмасин хатто кампири,  
Уни-да олиб кел!-деди,  
Ҳисоб-китоблар қоғозин,  
Бизга опкелиб бер!-деди,  
Кўнглимдаги фикрлар ,  
Сизларга айтсам шул- деди.

*Бу сўзлардан кейин Қартхожа бошлаган девонлар мол-мулкларни хатга солиш учун жаллодларни ортидан эргаштириб, Хидирбойнинг манзили қайдасан,деб жўнай берди. Улар анча кунлар йўл босиб, ниҳоят Қўрғонча қўрғончага етиб келишди. Қартхожа Хидирбойнинг эшиги олдига бориб,отдан ерга тушиди, оқ уйга кириб, бир оқшом меҳмон бўлди, тонг билан туриб, мулла хатга солиш учун, девон ҳисоб олиш учун маҳаллий муллалардан бир нечасини гувоҳликка опкелиб, довод-қаламларни шай қилиб, жаллодлар ташқарида туриб, келганларни киритмай, кирганларни чиқармай, Хидирбой билан кампирни ўртага олди.*

Мулла хатга солади,  
Девон ҳисоб олади,  
Хидирбойдек шўрликни,  
Ташқарига ҳеч чиқармай,  
Бир кун хатга солади,  
Икки кун хатлаб туради,

Хидирбойнинг дунёси,  
Шунда-да адо бўлмайди.  
Уч кун хатга солганда,  
Дунё-молин қўймади,  
-Шу чокқа йиққан дунёмнинг,  
Бариси шу,- деб чол йиғлади.  
Қолмасин бирон ерда деб,  
Ҳукм қилиб туради.  
Ғариб, хаста, етимга,  
Берган молин ҳам йиғади,  
-Бошқа ҳеч вақо қолмади!  
деса-да, чолни қўймади,  
-Яширганинг чиқар?!-деб,  
Бечорани қийнади.  
Қийнаган билан қарини,  
Топилар дунё бўлмади,  
Беш кунга довур золимлар,  
Ҳол-жонига қўймади.  
Чолни солиб олдига,  
Яйловга қарай ҳайдади,  
Қорақўлга яқинлаб,  
Йилқини қўймай бир санаб,  
Униям хатга солади.  
Қовуш-қўлтиқ қолдирмай,  
Қолган молларни излади,  
Яшириб қолдирилган йилқини,  
Топмокни улар кўзлади.  
Йилқини хатлаб бўлган сўнг,  
Оқ тиконли-Оқ Чунгул,  
Ерига келди яқинлаб,  
Қўйларни олиб ҳисобга,  
Буни-да хатга солади.  
Ишонмай чолнинг сўзига,  
Чўпонлардан сўради.  
Яёв ҳайдаб қарини,  
Сассиқ бурун энағар,  
Молларга яқин боради,  
Буниям хатлаб олади.  
Буларни хатлаб олган сўнг,  
Туяни хатга солади.  
Ҳақоратлаб, азоблаб,  
“Яширмай айт,занғар!” – деб,  
Чолни аямай савади.  
Шунда қари туради,  
Бермадинг менга фарзанд, деб,  
Нолиш этиб йиғлади.  
-Эй,сиз қипчоқ элати,  
Мол-дунёси курисин,

Буларнинг эгаси бўлмаса,  
 Деб ох уриб йиғлади.  
 Бир хийлага боради,  
 Бўзкампирайдай ночорни,  
 Ўртага олиб золимлар,  
 Хонга олиб боради,  
 Олиб бориб хонига,  
 Ёзиб келган қоғозин,  
 Хон олдига кўяди.  
 Девонларин жам қилиб,  
 Ҳисобга барин олади,  
 -Барчаси эмас мулкингнинг,  
 Яширганингни айт сен!?-деб,  
 Бошига завол солади,  
 Ола қопни келтириб,  
 Тўрт мушук солиб ичига,  
 Падарлаънат золимлар,  
 Кампирни тикиб шу қопга,  
 Боғлаб халтанинг оғзини,  
 Жаллодларин келтириб,  
 Бўзкампирайдай муштипарни,  
 -Яширган молинг айт сен!-деб,  
 Мушукка кўшиб савади.  
 Бор молин айтиб берган сўнг,  
 Не жавоб қилсин бу кампир,  
 -Нега ўлмадим аввалда,  
 Ажалим етди-ов қўлингда,  
 Нени айтайин, чироғим,  
 Яширган дунём бўлмаса,  
 Розиман энди қазомга,-  
 деб Бўзкампир йиғлади.  
 Урганин жаллод қўймади,  
 Таёққа мушук чидамай,  
 Кампирни юлиб тирнади,  
 Чидайолмай бу азобга,  
 Кампир беҳуш қолади.

*Кампир беҳуш қолгандан сўнг, жаллодлар уни қопдан чиқаришди, муштипар ўз уйига қайтди, хўрлик ва ҳақоратларга чидамай, худодан бир фарзанд тилаб, авлиё қўймай ахтариб, чўлу биёбонларга чиқиб кетди.*

Бу дунёнинг дардидан,  
 Чол-кампир қолди балога,  
 Мол ва мулкидан айрилиб,  
 Тўрт тулук молни бир ҳайдаб,  
 Туядан олиб бир тўққиз,

Йилқидан олиб бир тўққиз,  
 Қўйдан олиб жуфт тўққиз,  
 Хидирбой йўл олди далага,  
 Бу хўрликка чидамай,  
 Ёстикдоши шўрлик Бўзкампир,  
 Устибоши қизил қон,  
 Нолиш айлади Оллога:  
 “Авлиёларга бориб биз,  
 Аллоҳдан тилак тилайлик,  
 Зиёратгоҳда тунайлик,  
 Мол-дунёси қурисин,  
 Биз-да бир фарзанд кўрайлик,  
 Шунда-да фарзанд кўрмасак,  
 Қия чўлларда ўлайлик”.

*Дея чол-кампир қолган-қутган молларин ҳайдаб, бепоён саҳроларга чиқиб кетди. Номии элга маълум бир авлиё зиёратгоҳига борди, жонлиқ қолдирмай сўйди, аммо авлиё буларга тўймади, тилаги қабул бўлмади, шунча молни қурбонликка топшириб бўлгач, ягона бир тўққиси қолади. Ёлғиз тўққисини етаклаб, эл қолдирмай изартлаб, “Қувсириқ”га келади. “Қувсириқ”нинг қошида қўй боқиб юрган қарига Хидирбой бориб салом беради, қария саломига алик олиб, Хидирбойга қарата шундай сўз айтади:*

-Бир тўқли бўлибди сенинг йўлдошинг,  
 Етмишдан саксонга келгандир ёшинг,  
 Юзингни чанг босиб, йиғлаб келибсан,  
 Не тилагинг бордур менинг курдошим?

Қаландарсан, эл оралаб юргансан,  
 Бу дунёдан кўп хўрликлар кўргансан,  
 Не тилагинг бордур азиз курдошим,  
 Тўғриси айт, жўра, қайдан келгансан?

Кампирингни эргаштирибсан қошинга,  
 Раҳм этдим кўздан оққан ёшинга,  
 Бу чўлларга йиғлаб келиб турибсиз,  
 Не савдолар тушган сенинг бошинга?

*Бу гапларни эшитганидан сўнг, Хидирбой қўй боққан бобога қараб шуларни айтди:*

-Етмишга киргунча қадрин билмадим,  
 Моллар бокиб қия чўлда юргандим,

Ёшим курсин, сўрайкўрма, курдошим,  
Бу дунёда хўрлик бўлди кўрганим.

От суринар баланд тоғлар тошига,  
Қартайганда қон-ёш тўлди кўзимга,  
Тортган жабрим бошдан-оёқ айтайин,  
Қулоқ солгин, курдош айтган сўзимга.

Ёлғончида мендай одам бўлмади,  
Ёшим курсин, тез паймонам тўлмади,  
Эски дардим сен сўрадинг, тенгдошим,  
Ота дерга бир фарзандим бўлмади.

Кўзларда селобдур оққан ёшимиз,  
Қартайганда қанғириб юр бошимиз,  
Ўлсак кўмар авлод қолмади биздан,  
Қарға-қузғунларга қолар лошимиз.

Тўрт тулук молимни чўлда ҳайдадим,  
Чивиндек жонимни кўп бор қийнадим,  
Авлиё изладим, дунё айланиб,  
Ҳеч бир ердан бир шафоат кўрмадим.

*Хидирбой бу сўзларни айтиб бўлганидан сўнг, қўй боққан чўпон бобо унга қарата “Камкамдан камол, манманга завол, ёмонлик қилса ҳар ким худодан топар” деган ҳикматни эшитганмисан?” деди. Кейин Хидирбойга қарата тўрт оғиз байт айтди:*

-Сўзимга қулоқ тут, деди,  
Бу кетгандан кет, деди,  
Анов турган “Қувсирик”,  
“Қувсирик”ка ет, деди,  
Қибласига сен чиқиб,  
Қиблага қараб тик туриб,  
Қалбинг ихлосга тўлдириб,  
Таваккал қилиб кўр, деди,  
Раҳм айласа, Бирубор,  
Қибла тарафда қопқа бор,  
Агар очилса шул эшик,  
Тилагинг қабул бир бўлар,  
Шул эшикка кир, деди,  
Тўқлингни сўяқол - чол, деди,  
Ҳамда қозонга сол, деди,  
Турибди анда мис қозон,  
Шул қозонга сол, деди,  
Оллоҳга нолиш қил, деди,

Тилагинг қабул бўлишин,  
Ўзинг бир синаб ол, деди,  
Қабул бўлса тилагинг,  
Бирон бир ҳолни биларсан,  
Очилмаса гар эшик,  
Ризо бўл заҳматингга,  
Яна бир қайтиб келарсан...  
Меҳнатингнинг куйганин,  
Ана шунда биларсан,  
Ҳақ таолонинг амрига,  
Бандасисан, кўнарсан,  
Айтиб бўлдим сўзимни,  
Бу ёгин ўзинг биларсан...

*Бобо бу сўзларни айтиб бўлгач, ўз йўлига қараб кетаберди.*

Кампири билан Хидирбой,  
Бобо айтган ерга етди,  
Қўлига олиб ҳассасин,  
Қиблага қараб тик туриб,  
Ихлосга кўнглин тўлдирди.  
Ғариб кўнгли эзилиб,  
Турганида зор йиғлаб,  
Номозшом бўлган вақтда,  
Қараб турса Хидирбой,  
Қопқа кетди очилиб,  
Қарининг кўнгли хуш бўлди,  
Яратган эгам эш бўлди,  
-Бошимдан ушбу садақа,  
Деб тўқлини сўяди,  
Тўқлини сўйиб бўлган сўнг,  
Уни мучалаб кўяди.  
Сув қуйиб мис қозонга,  
Тўлдириб этни солади,  
Бир муддат дамин олади.  
Ғамлар юзин сўлдирди,  
Сўйилган тўқли гўштлари,  
Мис қозонни тўлдирди.  
Намозшом бўлган чоғида,  
Ғайбдан келиб неча одам,  
Салом берди ва кириб,  
Тўрга бориб ўтирди.  
Сахар бўлган вақтида,  
-Куймагай сенинг эмгагинг,  
Қабул бўлар тилагинг,  
Аллоҳу акбар, бобо! – деб,  
Фотиха берди аранлар.

*Келганлар кетгандан кейин қария бошини ерга қўйиб, кўксини очиб, бағрини ерга бериб, бўйнига нўта солиб: "Эй, Худойи таоло, кўнга баробар бўлгудек бир фарзанд берсанг, бермансанг, менинг жонимни олсанг" дея қазога ризо бўлиб, йиғлаб ётаберди. Тонг энди сазо берганда, Хидирбой уйқуга кетди, бояги қўй боққан чўпон бобо тушига кириб, шундай деди:*

-Бошингни кўтар Хидирбой,  
Қабул бўлди тилагинг,  
Кеклидан кекинг олгудай,  
Орлидан оринг олгудай,  
Душмандан молинг олгудай,  
Бир фарзандли бўлурсан.  
Ақчахондек ул золим,  
Кўрсатган сизга зўрликни,  
Берган ҳақорат-хўрликни,  
Фарзандинг ҳали караб тур,  
Қорақипчоқ халқига,  
Олиб бергувси тенгликни.  
Эшит қурдошим сўзимни,  
Энди оч сен кўзингни,  
Бир ўғилнинг кетидан,  
Совға илиндим сизларга,  
Кўрарсан яна қизингни.  
Ботир бўлар фарзандинг,  
Кўблан деб ата ўзини.  
Айтиб бўлиб сўзини,  
Тушига кирган бу бобо,  
Ғойиб бўлди кўзидан,  
Ухлаб ётган Хидирбой,  
Турди-да ҳовликиб ўрнидан,  
-Ҳалиги одам қайда?! деб,  
Югуриб чикди изидан.

*Шундан сўнг Хидирбой кампирининг қўлидан ушлаб, иккаласи етаклашиб, ўзининг "Қўрғонча" қалъасига қайтди. Қўрғончага бориб, унда-бунда қолиб кетган қисир бияларни ва молларни сўйдириб, қари-қартанглар, улуғлар ва кичиклар, гайратли йигит, энкайган кампир, эмаклар юрган гўдак қолмай келсин, деб элга хабар юборди. Барчасини уч кун меҳмон қилиб, фотиҳасини олди, ана энди, йигирма беш, ўттиз ёшлардаги пайтидек қаддига келиб, кампири билан қайтадан завқу сафо суриб юриб, орадан бир неча кунлар ўтди.*

*Кунлардан бир кун кампирда хаёл пайдо бўлди, пешин пайти керилиб, янги тушган келиндай сўзлашга эринди, фарзанд эди қариларнинг тилаги, кампир бошқоронги бўлганини ўз чолига сездирди. "Бир йўлбарсининг юрагини опкелинг!?" - деб ёстиқдошига буюрди. Хидирбой тўрвани қўлига олиб, ўқ ёйини эғнига солиб, қари бўлса-да, таваккал қилиб, мушкулумни осон қилгайсан, деб худодан тилаб, қўл ичидаги бир сувлоқ бўйига бориб, йўлбарс келар йўлни олиб, яратганга нолиш этиб, пойлаб ётаберди. Бир пайт Хидирбойнинг қулогига ўқирган бир овоз чалинди.*

Хидирбой аста кўзғалиб,  
Ўқ-ёйини қўлга олиб,  
Қурамсоққа қўл солиб,  
Кўз узмай пойлаб турганди,  
Садоқни ўққа тўлдириб,  
Ўтирган эди, қаршисидан,  
Келаберди сарик-ола,  
Бир йўлбарс ўқириб.  
Кўрққанидан Хидирбой,  
Тушимга кирган бобом, деб,  
Мадад тилади, сиғиниб,  
Бўлдим-ку энди тамом, деб.  
Ўқириб келган йўлбарс,  
Олдида турди кўндаланг,  
Сар ўқ ёйини бир тутди,  
Таваккал дея ўқ отди,  
Отарида отди-ю,  
Хидирбой қари хўп кўрқди,  
Отган ўқи "ширп" этди,  
Йўлбарсни тешиб ўқ ўтди,  
Йиқилмади йўлбарс,  
Қалтираб-қақшаб Хидир чол,  
Йўлбарсга қараб сўз қотди:  
- Мен бир қари бобоман,  
Ойга чоп, шерим, ойга чоп!  
Бағири тўлган яраман,  
Ойга чоп шерим, ойга чоп!  
Бир тирноққа зор эдим,  
Ойга чоп шерим, ойга чоп!  
Зор йиғласам Оллогаолога,  
Тилагим қабул бўларми,  
Ойга чоп шерим, ойга чоп!

(Давоми бор)





*Анвар АБДУЛЛАЕВ,  
Докторант,  
Ажиниёз номидаги  
Нукус давлат  
педагогика  
институту.*

## **АМУДАРЁ БЎЛИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (XIX асрнинг сўнги чораги XX аср бошлари)**

### **МАНБАШУНОСЛИК**

*Калит сўзлар:* Амударё бўлими, XIX аср, XX аср, мировой суд, бий суди, қози суди, низом, судьялар съезди.

Россия империяси Ўрта Осиёдаги хонликларни бирин-кетин бўйсундириб, ўлкада Туркистон генерал губернаторлигини ташкил этди. 1873-йил Россия империяси армиясининг Хивага юриши натижасида 12-августда Гандимиён боғида Россия империяси ва Хива хонлиги ўртасида тузилган шартномага кўра, Хива хонлигига тегишли бўлган Амударёнинг ўнг қирғоғи Амударё округи номи билан Туркистон Генерал губернаторлиги таркибига киритилди.

Амударё бўлимига эътибор шу даражада катта бўлганки, уни бошқариш учун умумтуркистон ўлкасини бошқариш Низомидан ташқари Туркистон генерал губернатори Фон Кауфман раҳбарлигида «Амударё округини бошқаришнинг муваққат низоми» [1] тайёрланиб, 1874-йил 9-мартда Россия императори Алек-

сандр II томонидан тасдиқланган [2].

Россия империяси даврида Амударё бўлимини бошқариш ва суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини шартли равишда икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Амударё округи ташкил этилганидан бошлаб, «Туркистон ўлкасини бошқариш Низоми» қабул этилгунгача, яъни 1873 йилдан 1886 йилгача бўлган давр; 2. Ўлкани бошқариш ҳақида қонун-қоидалар қабул қилингандан, то ушбу тузум ағдарилгунгача, яъни 1887 йилдан 1917 йилларгача бўлган давр [3].

1873-йил Амударё округи ташкил этилгани билан, Амударё бўлими 1886-йилгача (яъни Туркистон ўлкасини бошқариш низоми расман қабул қилингунга қадар) «Амударё округини бошқариш ҳақида муваққат Низом», «Туркистон генерал губернаторлигининг Етти-

сув (Семиречье) ва Сирдарё вилоятини бошқаришнинг муваққат Низоми»га асосланиб бошқарилган.

Амударё бўлими 1886-йилгача тўғридан-тўғри Туркистон генерал губернаторлиги томонидан бошқарилган. 1886-йилги Низомга кўра Туркистон ўлкаси учта – Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига бўлиниб бошқарилган. Амударё бўлими эса Сирдарё таркибига киритилган [4]. «Туркистон ўлкасини бошқариш низоми»нинг 1901-йилги нашрининг 51-моддасига биноан Амударё бўлими бошлиғи ҳарбий губернатор томонидан тайинланган. Шунингдек, Россия императори буйруғи билан тасдиқланган ва ишдан бўшатирилган. Амударё бўлими ёрдамчисига Шўраҳон участкасига ҳам мудирлик қилиш топширилган, ammo Низомнинг 1916-йилги нашрида эса Сирда-

рө җарбий губернаторига нафақат Амударё бўлими бошлиғининг ёрдамчисини, балки бўлимга тегишли штат асосида барча лавозимларга тегишли одамларни тайинлаш вазифаси юклатилган. Амударё бўлими бошлиғига уезд бошлиғи ҳуқуқи, яъни барча фуқаролик ишлар билан шуғулланиш ҳам топширилган. Маҳаллий аҳоли маъмурияти ва судини сайлаш, тасдиқлаш, шунингдек генерал губернаторнинг алоҳида топшириғи билан чегара масалалари билан ҳам шуғулланган [5]. Жиноят ишлари бўйича суд тузилиши маҳаллий аҳоли томонидан содир этилган айрим жиноят ва қилмишлари ҳақидаги ишлар маҳаллий аҳоли судларига ўтказилган [6] ва назорат қилиниб борилган.

Амударё бўлимига, уни бошқариш тизимида алоҳида эътибор қаратилган Низомнинг 6-моддасидаги изоҳда берилишича: Туркистон ўлкасини бошқаришдаги барча лавозимларни җарбий ёки фуқаролик даражасидаги одамлар эгаллаши мумкин бўлган. Аммо, Туркистоннинг җарбий губернатори ва Амударё бўлимининг бошлиғи лавозимини фақат җарбийлар эгаллаши шартлиги алоҳида таъкидланган [7]. Россия империяси вакиллари ўлкада ўзига хос равишда ўлкани бошқариш усулларини ташкил эта бошлаган. Мазкур низомдан ташқари бир қатор низомности ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Мазкур низомнинг 9-бандида «суд тизими, солиқ йиғиш ва

маҳаллий аҳолининг тартиблари кескин ўзгаришсиз қолдирилади», – деб кўрсатилган. 17-бандида эса, халқ судлари «Туркистон ўлкасини бошқариш низомининг лойиҳаси»да кўрсатилганидек, тўлиқ сақланиши белгиланган. Туркистон ўлкасини бошқариш низоми ўша пайтда расман қабул қилинмаган бўлса ҳам, анча олдин тайёрланган низом лойиҳаси ҳам амалда қўлланила берган.

**«Халқ судлари» атамаси расмий равишда Амударё бўлимида 1873-йилдан бошлаб, яъни «Амударё округини бошқариш ҳақида муваққат низоми»дан бошлаб ишлатила бошланган. Маҳаллий аҳоли ўртасида «қози ва бий судлари» фаолият юритган [8]. Рус маъмурияти ўз ҳужжатларида қози ва бий судлари, халқ судлари сўзларини баробар ишлатган, бу сўзлар бир хил мазмунни англатган [9].**

Ўлкани тезроқ ва осонроқ бўйсундириш масаласи бўйича ўлкани тафтиш қилган расмий комиссия аъзолари кўпгина мулоҳазалар билдирганлар. Масалан, улардан бири генерал С.Духовский император Николай II га «руслар билан мусулмонларнинг яқинлашиши маҳаллий аҳоли устидан рус маъмуриятининг назоратини мустаҳкамлайди» деган фикрни билдирган. Ўлкани бутунлай, ҳар томонлама бўйсундириш ҳақида империя раҳбарияти мунтазам равишда шуғулланган. 1899-

йил генерал С.Духовский ўн бир қоидадан иборат ўз баёнотини «Туркистонда Ислом» деб номлаб, Россия императорига жўнатади. Унинг маҳаллий судлар ҳақидаги, яъни «қози ва бий судларнинг оилага таъсирини камайтириш учун оилавий ва никоҳ муаммоларини ҳал қилиш ҳуқуқини рус маъмуриятига бериш керак [10], деган фикри айниқса диққатни тортади. Бу билан, С. Духовский қози судларининг аҳолига таъсирини камайтиришни назарда тутган.

Ўтроқ маҳаллий аҳоли ва кўчманчиларнинг алоҳида халқ судлари ўз судларига тегишли масалаларни ўзларининг урф-одатларига асосланган ҳолда олиб борган. 1901-йилда қабул этилган низомнинг судга тегишли моддалардаги 229 модда, 1911-йилда қабул этилган низомда 229<sup>1</sup>- прим 1 белгиси қўйилган изоҳида кўрсатилишича, агар халқ судлари фаолиятида, судья номига доғ туширадиган ҳаракат қилинса, җарбий генерал губернатор таклифи билан ишдан четлаштирилиши мумкин бўлган ёки масалага ойдинлик киритгунга қадар вақтинча ишдан четлаштирилган [11]. Аммо, судхуқуқ тизимида қараладиган энг муаммоли масалалардан бири бўлган кўчмас мулк масаласи билан халқ судлари шуғуллана олмаганлар [12].

Қози судлари ўтроқ аҳоли ўртасида шариат қонунларига, бий судлари эса кўчманчи аҳоли орасида урф одатга асосланиб фаолият юритган. Ҳар бир

бўлисликда бийлар суди бўлган [13]. Халқ судларининг рус судларидан ажратилганлиги ўлкадаги маъмурият назарида, маҳаллий аҳолининг рус аҳолиси билан аралашиб кетишига тўсқинлик қилган. Рус маъмурияти қонунларини маҳаллий аҳоли онгига сингдириш [14], суд тизимини янгилаш, рус қонунларини такомиллаштириш, халқ судларини бутунлай тугатиш уларни умумий судлар билан алмаштириш кераклиги зарурлиги каби масалалар рус маъмуриятини ташвишга солган. Натижада, Россия ҳукумати 1907-1913-йилларда халқ судларини қайтадан ташкил этишни режалаштирган.

Амударё бўлимида 15 та бўлислик, 41 нафар халқ судлари, 1нафар катта оксоқол, 9 нафар овул оксоқоллари, 62 нафар қишлоқ

оксоқоллари фаолият юритган [15]. Ўлкада ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари яшаган. Амударё бўлимида ўзбеклар ўтроқ ҳаёт кечирган. Қорақалпоқлар, қозоқлар эса, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатида яшаган. Кўчманчи аҳоли жойлашган ҳудудларда судьяларнинг съездлари ҳар бир бўлисда уч нафардан кам бўлмаган судьялар қатнашганда, қонунга мувофиқ ҳисобланган. Съездлар зарурият туғилганда чақирилган ва уезд бошлиғи томонидан олдиндан белгиланган бўлиб, съездда бўлис бошлиқлари иштирок этган ва улар тинчликни таъминлаш учун кузатувчи вазифасини бажарган. Халқ судьялари съездига келган судьялар ўзларининг орасидан ишни қараб чиқиш

учун раис сайлашган ва съезд қарорини китобга киритиб, расмийлаштирган.

Шундай қилиб, Амударё бўлимида ўзига хос равишда империя ҳокимиятига хизмат қиладиган суд-ҳуқуқ тизими ташкил этилган ва фаолият юритган.

#### **Резюме**

*Мазкур мақолада XIX асрнинг сўнгги чораги XX аср бошларида Амударё бўлимидаги суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар ҳақида ёзилган.*

#### **Резюме**

*В данной статье говорится об изменении судебно-правовой системы в Амударьинском отделе конца XIX- начало XX веков.*

#### **Resume**

*The article deals with the changes of judicial system in Amudarya region at the end of XIX century-the beginning of XX century.*

---

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:**

1. ЎзРМДА. И-1жамғарма., 11-рўйхат, 293-йиғма жилд, 11-11-о,-варақлар.
2. Т.Г.Тухтаметов. Амударьинский отдел: Социально экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса-Нукус.:Қарақалпақстан.1977 йил. С-63-64.
3. Аксарият ҳужжатлар рус тилида бўлганлиги учун, диссертант уларни ўзбек тилига ўгирди. –А.А.
4. Положение об управлении Туркестанского края. Том II.,часть 2., Издание 1886 г.Санктпетербург. С-1.
5. Положение об управлении Туркестанского края, Издание книжного магазина М.Ф.Собберей. Т. 1916. С-26-27.
6. Временная правила о применении судебных уставов к областям Сыр-дарьинской, Самаркандской, Ферганской, Семиреченской, Акмолинской, Семиполатинской, Уральской и Тургайской. // Положение об управлении Туркестанского края. 1901. С. 53; устав уголовного судопроизводства. 1451-статья. // Положение об управлении Туркестанского края. 1903. С. 110.
7. Временная правила о применении судебных уставов к областям Сыр-дарьинской, Самаркандской, Ферганской, Семиреченской, Акмолинской, Семиполатинской, Уральской и Тургайской. // Положение об управлении Туркестанского края. 1901. С. 53; устав уголовного судопроизводства. 1451-статья. // Положение об управлении Туркестанского края. 1903. С. 110.
8. Временное положение об управлении Аму-дарьинским округом. ЎзРМДА И-1 жамғарма, 11-рўйхат, 293-йиғма жилд 11-варақ.
9. ЎзРМДА. И-907-жамғарма, 1-рўйхат, 285-йиғма жилд, 17, 18, 54 варақлар.
10. Краевое управление: Отчёт по ревизии Туркестанского края по высочайшее повеление Сенатором Гофмейстером гр.К.К.Паленом. С Питербургскими сенаторами. 1910г. С-63-64., общ 270ст.
11. Положение об управлении Туркестанского края. 1901 г. С. 64. 1911г. С. 51.
12. Положение об управлении Туркестанского края. 1916 г. С. 126.
13. ЎзРМДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 24-йиғма жилд. 1, 6, 10, 61, 62, 108, 111, 113, 116-варақлар; Қаранг Я.Абдуллаева. Қорақалпоғистон хотин-қизлари. Кеча ва бугун. Х1Х асрнинг охири ва ХХ-аср. Т.: 2004. «Ижод дунёси наشريёти». 18 – бет.
14. ЎзРМДА. Р-25 жамғарма, 1-рўйхат, 946-йиғма жилд, 3-4-варақ.
15. ЎзРМДА И-907-жамғарма,1-рўйхат, 285-йиғма жилд 76-о,варақ.

*“Устюртнинг баланд нуқтаси денгиз сатҳига нисбатан 370 метр. У ер 200 метр тик кўтарилган, атрофи жарликлардан иборат, сатҳи текис адирлик. Қўнғирот тумани ҳудуди Устюртнинг ўн миллион гектарини ишғол этган...” “1840-50 йилларда бухоролик ва хивалик савдогарлар Хитойга 344 минг 747 жуфт сайғоқ шохини олиб бориб сотишган. Ўша вақтда Устюртда бир миллион етти юз минг сайғоқ бўлган”. “Осиё билан Европани қуруқлик орқали ўзаро боғловчи энг қисқа ва қулай йўл, яъни Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Устюртдан ўтган”. “Шўролар даврида Устюрт тадқиқ қилинмади: Қувонч ва Шоҳпахтадаги газ конлари “Газли-Марказ” газ тармоғига уланди-ю, аммо қорақалпоқ ўчоққа тезак қалаб кун кўрди. Ҳолбуки, бу даврда Устюрт газни Европа хонадонларини иситиб турар эди”.*

## КЎЧМАНЧИ САЙҒОҚЛАР ҚИСМАТИ

Хўш, ҳозир аҳвол қандай?

Устюрт сафарига чиқишдан олдин ўн беш-йигирма йил илгари ўзим битган қайдларга кўз югуртирдим. Устюртни кесиб ўтган илк темир йўл тармоғи бундан роппа-роса йигирма беш йил аввал қурилган эди. Қорақалпоғистоннинг ўша пайтдаги раҳбари, ҳар қалай, станциялар номини топиб қўйган: “Ободон”, “Ёшлик”, “Қирққиз”, “Қорақалпоғистон”...

Устюртни шоирлар тўнқарилган қозонга ўхшатади. Уни ҳайдовчилар беадад йўллар дарбанди ва бошни айлантирадиган сароблар маскани, дея атайди.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ**  
*Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси*

Ҳақиқатан ҳам, Устюрт ўзи номи билан шундай даҳшатли саҳро эдики, биз илгари бу кимсасиз юҳо бағрига бориб қайтган одамга қаҳрамон сифатида қарар эдик. Тасаввур, тушунча шундай эди. Шўро замони Устюртнинг келбати ва юзига доғ солувчи замон бўлди. Бурғулаш экспедициялари нефть-газ излаб, ҳар ер-ҳар ерда саноксиз ўйдим-чуқур қолдирган, айниқса, “Қирққа қирқ” деб номланган кимёвий-бактериологик куролларни синаш майдони сайғоқлар ўз яйловига ҳолдан тойиб аранг етишига, аксарияти ета олмай қирилиб кетишига сабабчи бўлди. Ўзингиз таққослаб кўринг, ўтган асрда Устюрт миллион-миллион сайғоққа ватан бўлган бўлса, саксонинчи йилларга келиб, атиги 180 минг сайғоқ яшаб қолди. Яна уларнинг бир қисмини амал отига минган “овчи”лар тунда, “Газик”да, кўнгилхушлик учун ов қилди, бир қисми ўша, “синов майдони”да нобуд бўлди. Ўша пайтлар “Орол ва унинг ҳайвонот олами ҳалокатга юз тутди, бунга тузумнинг ўзи айбдор”, деб ёзгани учун мана шу сатрлар муаллифи қанча маломатга қолди. Улар “Танқид – келажакнинг меваси” деб синамоққа айтар эди. Танқид қилинг-чи, соғ қўядими?!

Улар учун инсон қадри, табиат мусаффолиги ва Орол қисмати бир пулга қиммат. “Мендан кейин қиёмат кўпмайдими!” деган тушунча қон-қонига сингиб кетган.

Хуллас, Устюртда ҳайдовчилар компас билан, кўпникўрганкишиларэса, юлдузларга қараб йўл юради. Улар манзилга етиб олиш учун тунда юришни афзал билади, чунки саҳро юлдузи чақноқ бўлади.

Ўша куни сайғоқларнинг туғруқ мавсумини кузатиш, иложи борица, уларнинг миқдорини билиш ниятида йўлга чиқдик. Ҳамроҳим — шу соҳа бўйича мутахассис, биология фанлари номзоди Қўнисбой Қайипбеков. Биз у билан бирга, Белеули, Чўриқ ва Матай адирларида болалайдиган

сайғоқларни излаб, тўрт кечаю тўрт кундуз Устюрт кенгликларини айландик.

Сафаримизнинг иккинчи куни сой соҳили бўйлаб елиб бораётган тўрт-бешта сайғоққа кўзимиз тушди. Олим менга қараб маъноли бош чайқади. Яна йигирма чақирим йўл юргач, ўттиз-қирқ бош сайғоқни учратдик. Турган жойимизда олим сайғоқ изларини санаб, ўрганди.

– Мана шу ўттиз-қирқ сайғоқ ичида атиги уч така (яъни, кўчқор) бор экан, – деди у. – Қолгани урғочи, аммо болалайдигани йигирма бешдан ошмайди.

– Ҳов, оксоқол, – дедим мен унча ишонқирамай. – Бизуйдаги кўй-эчкимизнинг қайси бири туғиш-туғмаслигини, ҳатто кўл билан ушлаб кўрсак-да, билмаймиз, сиз қаёқдан олиб айтаяпсиз, бу чўпчакни?

– Ёввойи ҳайвонлар ҳаётини билса бўладиган усул бор. Шуни ўргансанг, сен ҳам билаверасан. Қодир Эгам хоҳласа, сайғоқларнинг мана шундай яна уч-тўрт тўдасини учратсак Устюртда бу йил қанча сайғоқ борлигини чамалаб айтаман, сенга!

Биз Белеулида ғаройиб бир карвонсаройнинг устидан чиқдик. Ўтмишда ота-боларимиз Буюк ипак йўлидан карвон билан чиқиб, Аштархон, Масков, Макарияга бориб, савдо қилгани тарихдан маълум. Бироқ, уларнинг мана бундай овлоқ биёбонда — Устюртнинг қоқ ўртасида, қадимги римликлар билан греклар каби, ҳажми бир тоннадан кам бўлмаган тошларни йўниб, ундан шундай ғаройиб карвонсарой бунёд этганини билмас эдик. Унинг савлатини кўриб, ҳайратланмай, уларнинг ақлзаковатига тасаннолар айтмай илож йўқ.

Айни кунда Белеули карвонсаройига кирадиган дарвозанинг орқа томони сақланиб қолган, унинг тепасида бургут ин қурган. Полапонлар чуғур-чуғури қулоққа чалинади. Она бургут эса, кўкда парвоз қилади.

Карвонсаройнинг пойдевори, ҳатто биринчи қавати, яъни ҳужралар, меҳмонхона, ошхона сақланиб қолган.

Тошларга солинган безаклар, унга яқин қабристондаги қабртошлар, ундаги араб-

ча битиклар бу жойда ўзига хос маданият, цивилизация ҳукм сурганидан далолат беради. Маълумотларга қараганда, аркнинг юқорисида тошдан ишланган икки арслоннинг икки томонга қараб турган ҳайкали бўлган, археологлар эллигинчи йилларда уларни Ленинградга олиб кетишган. Кўпни кўрган қариялар айтишича, карвонсарой ўтган асрнинг йигирманчи йилларига-ча яхши сақланган, “оқ”лар келиб, тилла топиш дардида уни бузишган, кейин “қизил”лар “феодал ўтмиш сарқити” сифатида батамом яксон этишган. Бу камдек, “биз маймундан тарқаганмиз”, деган олимлар ҳам ўз даъвосига бу жойдан далил ахтаришган, карвонсарой қолдиқларини ковлаштириб, тошдеворни бузиб, тўрт тараф-

---

***Худони танимоқ ва яшамок  
— айнан бир нарса. Худо —  
ҳаётдир.***

Лев Толстой

---

га улоқтиришган. Гарчи, шундай бўлса-да, карвонсарой ҳозир ҳам анча сақланиб қолган.

Энг ўқинчли томони, етмиш йиллик шўро даврида Устюртдаги бу каби тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш ҳақида лоақал гап-сўз бўлмаган. Аммо бунинг зидди бўлган ишлар қилинди. Устюрт кимёвий синовлар майдонига айлантирилди. Мана шунинг оқибатида саҳронинг ҳавоси заҳарланди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жиддий зиён кўрди. Агар, ёдингизда бўлса, “Аум сёнрике” ваҳшийлари Токио метросида “Зарин” заҳарли газини қўллаган эди. Инсон саломатлигига жиддий зиён етказувчи бу даҳшатли бало биринчи мартаба Устюртда синовдан ўтказилган, кейин кимёвий ҳарбий қуроллар таркибига киритилган. Билмадим, бу бало қандай қилиб япон кўпоровчилари кўлига тушиб қолган?!

Шўро тузуми нечоғлик ёвуз экани, мана, энди равшан бўлмоқда. Ҳа, бу ерда кимё-

вий қуроллар синовдан ўтган, ҳарбий маш-гулотлар ўтказилган. Мана шу жараёнда қуролнинг таъсир кучи ҳеч нарсадан хаба-ри йўқ оддий аскарларда синаб кўрилган. Ўз фарзандларига шундай муносабатда бўлган жамиятдан нима кутиш мумкин?!

Маили, тарихни қайтариб, ўтмишни ту-затиб бўлмайди. Яхшисии, сайғоқлар ду-нёсига қайтайлик.

Кийиклар оиласига кирувчи сувин (буғу), жайрон ва сайғоқнинг дастлабки икки тури, яъни буғу билан жайрон аллақачон “Қизил китоб”дан жой олган. Уларни ҳимоя қилиш ҳақида халқаро қонунлар мавжуд. Сайғоқларнинг эса, бош сони кўплиги учун са-ноатда гўшт етиштириш режалари белгилан-ган. Айниқса, сайғоқ шохи бебаҳо, ундан “пан-такоин” ва бошқа тиббий дори-дармон тайёр-ланади. Шунингдек, турфа хил безак ишлари-да, асосан, заргарликда қўлланилади.

Сайғоқлар она табиатнинг бир зийнати бўлиб, улар Нўғай ёвонларидан токи Ўрол тоғларигача, қозоқ чўлларида токи биз-нинг Устюртгача ёйилиб ўтлайдиган жони-ворлардир. Уларнинг уч тоифаси бўлиб, қишнинг қаҳратон соғуғида, яъни декабр ой-ининг аввалидан бошлаб, майгача Устюрт-да яшайди. Май ойида ўзидан кўпайгач, яна шимолий яйловларга йўл олади.

Табиатнинг мўъжизасини қарангки, Устюртда дунёга келган сайғоқ, мабодо тўдасидан ажралиб адашса, олдин бил-маган-юрмаган, аммо аждоди босиб ўтган йўлдан оғишмай, ўз яйловини топиб бора-ди. Балки, сайғоқ номи “сайёҳ” атамаси би-лан ҳамоҳанглиги шундандир?!

Демак, неча минг йилдан буён сайғоқлар қиш-баҳор фаслида Устюртга келиб, туғиб-туғилиб, униб-ўсиб, ўзидан кўпайиб, яна ўрганган манзилига равона бўлади. Шу маънода, Устюрт уларнинг “туғруқхонаси”, туғди-битди жойи, десак, хато бўлмайди. Устюртнинг чинакам фуқароси бўлмиш чўпон-чўлиқ “май ойидаги сўнги ёмғир янги туғилган сайғоқ чўмилсин деб ёғади”, дейди. Ва бу бежиз эмас. Она табиатда беҳикмат иш бўлмайди. Қодир Эгам дунё-ни шундай мутаносиб яратган.

## ОНА САЙЁРА — ҚЎРИҚХОНА

Эл-улус “Баҳорнинг сўнги ёмғири — кийикнинг пойи (насибаси)”, дейдики, бу ҳам шундан далолатдир...

Сафаримизнинг учинчи куни Қозоғистон билан чегарадош Матайда сайғоқчи олим Қўнисбой оғанинг тилаги ижобат бўлди, яна тўрт-беш сурув сайғоқни учратдик. Шунда у кузатишларига хулоса ясади.

— Бу йил Устюртда сайғоқ кўп эмас, — деди у. — Қандай бўлмасин, уларнинг сони эллик мингдан ошмайди.

— Бу қанақаси, Қўнисбой оға? — деб сўрадим мен. — Уларнинг бош сони нега бунча камайиб кетди?

— Э-э нимасини айтасан! — деди олим хўрсиниб. — Ахир, ҳаммасини ўз кўзинг билан кўрдинг-ку!

Ҳа! Ўз кўзим билан кўрдим. Муносабат яхши эмас. Биз йўл-йўлакай кўпдан-кўп мотоцикл изларини, ҳар ер-ҳар ерда ётган сайғоқ лошларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Айримларини ҳатто жони чиқиб улгурмаган, жон ҳалпида типирчилаб ётибди, фақат шохидан жудо этилган! Овчи-браконьер сайғоқни отиб, шохини олиб кетаверган!..

Ажал билан олишиб, жон талвасасида ётган сайғоқнинг кўзларидан милт-милт ёш оқади, биздан нажот истайди, аммо қўлингдан ҳеч нима келмайди. Аммо, пул

Беруний тумани «Бадайтўқай» қўриқхонаси



деб болалаш мавсумида сайғоққа қирон келтирган ёвузларга нисбатан кўксингда ғазаб аланга олади.

– Браконьерларнинг қўлини кесувчи бирон-бир чора йўқми? — деб сўрайман олимдан.

У ўйланиб қолади. Кейин:

– Мана, мен Овчилик бўлимида ишлайман, – дейди. – У ҳали оёққа турмаган! Ўрмон хўжалиги бошқармаси таркибида. Ҳозирча иккита енгил машина, оз сонли одами бор, холос. Браконьерлар эса “Жип”лар, бақувват мотоцикллар ва замонавий милтиқлар билан қуролланган. Учиқуйруғи йўқ саҳрода бир-икки нафар масъул жониворларни балодан асраши мумкинми?! Йўқ! Президентимиз она табиатни, ҳайвонот ва наботот дунёсини асрашга алоҳида эътибор қаратади. Шу мақсадда кўриқхона ва буюртмахоналар ташкил этилди. Аммо сен браконьер нима эканини билмайсан. У масалага бошқача кўз билан қарайди, ўз манфаатидан бошқани билмайди. Шунақа жоҳил ва йиртқички, чегара билмайди. Унга қолса, дунёни сув олиб кетмайдими! Бари бир! Хўш, бу қабих кирдикорга қандай чек қўйиш мумкин? Бунинг учун аввало моддий-техник база кучли бўлиши, энг муҳими, ҳар бир одам ўтмишда бўлгани каби, “Менга нима?!” деб эмас, балки мана шу заминни, она табиатни кўз қорачиғидек асрашга бурчлиман деб билиши керак!

Ҳақиқатан ҳам шундай. Унча-мунча машина билан браконьерни қувиб етиш мушкул. Ўзимиз ҳам бир-икки марта сайғоқларни таъқиб этаётган браконьерни кўрдик, у ҳайиқмайди, кулади, муштини дўлайтириб, нари кетади. Айримлари Голливуд киноларидаги “рокер”лар каби юзларига ниқоб кийган, мотоцикл эгарига сайғоқ шохларини ўнгариб олган...

**“Қашқирлар ёвуз-у, бироқ,  
Очофат золимдан яхшироқ...”**

Шеърый сатрлар хаёлимдан ўтади. Қайси шоир ёзган буни? Ҳа-а, фашистлар турмага ташлаган татар шоири Муса Жалил ёзган. Унинг “Маобит дафтари”да

шундай сатрлар бор. Чиндан очофатнинг золимлиги дунёга ўт қўяди.

Яна бир масала.

Яратганга минг қатла шукр, мустақиллик даврида мамлакатимизда битта ҳам кийик ёки сайғоқ овчининг ўқиға учмади, яъни бунга расман рухсат йўқ. Давлатимиз раҳбари: **“Бугунги кунда барчамизнинг олдимизда ғоят муҳим вазифа турибди. Бу – табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш”**, – дея қайта-қайта уқтирмоқда. Шу эзгу ният билан қанчадан-қанча қонун қабул қилинди. Оролбўйида ўсимликлар ва ҳайвонот оламини асраб қолиш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳа, шўро даврида режа бўйича ҳар йили 8-10 минг бош сайғоқ гўштга топширилар эди, ҳозир уни отиш таъқиқланган. Аммо...

Россия билан Қозоғистонда бунинг акси, сайғоқ овлашга аввалгидек йўл очиқ. Биргина ўтган йили Қозоғистонда 80 минг сайғоқ отилган, бу йилнинг ўтган даврида эса 30 минг сайғоқ овланди. Бу ўлканинг овчилик хўжаликлари режа бўйича давлатга сайғоқ шохи ва гўшт топшириб, йилдан-йилга бойиб бормоқда. Ва мана шунинг оқибатида сайғоқлар кескин камаймоқда.

Шу боис, менимча, бу борада айрим масалаларни ҳал этишнинг вақти келди. Назаримда, Россия ва Қозоғистон билан шартнома асосида сайғоқ етиштириш бўйича ҳар бир давлатнинг ишлаб чиқариш квотасини белгилаш лозим. Сайғоқ – халқимизнинг миллий бойлиги. Уни асраб-авайлашга, биринчи навбатда кўпайтиришга ва муайян наф кўришга биз ҳам ҳақлимиз.

Эҳтимол, вақти келиб сайғоқ шохидан ҳозир чет элларда тайёрланаётган доридармон ўзимизнинг Нукусда ишлаб чиқилар?! Ҳунармандларимиз уни зеб-зийнат сифатида қўллар?!

Аммо, шу аниқки, биринчи навбатда уни асраб-авайлаш, ўзидан кўпайтириш лозим...

Шўро даврида Қозоғистоннинг ҳозирги Оқтов вилоятида сайғоқ кўриқхонаси ташкил этилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Эҳтимол, масалага шундай ёндашиш керакдир?

Нима бўлганда ҳам, бу масалага бефарқ қараб бўлмайди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли дастурий асарида “Шахсан мэн шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан” деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам барча замонларнинг забардаст шоир ва адиблари ўз асридан бир қадам олдинда юриб, унинг ёруғ ва қоронғу йўл, йўлакларини қалб кўзи, эътиқод нигоҳи билан равшанроқ кўриб, мазкур мавжуд воқеликни бадиий сўз воситасида ўлмас асарларга муҳрлайдилар. Эзгу сўз эса худди муқаддас “Авесто” китобида уқтирилганидек, одамларнинг шуурини яхшилик, гўзаллик, нафосат шуълалари билан ёритади. Башариятнинг буюклик гулшанидан муқим ўрин эгаллаган Алишер Навоий ва Данте Алигьери, Ҳофиз Шерозий ва Уильям Шекспир, Маҳтумқули Фироғий ва Александр Пушкин, Иоганн Гёте ва Бердақ Қарғабой ўғли каби даҳо санъаткорлар ана шундай мутафаккир зотлар эдилар. Шу боис улар яратган дурдона асарлар ўз асридан ташқари кейинги асрларга ва наслларга ҳам беминнат хизмат қилмоқда.



## АДИБНИНГ БАДИИЯТ БУЛОҒИ

*Атоқли адиб, забардаст шоир, таниқли драматург Эркин САМАНДАР таваллудининг 80 йиллигига*

Давримизнинг дилбар шоири Ошиқ Аёз – Ибройим Юсупов лутф айлаганидек, ҳар кимнинг ўз замони бор. Замонамизнинг фидойи адиблари деганда эса биринчи навбатда Абдулла Қодирий, Мухтор Аvezов, Берди Кербобоев, Чингиз Айтматов, Тўлепберген Қаипбергенов каби гигант сўз усталари кўз олдимишга келади. “Ўткан кунлар” романидаги Отабек, “Абай йўли” дилогиясидаги Абай, “Дадил қадам” романидаги Ортиқ, “Сомон йўли” (“Момо Ер”) қиссасидаги Тўлғоной, “Қорақалпоқ достони” трилогиясидаги Маманбий наинки ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, балки жаҳон насрининг энг ёрқин образлари, бетақдор типлари даражасига кўтарилдилар. Профессонал бадиият намуналарига айланган бу мумтоз асарларнинг эстетик қудрати шундаки, китобхон ўша қаҳрамонлар ҳаёти билан яшайди, улар билан бирга нафас олади, севади, севилади.

Биз мақоламизни бежиз наср, аниқроғи роман жанрига оид машҳур асарларни санаб ўтиш билан бошламадик. Зеро бадиий адабиётнинг барча жанрлари эстетик қимматини олтин таразининг тенг паллаларига қўйган, бирортасини камситмаган ҳолда қайд қилиш керакки, янги,

йигирма биринчи асрда ҳар қандай миллий адабиётнинг равнақини энг аввало унда яратилган романлар салмоғи белгилаб бермоқда. Шу маънода кейинги чорак аср давомида ўз қаддини янада адлроқ тиклай олган ўзбек романчилик мактабида атоқли адиб Эркин Самандар ижоди бетақдор жозибаси, мароқли бадиияти, эстетик шираси, ижтимоий мазмуни билан алоҳида кўзга ташланаётганини таъкидлаш жоиз. Бу мактаб вакиллари орасида келгуси авлодлар маънавияти камолига хизмат қилиши мумкин бўлган дурдона асарлар яратаётганлари ҳам, “роман”лари бадиий жиҳатдан ўта ожиз, камқувват бўлгани учун эълон қилинган йилидаёқ макулатурага лойиқ кўрилаётганлари ҳам оз эмас.


Адабий мақоламиз қаҳрамони Эркин Самандар 1988 йилда “Дарёсини йўқотган қирғоқ”, 1996 йилда “Тангри қудуғи” (2012 йилда иккинчи нашри), 2007 йилда “Султон Жалолиддин” ва 2009 йилда “Қуюн излари ёхуд Оғаҳий” романларини эълон қилди. Романнывасининг биринчи асари инсоннинг она табиат олдидаги бурчига бағишланган бўлса, қолган уч насрий полотно бевосита тарихий мавзуга бағишланган. Тари-



хий мавзу ёинки авлодлар тасвири пешқадам адибларга хос бўлган бош белгилардан бири ҳисобланади. Буни йигирманчи асрнинг энг кўп ўқилган романларидан бири, машҳур адиб Габриэль Гарсиа Маркеснинг 1982 йилда Нобель мукофотига муносиб деб топилган “Ёлғизликнинг юз йили” полотносида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур асрда ушбу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилган романнавислардан Генрих Сенкевич, Ромен Роллан, Кнут Гамсун, Анатолий Франс, Томас Манн, Жон Голсуорси, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Михаил Шолохов ва бошқа атоқли адиблар айнан муайян халқ, муайян сулола, муайян ижтимоий қатлам тарихини тўлақонли акс эттира олганлари учун чинакам эътирофу эътибор топдилар.

Эркин Самандар ўз тарихий романларида Чингизхонгалаларига қарши ўн бир йил муттасил кураш олиб борган буюк саркарда султон Жалолиддин Мангуберди, ўз тахти билан боғлиқ тахир сувларни ичишга мажбур бўлган Арабмуҳаммадхон ва ниҳоят хонлиқнинг ўн тўққизинчи асрга оид солномасида ўзига яраша ўрин тутган, бу солномага ёрқин саҳифалар кўшган улуғ шоир, тарихчи, таржимон Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Оғаҳий образларини яратди. Табиийки адиб ушбу образларни яратишда жаҳон насрининг энг илғор анъаналаридан самарали фойдаланди. Шунинг билан бирга ёзувчи Абдулла Қодирий асос солган Марказий Осиё романчилиқ мактабининг энг муносиб издошларига ҳамоҳанг қадам ташлашга ҳаракат қилди. Бу ўринда биз атоқли ўзбек адибларидан Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, Пиримқул Қодировнинг “Бобур”, “Авлодлар дово-ни”, “Хумоюн ва Акбар”, Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар”, “Улуғ салтанат” (тетралогия), машҳур қорақалпоқ адибларидан Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Маманбий афсонаси”, “Гумроҳлар”, “Бахтсизлар”, (“Қорақалпоқ достони” трилогияси), Камол Мамбетовнинг “Бўзотов”, “Дарбадар эл”, “Туркистон”, қозоқ адибларидан Илёс Есенберлиннинг “Кўчманчилар” (трилогия), Абдижамил Нурпеисовнинг “Қон ва тер” (трилогия), Анвар Олимжоновнинг “Маҳамбет найзаси” романларини назарда тутмоқдамиз.

– Роман ёзиш игна билан қудуқ қазишдек мураккаб, айни чоғда Аллоҳ томонидан берилган ноёб истеъдодни, бунга қўшимча теран



**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

билимни, кенг дунёқарашни талаб этадиган иш, – дейди адиб биз билан суҳбатда. – Истеъдоди, эътиқоди, профессионал тажрибаси бор адибга чин ижод билан машғул бўлишга куч, қувват берадиган адабий муҳит ҳам керак. Анча йиллардан буён мен учун азим Тошкент ана шундай қутлуғ маскан, қайноқ адабий муҳит вазифасини ўтаб келмоқда. Авваламбор бу ерга навқирон чоғимда келиб доврўғи дунёга кетган академик адиблар – Фафур Фулом ва Ойбек сўзга чиққан нуфузли анжуманларда иштирок этдим. Бу аллома шоирларнинг ҳар бир табаррук сўзини бор вужудим билан тинглашга, бирор ҳарфини туширмасдан юрагимга жойлаб олишга интилдим. У пайтлари узоқдан Шайх домлани кўриб қолсам, қаттиқ ҳаяжонга тушардим. Бир куни устознинг ўзи Урганчага келиб қолди. Ёшулли адиб Раҳим Бекниёзнинг уйида соатлаб суҳбат қурдик. Домланинг соз суҳбатига тўйиб бўлмасди. Ҳар бир жумласида олам-олам маъно бор эди. Эсимда қолгани шуки, Мақсуд Шайхзоданинг суҳбати фақат бадиий адабиёт чегарасида қолиб кетмас экан. Ўша Урганчага ташрифи чоғида Раҳим акадан янгамизни чақиртирди. Оила, фарзанд тарбияси, уй-рўзғор тўғрисида ибратли гаплар айтди. Албатта мулоқотимизнинг асосий мавзуси шеър ва драма тўғрисида эди. Яширишининг кераги йўқ: Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги

Янгибой Қўчқоров 1958 йилда Беруний туманининг Саркоп қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Айни кунда “XXI аср” ижтимоий-сиёсий газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ҳудудий муҳбири лавозимида ишламоқда. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист. Бир қанча ижодий танловлар ғолиби. Шеърлар, достонлар, очерклар, эсселар, адабий мақолалар, таржималарни жамлаган йигирмадан ортиқ бадиий ва публицистик китобларнинг муаллифи.

икки драмамни ёзганимда Шайх домланинг ўғитлари роса асқотган эди.

Тошкентда менга бағрини кенг очиб мураббийлик қилган иккинчи устозим Шухрат ака бўлди. Синчков китобхон менинг **“Гулдек кулар олам беозор...”**, **“Икки тундир сени кутаман...”**, **“То тонггача суҳбат қурдик биз...”**, **“Севаман, борлигим тилсимда...”**, **“Апрель. Сархуш, сармаст бир оқшом...”**, **“Юрагингни муз деб билардим...”** деб бошланадиган миниатюра шеърларим яъни саккизликларим Шухрат ака таъсирида ёзилганини англайди. Шеърларидан сеҳрланиб, шоирнинг ҳузурига отландим. Ёмғир томчилаб эмас, челақлаб қуярди. Шухрат ака келмасалар керак, деб турсам, ёмғирнинг шаррос ёғишидан завқ олган, соябонининг учидан томчилар силқиб-силқиб турган ҳолда, хуш кайфиятда кириб келдилар. Диққат билан шеърларимни тингладилар, қимматли маслаҳатлар бердилар. Бир қисмини саралаб олдилар. Тез орада улар **“Шарқ юлдузи”**да эълон қилинди. Орадан озгина вақт ўтгач, Хоразмга ўзлари келди. Салобати, самимияти очиқ чеҳрасида акс этиб турарди. Ёнида Эркин Воҳидов бор эди. Отдошим 2014 йили чиқарган **“Сўз латофати”** деган ажойиб китобдаги айрим фикрларни ғазалнавис шоирдан ўша 1963 йилнинг баҳорида Хоразмда эшитган эдим. Шухрат ака Аму соҳилидан бир олам таассурот олиш билан бирга бизга бир дунё завқ улашиб кетди. Бармоқ букиб ҳисобласам, устоз билан ўттиз беш йил муттасил мулоқотда бўлибмиз. Мулоқотимизнинг бошида **“Роман ёзгин!”** деб маслаҳат берган эди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида шу ишга киришдим. Шухрат ака билан Саид Аҳмад ака **“заряд”** бериб туришди. **“Дарёсини йўқотган қирғоқ”**нинг дастлабки бобларини Урганчда, кейинги бобларини Дўрмонда, катта қисмини Пицундада, Малеевқада ёздим. Ташлаб қўйдим. Шухрат ака тагин **“Ўз ҳисобингдан таътил олсанг ҳам охирига етказ!”** деди. Саид Аҳмад ака **“Муҳокама рўйхатиға киритганмиз. Ҳаракатингни кўр!”** деб қўнғироқ қилди. Хулласи калом 1988 йилда биринчи романим босилди. Аммо мен узоқ йиллар Жалололдин ҳақидаги романимни қоралаб келдим!

Ҳақиқатан ҳам Эркин Самандар **“Султон Жалололдин”** романини ёзишга деярлик ярим аср тайёргарлик кўрди. Ва тарихий роман деб аталган бу баланд чўққига уч йўл – публицистика, поэзия, драматургия жанрлари орқали отланди. Унинг Жалололдин Мангуберди ҳақидаги илк публицистик асарлари олтмишинчи йилларнинг ўрталарида қоғозга тушди. Бу мақолаларда Жалололдиндек мардни улғайтган заминга бўлган

меҳру муҳаббат куртаклари барг ёзган, ифтихор туйғулари фалсафий таҳлилга ўрин бера бошлаган эди. Бу ўринда муаллифнинг ўз матнига мурожаат қилганимиз маъқул:

**“У пайтлар шўролар замони эди. Гарчи демократия ва ошкоралик шиори ўртага ташланган эса-да, вазият барибир мураккаб, юқори – Москвада сиёсат посонгиси ўйнаб турарди. Нима бўлганда ҳам, энди тўғри сўзни айтиш истаги кўнгишларда туғён ура бошлагани рост. Буюк саркарда ва шоҳ Жалололдин Мангуберди босиб ўтган қаҳрамонона йўл тарихини тўғри ва ҳаққоний кўрсатиб бериш, биз бадиий ижод аҳлининг ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз, бурчимиз эканини дил-дилдан ҳис қилардик. Лекин асл манбаларни босқинчилар қарийб олиб кетишган, у ер-бу ерда, ихлосмандлар қўлида қолганлари эса қатағон йилларида қабристонларга яширин элтиб, кўмиб ташланганлари аччиқ ва аламли хотира бўлиб қолган эди...Холиси калом, ўзимизнинг манбаларга ўзимиз муҳтож эдик-да. Ана шундай кунларнинг бирида қўшним (ўша пайтда вилоят ижроия қўмитасининг масъул ходими) Рўзимат Ёқубов (у Москвага ўқишга кетган эди) қўнғироқ қилиб, менга катта бир совға келтирганини айтиб қолди. Биз кўп ўтмай учрашдик. Унинг қўлида тиллоларга менгзагулик бир бойлик – Абулғози Баҳодирхоннинг **“Шажараи турк”** китоби нур сочиб турарди. Ёпирай! Уни ола туриб пешонамга сурибман, денг. Ўша кунёқ буни яқин устозлар – йирик тилшунос олим Отаназар Мадраҳимов, таниқли математик ва тарихшунос Ҳалил Сиддиқов (иккаласи ҳам Хоразм пединститутини домлалари)га етказдик. Эртасидан бошлаб ҳар биримизнинг хонадонимизда дастурхон атрофида учрашиб, абулғозихонликни бошлаб юборганмиз. Менинг ота маконим – Хива туманидаги Гўжа қишлоғининг марказий боғида кечалари гулхан ёқиб, унинг атрофида ўлтириб, фонуслар ёруғида Хиванинг қандай пайдо бўлганидан бошлаб то милодий 1650 йилларгача ўтган тарихи, ундаги муҳим воқеа-ҳодисалар, Абулғозихоннинг бошидан кечирганларигача ўқиб, ўзаро баҳс-лашганларимизгача бари бугунгидай эсимда. Муаллиф сўзбошида ўзи айтганидек, у соф туркий тилда битилган, гўё илға маржон тизилгандек. Гўё қошимизда муаллиф ўзи ўлтириб, ҳикоя қилаётгандек. Бехтиёр ўзимиз ҳам воқеа-ҳодисалар ичига кириб кетганга ўхшар, ўша бир-бирдан ҳаяжонли битиклар таъсирига тушиб, сеҳрланиб қолгандик. Қаршимизда ёниб турган гулхан ўтмиш ёнғинларига қўшилиб кетгандай, бизни Гўжабоғдан олис мозийга қайтаргандай**

бир руҳий ҳолат эди бу. Буюк Хоразмшоҳлар даври, Жалолиддин Мангубердининг озодлик, мустақиллик йўлидаги беқиёс қаҳрамонликлари “Шажараи турк”нинг бош йўналиши эдики, биз ана шу тирик тарих ичига кириб қолгандик. Кейин... бирин-кетин бошқа қатор тарихий манбаларга ошно бўла бошладик. Шихобиддин ан-Насавий, Аловуддин Отамалик Жувайний, Мирзо Улуғбек каби бир неча алломаларнинг бу йўналишдаги асарларини излаб топиб, аста-секин танишганимиз сари ўша мураккаб ва бешафқат замон олатасирлари, улар аро Жалолиддин Мангуберди сиймоси кўз ўнгимизда бутун борлиги ила гавдаланиб бормоқда эди. Шу кайфиятда Алоуддин Хоразмшоҳнинг ўз ўғли Жалолиддин Мангуберди билан сўнги уч-рашуви ҳақида “Олис нидолар” балладаси ёзилди. Орадан кўп ўтмай, Жалолиддин ўз волидаи муҳтарамаси, рафиқаси ва канизакларини Чингиз кўлига туша кўрмасин деб (онаси Ойчечанбону илтимосига кўра) нариги қирғоққа ўтиб олишларидан умидвор бўлиб, дарёга оқизгани тўғрисидаги “Она ва ўғил” балладаси дунёга келди. Етмишинчи йилларда кўҳна Урганчга зиёратга борганимда Жалолиддин Мангуберди боғининг вайроналарини кўриб юрагим ҳаприққан, ўша ҳаяжону ўкинч натижаси ўлароқ “Темирқозик боғи” шеъри яратилган...” (Э.Самандар. Жалолиддин Мангубердининг икки боғи. (эссе) “Китоб дунёси” газетаси).

Муаллиф Жалолиддин ҳақида ёзилган шеър ва балладалардан кейин халқ қаҳрамони тўғрисида драматик асар ёзишга чоғланади. Драматургия ҳам роман каби миллий адабиётимизда нисбатан янги жанр ҳисобланади. Миллий адабиётимиздаги илк драма – М.Беҳбудийнинг “Падаркуш” асари (1914 йилнинг бошида Самарқанд ва Тошкентда саҳналаштирилган) даги: “ДОМУЛЛА (одамларга қараб). Ўқумоқ ва мулла бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимизни ҳоли бул, бас, бу кетиш ила наузамбиллоҳ, дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқумоқ барча мусулмонга, эркак ва ё хотин бўлсун, фарз эди. У қайда қолди? Оҳ, вой бизни ҳолимизга! (Бойга қараб). Бой, ман сизга амри маъруф этдим ва менга шарият бўйича лозим бўлган ишни бўйнутдан соқит қилдим. Иншооллоҳ, мўйлаб чиқариб, алифни таёқ демай турган ўғлунгиз ҳолини кўрармиз ва ўқутмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз (домулла нос чекар)”,- деган сатрлар пьеса ижодкорининг, А.Авлоний, М.Абдурашидхонов, Сўфизода, Таваллодек маърифатпарвар боболаримизнинг эзгу орзу-умидлари ифодаси эди. Орадан кўп ўтмай ўнинчи йилларда жадид мактаблари сабоғини олган болалар орасидан Ойбек, Фафур Фулом,

Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжонга ўхшаган атоқли ёзувчилар, шоирлар, драматурглар етишиб чиқди. Бу метин сафнинг марказида турган Мақсуд Шайхзода инсоният тақдири қил устида турган 1944 йилда “Жалолиддин Мангуберди” драмасини ёзди. Унинг ҳар бир ҳарфида Ватанга муҳаббат, ёвга нафрат туйғулари бўртиб туради:

**...Мангуликдан жой олган — яшар абадий,  
Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.  
Кўкларданми, сувданми, ё ер тагидан,  
Балки саҳро бағридан, тоғ этагидан,  
Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,  
Юрт шайдоси кўмилмас ғурбатда – гўрда.  
Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал,  
Ким юртдан ёв қувса – мендурман ўшал...**

Истиқлол даври ўзбек миллий адабиётида тарихий драматургия нуфузли ўрин эгаллаб турибди. Бу ҳақда ушбу жанрнинг етакчи тадқиқотчиларидан бири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия (театр ва кино) кенгаши раиси, “Жаҳон адабиёти” журнали Бош муҳаррири Шуҳрат Ризаев “Энг қадимги маданий даврдан то юртимизда Ислом диний эътиқоди қарор топгунга қадар кечган воқеалар Йўлдош Муқимовнинг “Авесто” ҳақидаги “Мангу машъал”, Комил Авазнинг “Авесто” — меҳр фарзанди”, Й.Муқимов ва Ҳайитмат Расулнинг Спитамен жасоратларидан ҳикоя қилувчи романмик руҳдаги “Муқаддас Тахтизар”, Насрулло Қобулнинг Иброҳим алайҳиссалом таваллудига бағишланган “Намруд”, Усмон Азимнинг “Алпомишининг қайтиши”, С.Сирождидиновнинг “Тўмарис” пьесаларида ифода этилди. Ўрта Осиё, янада аниқроғи, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ўрта асрларда бўлган маданий-маърифий юксалиш давлари ва унинг буюк аллома, мутафаккир, донишманд, саркарда зотлари ҳақидаги саҳна асарлари сифатида Усмон Қўчқорнинг “Расулulloҳ котиби”, Муҳаммадали Эргашевнинг “Саодат йўли”, Рустам Маъдиевнинг “Бир кечалик туш”, Собир Эҳсоннинг “Муҳаддис”, Муҳиба Ҳамидованинг “Бухорий муҳаббати” каби Имом Бухорий ҳақидаги, Иброҳим Раҳимнинг “Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёшлиги”, Йўлдош Сулаймоннинг “Осмонга сизмаган муҳаббат”, Нуриллоҳон Абдуллаевнинг “Башар алломаси”, Ҳайитмат Расулнинг “Пири коинот”, Жуманиёз Жабборовнинг “Ал-Фарғоний” номли улуғ алломага бағишланган ҳамда Эркин Самандарнинг “Жалолиддин Мангуберди”, Бурҳон Исломовнинг “Сарбадорлар” тарихий драмаларини санаш мумкин”

деб ёзади. Мағзи тўқ мақоладан ушбу парчани тўлиқ келтиришдан мурод шулким, Эркин Самандар ёзган ва қатор нуфузли театрларда сахналиштирилган, Жалолоиддин Мангуберди образини яратишга қаратилган “Аждодлар қиличи” ва “Ёт хужра” драмалари мазкур рўйхатга кирган асарлар ичида юксак бадиияти билан ажралиб туради. Асарнинг бош ғояси Жалолоиддин тилидан айтилган ушбу сўзларда ўз ифодасини топган:

**Юртимизни таламоқда ёғий тўрт ёндан,  
Истеҳкомлар, қалъаларга қўймоқдалар ўт.  
Дарёларда сув ўрнида оқмоқда қонлар,  
Оналарнинг, гўдакларнинг кўз ёшларидан  
Пайдо бўлган дарёларнинг йўқдир ҳисоби.  
Халқ ботири ёвга қарши кураш жараёни парокандаликка учраган аламли кезларда:  
Майли, сиз бекитинг дарвозаларни,  
Қапуларга пўлат кулфларни осинг.  
Мен эса борурмен она халқимга,  
Унинг ярасига изларман малҳам.  
Бағримга босурмен куйган майсалар,  
Туёқлар остида қолган гулларни.  
Менинг ҳимоямга муҳтождур улар!**

деб хитоб қилади “Аждодлар қиличи” драмасынинг биринчи фасл, биринчи кўринишида. (Э.Самандар. “Жалолоиддин Мангуберди. Тошкент. “Шарқ”, 1999 йил, 37-бет). “Ёт хужра” тарихий драмасынинг воқеалари эса Кавказортининг тоғлик мусулмонлар қишлоғидаги сахна билан бошланади. Драматург Жалолоиддиннинг ички оламини яширмасдан ёнгики бир ёқлама тасвирга берилмасдан очиб беради. Хоразмшоҳ тилидан битилган куйидаги сатрлар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади:

**Тоғу тошлар аро кездим нечун дарбадар,  
Нечун кечдим дарёларни, денгизларни мен.  
Забт айладим нечун Озар, Афғон, Гуржини,  
Нечун кўшин йиғдим узоқ-яқин эллардан?  
Эҳ, бир олишмоқчи эдим Чингизхон билан,  
Эҳ, бир олишмоқчи эдим...**

Атоқли адиб бадиият булоғининг хосияти шундаки, ундан шеър ихлосмандлари ҳам, наср мухлислари ҳам, драматургия жанрига қизиққанлар ҳам маънавий чанқоғини босади. Эркин Самандар драматургиясида Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Комил Яшиннинг энг қайноқ асарлари тафти билан бирга замондош ижодкорлар – француз драматурги Жан Ануй(1910-1987), рус драматурги Алексей Арбузов(1908-1986), япон драматурги Кобо Абэ(1924-1993), испан драматурги Рафаэль Альберти(1902-1999) ва бошқа атоқли адиблар билан ҳамнафасликни сезиш мумкин.

Адиб юрт тарихи, шу жумладан, Хоразм тарихига бўлган меҳри(бу диёрга улуғ рус шоирининг қизиқишини шу ерлик навқирон адиб Умид Бекмуҳаммад “Пушкиннинг армонлари” роман-эссесиди ифодалади)ни энг гўзал асарларига жойлади. Кези келганда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу меҳр ҳар қайсисининг ўз истеъдоди, ўз қобилияти ва албатта профессионал малакаси даражасида хоразмлик адиб ва шоирлардан Партав, Айёмий, Орзу, Эгам Раҳим, Раҳим Бекниёз, Дўстжон Матжон, Омон Матжон, Оллоберган Пўлат, Ошиқ Эркин, Бибисора Отаева, Сафо Очил, Жаббор Жуманиёз, Матназар Абдулҳаким, Қурбон Муҳаммадризо, Комил Аваз, Қўзи Давлат, Уллибиби Отаева, Ҳусайн Раҳмон, Сотим Аваз, Баҳром Рўзимухаммад, Рустам Назар, Қўзи Исмоил, Жумабой Матёқубов, Содикжон Иноят, Отабек Исмоилов, Исмоил Оллоберганов, Раимбой Каримов, Жуманазар Юсупов, Рўзимбой Ҳасан, Болтабой Бекмуҳаммад, Шуҳрат Маткарим, Ойбек Раҳим, Гавҳаржон Иноятхон қизи, Сайёра Эркин қизи, Гўзалбегим, Фирузабегим ва бошқаларнинг турли адабий жанрларга оид асарларида ўз аксини топган.

Адиб Хоразмнинг машаққатли, аммо шарафли ўтмишига доир жўшқин кечинмаларини энг аввало ҳикоя жанри қолипига солди. Адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган, қўлма-қўл ўқилаётган “Ғайб қушлари” тарихий ҳикояси айнан шундай асар. Ҳикоянинг дастлабки қисмига эътибор беринг: *“Шайхнинг кароматлари Жўжи қулоғига чалинган, ҳали Урганжга юриш бошламасидан олдиноқ унинг сеҳрларидан хабар топган эди. Дарёни терс оқизармиш, девларни жилловлай олармиш, ўзганинг қўлидаги ёпиғ китобни бетма-бет ўқирмиш қабилдаги гапларни авом тарқатган деб бирда ишонса, бирда ишонмас, аммо буюк Ҳоқоннинг ман-ман деган шаманлари шайхнинг илмига тан беришларини кўриб дилидаги гумон ўрнини ишонч эгаллай бошлаган эди. Урганж қамали бошланиб, унинг дарвозаларига яқин йўлаш мушкуллигини ва қапъа девори устида ҳар гал шайх пайдо бўлганида черик беихтиёр орқага серпилишини ўз кўзлари билан кўргач, бу ишонч дилига тағинда маҳкамроқ ўрнашди. Қамал роппа-роса етти ой давом этди. Чигирткадек бесаноқ, қўшин ёрдамга келгачгина қалъа дарвозаси емирилиб, жанг шаҳар ичкарасига – маҳалла-майдонларга кўчди. Ҳар битта маҳалланинг олиниши битта қалъани эгаллашдан ҳам мушкулроқ кечганини кўрганида Жўжи тағин шайхнинг каромати ҳақида ўйга толди. Каромат деганда у инсон ботинидаги ҳайбатнинг зоҳирига кўчиб, одамларни мутаассир этишини тушунар, хоразмликларнинг енгилмаслигини эса ана шу ҳайбат уларнинг жон-жонига сингдирилганида деб биларди. Гўё*

ҳар бир урганжликнинг юрагига шайх ҳайбати жо бўлгандай, шу ҳайбат уни арслонга айлан-тиргандай эди. Қани энди Жўжининг кўлида ҳам шундай бир шайх бўлсаю, у ҳар бир мўғулнинг қалбига арслон ҳайбати ва журъатини жойлаб берса... Урганж деярилик таслим этилиб, кўшин Нажмиддин Кубро хонақосига яқинлашиб бо-раётган ҳозирги аснода бу орзу Жўжи қалбини тагин эгаллаб олди. Вақт борида шайхга одам юбориб, агар у рози бўлса, бошини омон сақлаб қолишни ният этди. Аммо Жўжининг нияти унинг укаси Чигатойга ёқмади..."

Кўриниб турибдики, адиб тарихни ўнғай ко-ньюктура эмас, фақат холис, аниқ, рўй-рост тасвирлаш йўлидан боради. Ҳатто босқинчи Жўжининг бироз мўътадил феъл-атворини, Чигатойнинг асл ўжар нуқтаи назарини, Чингиз-хоннинг фотиҳ сифатидаги ёвуз характерини объектив равишда кўрсатади. Адибнинг бу профессионал маҳорати "Султон Жалолоддин" романида ҳам, "Аждодлар қиличи" драмасида ҳам яққол кўзга ташланади.

Академик Матёқуб Қўшчонов қўшсоҳил ади-блари ижодини таҳлил этишга бағишланган "Жайхун жилолари" китобида "Аждодлар қиличи" тўғрисида тўхтаганида "Драмада Жўжи, Чингиз, Тўлихон ораларидаги шиддатли диалог орқали муаллиф китобхон ва томошабинга душман та-биати қай даражада кескин эканлигини, ғазаб, хусуматларга тўлиб-тошганлигини аңлатади. Бу эса Жалолоддиннинг куч-қудрати-ю, ғайрат-шижоатини кўрсатиш йўлларида бири бўлиб хизмат қилади. Яъни, душман қай даражада қудратли, шижоатли бўлса, унга қарши туради-ган қаҳрамоннинг куч-қудрати ва шижоати ҳам шу даражада юқоридир" деб ёзади. Бу бадиий фа-зилатлар муаллифнинг "Аму жилолари", "Осмон тўла нур", "Дунёнинг ёшлиги", "Вафо деган гавҳар", "Севги фасллари", "Менинг йигит вақтим", "Қабул соатлари", "Соҳилдаги болалар", "Севги китоби", "Яблоня во дворе", "Щедрость рассвета", "Осмон-нинг тош тулпори", "Қўшиқ излаб", "Алининг тулпо-ри ва Қамбарнинг дутори", "Пўртана", "Эрк садо-лари", "Олис нидолар", "Она ва ўғил", "Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий қиссаси", "Ўзимизнинг На-сриддин", "Суянч", "Сайланма", "Юракка йўл", "Жа-лолоддин Мангуберди" ("Аждодлар қиличи" ва "Ёт хужра" драмалари), "Файб қушлари", "Огаҳий да-рахти", "Туркон Хотун", "Баҳор фасли, ёр васли", "Башорат", "Жавоҳир", "Олма пишганда галинг", "Дилда борим", "Арабмуҳаммадхон ёхуд ўзингдан чиққан балога", "Дарёсини йўқотган қирғоқ", "Тан-гри қудуғи", "Султон Жалолоддин", "Қуюн изла-ри ёхуд Огаҳий" каби қирққа яқин мароқли кито-блари, ажойиб асарларига зеб бериб турибди. Ёзувчи асарларидаги донишмандликни унинг ўзи туғилиб-ўсган қадимий Хоразм диёри, кўҳна Хива,

ғўзал Хонқадаги шоирона шукуҳдан излаш керак. У 1935 йилнинг 22 мартда Хонқа туманидаги На-вхос қишлоғида туғилган. Аммо ҳаётни, шеърият-ни, мусиқа санъатини севган Самандар ота Аве-зовнинг томорқаси Навхос тасарруфига кирса, боғи Хива туманининг Гўжа қишлоғига қарашли эди. Полвон арнасидан чархипалаку чиғирлар орқали оби-ҳаёт оладиган ариқнинг бу томони На-вхос, нариёғи Гўжа. Шу боис Эркин акани навхос-ликлар бизники, гўжаликлар бизники дейишади.

**Тоғлар қори эриб кетар,  
Ёз гуллари сўлиб кетар,  
Ҳатто юлдуз сўниб кетар,  
Бердақ шеъри сўнган эмас, –**

сатрлари учун қорақалпоқлар "Ўзимизнинг Эр-кин оғамиз" дейдилар. Эллиқалъада ўтадиган адабий анжуманлар у кишисиз ўтмайди. Зомин, Шаҳрисабз, Шаҳрихон адабий анжуманларида "Хоразм фарзандиман" деб номланган пано-рама шеърини ўқиб, олқиш олганига гувоҳимиз. Асарларининг учдан бир қисмини Кумушкон ва Сўқоқда ёзгани учун Тошкент вилояти ижодкор-лари ўзларига ўта яқин тутадилар. Отахон адиб янги романи – ўттизинчи йиллар қатағонига бағишланган насрий полотносига нуқта қўйиш учун яна Дўрмонга, яна Сўқоққа отланмоқда.

- Саксон ёшнинг сеҳрли чўққисидан туриб, қалб кўзи ила қарасанг, узоқлар ҳам, яқинлар ҳам, ортда қолган машаққатли йўллар ҳам, сурурли сўқмоқлар ҳам кафтдагидек аён кўзга ташланар экан. – дейди устоз адиб. – 1957 йили Хоразм дорилмуаллиминини тугатган-ним ҳисобга олсам, эллик саккиз йилдан буён ўзимни бадиий ижодга, жамоат ишига, оилам-га, устозу шогирдлар даврасига бахш этган бўлиб чиқаман. Илк устозларим Эгам Раҳим, Раҳим Бекниёздан тортиб Шуҳрат, Комил Яшинларгача бўлган ўнлаб меҳридарё мураб-бийлардан марҳамат кўрдим. Ўз давримда мен озми, кўпми, баҳоли қудрат бадиий ижод билан шуғулланган эдим. Бироқ истиқлол менга ши-жоатли қанот бахш этди. Ижодимнинг қаймоғи мустақиллик йилларида ёзилди. Бунинг учун азим юртимиздан, муҳтарам Юртбошимиздан миннатдорман. Ҳали олдинда янги-янги довол-лар, янги-янги романлар кутиб турибди. Илой-им Ўзбекистонимиз дунё турғунича озод, обод, кўркам бўлаверсин. Бу ишга биз қалам аҳли оз-гина улуш қўшсак ҳам ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз!

**2015 йил, март-апрель,  
Бўстон-Дўрмон**



ТАРИХИЙ СИЙМОЛАР СУРАТЛАРИ  
БАДИЙ АСАРАЛДАРДА

# Дүжёларни җайғотган даҳо

достон

Улуғликнинг бош белгиси  
она юртни севишдир.

Абу Райхон Беруний

1

Ватаним! Эй шонли, қадимий диёр,  
Қонимда мавж урар оловли ҳислар.  
Ҳақиқат истадим, меҳринг бўлди ёр,  
Идроким тарихдан бир хилқат излар!  
Олтин сатрларга олмос ҳарф билан  
Битилган донгдор ном ёритди тунни.  
Юрагимда титроқ, томиримда шаън —  
Ўқидим, фахр этдим, топдим мен уни!  
**Беруний!** биз эшитган, етмаган сарҳад,  
Даҳоси қўламин қамролмас шуур.  
Олдида уммонлар ўзин қилар рад,  
Кун ҳам сўнар балки, зако — сўнмас нур.

Тарихни танимоқ — ўзни танимоқ,  
Бунга йўл бермади мустабид девор.  
Пайпасландик — сўник офтоб, қаро роҳ...  
Марсия ўқидик сенга номус, ор...  
Лекин ҳақиқат бор, олам сарвари,  
Ҳақ бор-ку, ноҳақлик устидан ғолиб.  
Қутлуғ бир айёмда бошда гавҳари,  
Хумо учиб келди хурликни олиб.  
Асрларнинг занги ўтирган ғуллар  
Емрилди, узилди банди-бандидан.  
Миллат юрагида ниш урди гуллар,  
Тотлироқ таъм борми хурлик қандидан?

Шундан сўнг очилди тенгсиз имконлар,  
Халқни етаклади **Доно Раҳнамо**.

Озодлик, хурликни истаган жонлар,  
Дедилар:” У Худо берган **Чин Даҳо!**”

Бунёдкорлик бўлди миллат аъмоли,  
Сен ҳам жабҳаларда турдинг, замондош!  
Шу буюк даврда бўлолдинг ғолиб,  
Кучган марраларинг қуёшга ёндош!  
Не бахт, бунёд қилдинг, қурдинг, яратдинг,  
Ушалди боболар орзу, армони.  
“Ўзига бек” номинг мағрур таратдинг,  
Ўзингсан давримиз чўнг қахрамони!

Мен ҳам шу замоннинг бир бахтли қизи,  
Ютуқларга улуш қўшмоқ истаيمان.  
Қаламимни ўтли сатрлар тизиб,  
Хизматда турмоққа шайлаб, қистайман.  
Тарихни ахтариб, излаб, варақлаб  
Топган хазинамни илинай сенга.  
Агар қалбинг ногоҳ кетса чарақлаб,  
Бундан ортиқ бахт ва толе йўқ менга!

2

Бир хабар таралди — хабарки, ранж, дард,  
Қалб ва вужудларни увиштиргувчи...  
Уни кўтаргувчи борми бирор мард,  
Борми қаршисида адл тургувчи?  
Даҳо зот, дунёга илм таратган,  
Зиёси ёритган бутун Ер шарин,  
Юзлаб фан асосин қурган, яратган,  
Беруний марқади ётармиш ғариб...  
Ётармиш хароба, афтода ва хор...  
Коинот ўз сирийн ишонган бир зот.

«Одамзод борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди... Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз».

«Хоразм Маъмун академиясининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳар қандай инсонни ҳайратга солиши муқаррар».

**Ислом ҚАРИМОВ**

Бўлганмикан Қуёш бундан хабардор?!  
Юлдузлар бу ҳолга кўнганлар, наҳот?!  
Ахир унинг дўсти эди коинот,  
Ишончли маҳрами турфа оламлар.  
Учқур заковати нурларга қанот,  
Мажлиси юлдузлар – раққос санамлар.  
Бу хабар таралди телеэфирдан,  
Беруний элининг қаддини букиб.  
Суяк чатнаб, олов чикди томирдан,  
Юртнинг тоғлари ҳам қолгандек чўкиб...

Лекин юракда қон қўярми шундай,  
Аждодлар эккан жон турарми чидаб?  
Уч юз олтмиш томир ичра яшиндай  
Портлади бир туйғу аралаш чўнг дард.  
Султон суягини хўрламас дерлар,  
Бобомиз хокининг эгасимиз биз,  
Дея қўзғолдилар мардона эрлар –  
Тупрокни титратди минг йиллик илдиз!

Барча ўтинчлари, фикрларини  
Халқ тумордек битиб тўқди тафтини.  
Юртбошимиз эл дард, зикрларини  
Тинглади. Ўқиди ўтинч хатини.

3

Йил бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи,  
Сана ўн саккизу, декабрь оyi.  
Ҳаққа етиб борди халқнинг ўтинчи,  
Дийдор-ла ёришди кўнгил саройи.  
Қалбларда долғалар, юракларда қўр,  
Ҳаяжон, ифтихор ҳар бир заррада.  
Хурлик қўшиғига қалблар бўлди жўр,  
Битди диллардаги қонли яра-да.  
Аллома элига келганди кириб,  
Минг йил керак бўлди юртга қайтмоққа.  
Мангулик қаддини ростлади туриб,  
Ўткинчи замонга ҳукмин айтмоққа.  
Даҳони улфайтган кўчаларда халқ  
Дарёдек қўзғолди, денгиздек балқди.

Қудратли тўлқиннинг елкасида нақ  
Муқаддас хок олтин кемадек қалқди.  
Етмиш ёш оталар кумуш соқолин  
Ювди қадр топган меҳр олмоси.  
Ўқтам йигитларнинг кўксига ёлин,  
Кўзида ифтихор, қалбада ихлоси.  
Халқ билан юртини тавоф қилди у,  
Минг йиллик сафардан қайтган мард фарзанд.  
Ватанин шаънини шарафга мангу,  
Номин боқийликка буркаган абад.  
Қалъалар уйғонди, манзиллар бедор,  
Ҳар тошда жонланиш, кўпди ҳаяжон.  
Йигитчалар ўсган, ори тик минор,  
Қизчалар гурури кўз етмас осмон.  
Ватан ҳиссин туйди мурғак юраклар,  
Фарзандлик имкони мўйсафидларда –  
“Бобо!” деб талпинди жажжи чечаклар,  
“Ота” сўзи таскин асрий тутларда.

Шу кун сел қўзғолди шан кўчаларда,  
Жайхуннинг долғаси мисоли сурур,  
Уммон янглиғ тўлқин отди зафарда  
Ҳар бир Берунийлик қалбида гурур.  
Табаррук тобутни бир бор тутмоқлик,  
Мангулик эшигин тутмоқлик эди.  
Тикланган миллатнинг шаънин байроқдек  
Авлодлар кўксига тикмоқлик эди.

Халқ уммон, уммонки, йўқдир сарҳади,  
Тўлқинлар ошади тобут нақ ялов.  
Кимнинг дасти етди, кимдир етмади,  
Одамлар ичига қамалди олов.  
Шу дам бир ўт фиғон – Ерданми, Кўқдан,  
Тилди юракларни, най нолишимми?  
Нидо қайдан келар?! Нафаслар чўғдан –  
Чирқиллаб чарх урган ё дил қушимми?  
Сўнг кўриб қолдилар – йиғлар бир бола,  
Жажжи қўлчаларин чўзиб тобутга...  
Унинг талпиниши, ундаги нола  
Шиддаткор даврани кўмди сукутга.  
Болақай йиғларди “Бобо!” деб, “жон!” деб,  
Жажжи юрагида асов ҳаяжон.  
Қандай куч қалбига, руҳига бирдек  
Митти вужудига сололган исён?  
Бу не сир, куртақдек жимит инсонни  
Шу қадар ўтларда, оловда ёққан?  
Қай ҳис капалақдек беқайғу жоннинг  
Кўксига ғам-алам довулин қоққан?  
Катталар тушунар, билар Даҳони,  
Унинг кимлигию, буюк ишларин.  
Бу мурғак вужуднинг барг янглиғ жони,  
Билмас-ку айрилиқ, фурқат қишларин?  
Қай қудрат данақдек юракчасига  
Қуёлган воқеа моҳиятини?  
Қай ҳикмат куч бериб кўнгил сасига,

Мунаввара Қурбонбоева Беруний туманида туғилган. ТошДУнинг рус филологияси факультетини тамомлаган. «Келдингми, баҳор», «Жайхун чечаги», «Зангори шамоллар» номли шеърий китоблари ва буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган «Дунёларни уйғотган даҳо» достони чоп қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Англлатган халқининг ўй-ниятини?  
 Ходиса мағзини чакмайди ҳали,  
 Унинг маҳобатин англамас митти.  
 Фақат томирига ҳаёт тизгали,  
 Қонида нелардир кўзғолиб кетди.  
 Халқда буни дерлар “Тортди томири”,  
 Минг йиллик томиринг тортдимиди урэн?  
 Бу Қодир Эгамнинг буюк бир сири,  
 Митти юракчангни айлаган гирён.  
 Кимдир сергак тортиб деди шу онлар:  
 “Бу кимнинг боласи, кўзин қораси?”  
 Эй азиз, эй жоним ҳазрат инсонлар,  
 Ахир Берунийнинг у набираси!!

Одамлар чарх урар хок атрофида,  
 Қўллари етмасдан йиғлар кимлардир...  
 Шунда уламолар уйғун сафида  
 Бир сирли машварат бўлди-ку содир.  
 Улар эсладилар қадим удумни —  
 Халқни ниятига етказмоқ тилак.  
 Сўнг эълон қилдилар ноёб ҳукми:  
 Тобутга ип тақмоқ, боғламоқ керак.  
 Икки тарафдан ҳам йигирма метр,  
 Боғланди деярли қирқ қулоч арқон.  
 Шу арқонни ушлаб изиллар кимдир,  
 Кимдир шу риштага боғлагудек жон...  
 Уловлар тўхтади борки йўлларда,  
 Шу кун бутун шаҳар пойи-пиёда  
 Ташлаб тирикчилик ташвишларини  
 Бобо билан кезди мангу дунёда!

**Аллома Ватани бағрида!** Даҳо  
 Курра билан кўкда мағрур урар чарх.  
 Бирор халқ кўксида бу қадар сафо  
 Кўрмаганди чархи даврон бўлиб чарх!

Мустақиллик сабаб бундай давронлар,  
 Эрк ва ҳурлик боис бундай толе, тахт.  
 Мустақил Ватанда қолмас армонлар,  
 Миллат манглайида ҳурлик — порлоқ бахт.

Ғазнада мусофир юганда бобом,  
 Орзу қилган эди ушбу кунларни  
 Зўрлик ва зулмнинг бўлишин тамом  
 Истаб таратганди мунгли унларни:  
**“Кундадаёқ куш талаган эт каби  
 Кун кўраман, Ғазна эрур маконим.  
 Ўшшаши йўк бир даврага йўликдим,  
 Бу даврадан сақла элни, Раҳмоним”...**

Қўлма-қўл айланди муқаддас бу хок,  
 Тукқан юрт бағрида сайрона бўлиб.  
 Тарих ишларига гувоҳ Ер, Афлок,  
 Тақдир ишларига ҳайрона тўлиб,  
 Кўрди: бу ўзбекнинг ғалабасидир,  
 Мустақиллик берган ҳур нафасидир!  
 Ўйласам, мени ҳам чулғар ифтихор —  
 Яна қайси халқда шундай даҳо бор!

4

Ватаним тарихи олисдан-олис,  
 Шукур, унга томон юриш бошланди.  
 Бу тарихни тўсган, яширган изсиз  
 Қизил, зил деворлар олиб ташланди.  
 Қадим маънавият, юксак тафаккур,  
 Маънавий меросу олий тамаддун  
 Ворисилигимиз тутилганди сир,  
**Мустақиллик** боис парчаланди тун.

Кун чиқди бугунни, келажакни ҳам  
 Ёруғ нурга белаб хатто ўтмишни.  
 Хурлик қуёшидан баҳраманд ўлкам,  
 Бахтлидир шарафлаб илму юмушни.  
 Бизлар кўп ўқидик — истадик илм,  
 Дарсликлардан ҳақни излаб неча кур.  
 Барча соҳаларда: бу санъат, билим,  
 Бу тарих, шеърият, зехн, тафаккур  
 Борки йўналишда бизлар — “ёввойи”,  
 Ёт эллар — тамаддун таваллуд жойи.  
 Ишондик бу “илмий ҳақиқатларга”,  
 Миллатлар, авлодлар фожеси шудир:  
 Сигиндик кўксимиз ситган зотларга,



Яшадик безабон, беишк, бекадр.  
Яшадик ўтмишсиз, тарихсиз, беном,  
Отаси исмини билмаган касдек.  
Эмган сути таъмин туймаган ноком,  
Оққан дарёсини унутган хасдек.

Мустақиллик чикди юрт осмонига,  
Қуёшда ҳам йўқдир бундаин ёниш.  
Ўт солди ҳар юрак қатра қонига,  
Бошланди қалбларда **БУЮК УЙҒОНИШ!**

## 5

Қадимги аждодлар ноёб мероси  
“Авесто” муқаддас, энг тоза булоқ.  
Фалсафаю тарих, илм дунёси  
Аро бундай манба ягона порлоқ.  
“Авесто” — боболар ўлмас битиги,  
Машхур аждодлардан буюк обида.  
Унда билимларнинг маъзи, илиги,  
Коинот ва Ерга тенгсиз қасида.  
Башар тарихида **илк ёзма китоб,**  
**Юзлаб фан асосин тамал тошидир.**  
Аристотель, Геродот, Плутарх, Цицерон  
Даҳоси сув ичган булоқ бошидир.  
Дурдона бу битик Қуёш ва Олам,  
Туғилиш ва ўлим, борлиқ, коинот,  
Самовий ёритгич, зарра ва одам,  
Ўсимлик ва олов ҳақида баёт.

Осмон жисмлари, Ер шамойили,  
Улар ҳаракати ҳамда таъсири  
Ўрганиб, ҳисоблаб қуну, ой, йилин  
Бенуқсон тақвимнинг топдилар сирин.  
Аждодлар даҳоси таърифига лол  
Бўлиб қолар ожиз, нўноқ бу тилим.  
Юнон, Ҳинд, Европа уйғонмай аввал  
Улар яратганлар бемисл билим.  
Уч минг йиллар аввал расадхонада  
Тафаккур тоғида чекиб риёзат,  
Мураккаб ҳисоблар, формула ишқин  
Қалбига жо айлаб, қилган ибодат  
Забардаст олимлар бўлгани ҳақ-рост,  
Кимларга малолдир ҳақ сўзлар бироз.  
Ҳақиқат эса шу: нодир “Авесто”  
Дунёвий тамаддун илк, бош асоси.  
Удир ҳатто юнонларга чин устоз,  
Тафаккур бешиги, олам зиёси!

Қуйи Амударё, Жайхун ўнг соҳил,  
Қадимги Хоразм уларга ватан.  
Рубъи маскун аро беназир оқил,  
Дунё тамаддуни отаси, зотан,  
Ушбу нурли манзил, муқаддас юртда  
Кейинги минг йиллар, асрларда ҳам,  
Забардаст олиму фозиллар ўтди,

Барча соҳаларда бўлиб пешқадам.  
Илк ўрта асрлар илм-фанида  
Дунёвий тамаддун марказидир **Кот.**  
Шу макон бағрида, унинг ёнида  
Даҳосига таҳсин айтган коинот  
**Беруний** туғилди, тасодифмас бу,  
Онага муносиб ўғлон эди У!

Дунда бежиз содир эмас ҳеч нарса,  
Хар бир ҳодисанинг ўз сабаби бор.  
Аниқ жараёнлар маҳсули майса,  
Қуёшлар, юлдузлар фалакда пойдор  
Бўлганлар муайян ҳисоб-китобда,  
Боиси бор нурнинг ҳатто Офтобда!

## 6

Эй онам, ватаним, кўп сенда ғоят  
Ноёб истеъдоду, кўп комил зот-да.  
Лекин бундай буюк, тенгсиз заковат  
Дунёга бир келди муборак Котда!  
**Кот!** Хоразм шоҳлари қудрати рамзи,  
Хурлик қўрғонидир аждодлар қурган.  
Узоқ етти юз йил Қанғ зулмин эгиб,  
Мустақиллик бахти, сафосин сурган.  
**Уч юз бешинчи йил** эрқка етиб шод,  
Башар тарихига изин сололган.  
Маърифат нури-ла оламни обод  
Айлаб илм қасрида мангу қололган.  
Кўркам шаҳар эди Шарқда дурдона,  
Фаровон ва обод, гўзал, файзиёб.  
Унга ҳайрат қилар эди замона,  
Бетакрор кўшқлари бор эди ноёб.  
Гавжум бозорларни турфа эллардан  
Келган савдогарлар обод қилар боз.  
Моллар бир ён, бир ён турфа тилларда  
Битилган китоблар савдоси хўп соз.

Маърифат излаган кўп қалблар даво,  
Топарди улардан ҳаётбахш наво.

Шарқий Европа-ю Булғор юртлари,  
Эрону Бухоро, Самарқанд, нари —  
Ҳиндистону Хитой савдо йўллари  
Кесишган чорраҳа Қадимий Котдир,  
Илм, маданият у-ла ободдир.  
Шу юртда туғилган бу закий ўғлон  
Даҳоси олдида бош эгди жаҳон!

Бунда замонасин забардастлари  
Абу Наср Мансур ибн Ироқдир.  
Африқшоҳ авлодин закий вакили,  
Илм саройида гўё чироқдир.

Шу замин муҳити куч бериб, илло  
Бежиз етилмади бемисл даҳо!

(Давоми бор)

Мен ҳаммавақт одам ҳалол яшаши керак, деган ақидага келганман. Доимо битта гапни такрорлардим: “Ҳеч қачон ўзинг тер тўкиб топмаган нонни оғзинга олмагин”.

Ҳозир сизга бутун умрим мобайнида нечоғлик ҳалол яшаганимни исботлаб берувчи битта ҳикояни айтиб бермоқчиман.

Бир-икки кун илгари яқин дўстимнинг уйида Майлс исмли генерал билан учрашиб қолдик. Генерал Майлс тенги йўқ одам экан, у билан тезда тил топишиб олдик.

“Сиз мабодо 1867 йилда Вашингтонда яшаган эмасмисиз?”- дея дабдурустан сўраб қолди генерал.

“Ҳа, яшаганман”, – деб жавоб бердим мен.

“Буни қаранг-а, ўшандан бери ҳеч юз кўриша олмадикми?” – деди генерал афсусланиб.

“Генерал”, – дея унинг гапини бўлдим мен. -Ўшандан кейин биз юз кўриша ололмасдик. Сиз ўша пайтдаям аллақачон катта генерал бўлганингизни, мени эса ҳали номи чиқмаган, китобларини биров ўқимайдиган бечорагина ёзувчи бўлганимни унутган кўринасиз. Сиз мени эслай

Марк Твен

# КУЧУКЧА ВА УЧ ДОЛЛАР ПУЛ

(ҳикоя)

ололмайсиз, деб ўйлайман, лекин биз ўша вақтда Вашингтонда бир мартагина кўришиб қолгандик”.


Ўша учрашувни ҳозиргидай яхши эслайман. Упайтлар мен роса ғариб яшардим, ҳатто нонга ҳам тез-тез пул тополмай қийналардим. Менинг бир дўстим ҳам бор эди. У ҳам мендан қолишмайдиган камбағал ёзувчи эди. Биз бирга яшардик. Ҳамма ишни биргалашиб бажарардик: ишлардик, китоб ўқирдик, биргаликда сайр қилардик. Қорнимиз оч қолганида ҳам иккаламиз баробар оч бўлардик. Бир марта уч доллар пулга росаям зориқиб қолдик. Нима учун айнан уч долларга муҳтож бўлганимизни ҳозир

эслай олмайману, бироқ ўша пулни кечгача топишимиз зарур бўлгани ёдимда қолган.

“Биз дарҳол уч доллар топишимиз шарт”, – дедим дўстимга. -Мен бу пулни топишга ҳаракат қиламан, лекин сен ҳам жим ўтираверма.”

Уйдан чиқиб кетганим билан қаерга бориб, қандай қилиб уч долларни топа олишимни билмай бошим гаранг эди. Бир соатча Вашингтон кўчалари бўйлаб сандироқлаб юра-юра, ахийри тинка-мадорим қуриди. Ниҳоят битта катта меҳмонхона олдига келдим. “Ичкарига кириб, бироз нафасимни ростлаб олай”, – деб хаёл қилдим ўзимча.

Меҳмонхона залига кириб, диванга ўтирдим. То жажжи-



Қандилат Юсупова 1986 йилда Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида туғилган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетида таҳсил олган. “Кўзларингдан қўрқаман, шеърим”, “Тор сеҳри”, “Ёруғ кунлар хумори”, “Оҳу фарёди” номли шеърӣ китоблар муаллифи. Ёш таржимон. Э.Хемингуэй, О.Генри, Т.Драйзер, Ш.Андерсон, Ж.Лондон, М.Твен, О.Хуксли, А.Бирс каби жаҳон адабиёти дарғаларининг асарларидан намуналарни ўзбек тилига ўгирган.

гина, ёқимтой бир кучукча залда пайдо бўлиб қолгунича ўша ерда ўтиравердим. Кучукча ниманидир қидириб юрарди. Ҳа, чинданам ғаройиб кучук экан, дея хаёлимдан ўтказсамда, бироқ кўлимдан ҳеч нима келмасди, охири мен уни ёнимга чақириб, у билан бирга ўйнай бошладим.

Нотаниш бир эркак меҳмонхонага кириб келганида мен ҳалиям ит билан ўйнаб ўтирардим. Бояги эркакнинг эғнидаги кўркамгина формасидан мен дарҳол уни Генерал Майлс эканлигини фаҳмладим. Мен илгаридан уни газеталардаги суратлари орқали яхши танирдим.

“Вожабо! Қандай чиройли кучукча экан-а!”- дея ҳайратланди у. “Сизникими?”

Энди жавоб айтиш учун оғиз жуфтлаган эдим:

“Кучугингизни сотмайсизми?”- деб сўраб қолди у.

“Уч доллар”- деб юбордим бехосдан.

“Уч доллар?”- дея ажабланди генерал. “Жудаям арзон-ку. Мен сизга кучугингиз эвазига 50 доллар тақдим этаман”.

“Йўқ, йўқ, керак эмас. Атиги уч доллар кифоя қилади, жаноб”.

“Маيلي, нимаям дердим. Кучук сизники. Модомики фақат уч долларгина истар экансиз, камина итингизни жон-жон деб сотиб оламан”.

Генерал Майлс менга уч доллар берди-да, итни олиб, хонасига чиқиб кетди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас бир қария залга ҳаллослаганча югуриб кирди. У зал узра зириллаб кўз югуртира бошлади. Чолнинг нимадир қидираётганини тушундим.

“Афтидан, бир кучукчани қидираётган кўринасиз, жаноб?” – дея илтифот қилиб сўрадим.

“О, ҳа! Уни кўрдингизми?”- деб сўради қария суюниб кетиб.

“Итингиз атиги беш дақиқа аввал шу ерда эди, уни бир эркак билан кетганига кўзим тушгандай бўлувди”, – дедим мен шоша-пиша. “Агар йўқ демасангиз, уни топишда сизга кўмаклашиб юбораман”.

Қария хурсанд бўлиб кетди ва унга ёрдамлашишимни илтимос қилди.

“Сизга ёрдамим тегса, бошим осмонга етарди, бироқ бу ҳол андак вақтимни ўғирлайди-да, шунга...”

“Кетган вақтингиз ҳисобини ўзим тўлайман”, – деди қария жонҳолатда. “Қанча истайсиз?”

“Уч доллар”- деб ҳозиржавоблик билан жавоб бердим мен.

“Уч доллар”, – худди генерал каби ажабланди қария ҳам. “Бироқ биласизми, менинг итим бебаҳо кучук эди. Агар уни менга топиб берсангиз, сизга ўн доллар ҳам тўлашга розиман”.

“Йўқ, жаноб, мен фақат уч долларгина истайман, холос, ундан ортиқ бир тийини ҳам керак эмас”, – дея хотамтойлик қилдим мен.

Шундан сўнг мен тўппа-тўғри Генерал Майлс хонасига кўтарилдим. Генерал янги меҳмони билан ўйнаб ўтирган экан.

“Итни қайтариб олгани келдим”, – деб маълум қилдим мен қатъий.

“Лекин энди бу ит сизники эмас – уни мен сотиб олдим. Бунинг эвазига сизга уч доллар пул ҳам инъом этдим”, – дея ҳайрон қолди Генерал.

“Сизга берган пулингизни қайтариб бераман, лекин итни олиб кетишим зарур”, – деб оёғимни тираб олдим мен ҳам.

“Аmmo сиз кучукни менга пуллаб бўлдингиз, у энди менинг итим”.

“Афсуски, уни сизга сота олмас эканман, жаноб, негаки у меники эмас эди”.

“Буниси билан нима ишим бор, бироқ сиз кучукни уч доллар эвазига менга сотиб бўлгансиз”.

“Буни қаранг-а, ит ўзимники бўлмаса, уни сизга қандай қилиб сотиб юбораман? Сиз мендан кучук учун неча пул истайсиз, деб сўрадингиз, мен эса уч долларга зориқиб турганимни айтдим, бўлган гап шу, холос. Лекин сира-сира ит меники, деган гапни оғзимга ҳам олмадим”.

Энди Генерал Майлснинг тепа сочи тикка бўлди.

“Берган уч долларимни чўзиб қўйинг-да, итингизни олиб кетаверинг”, – деб бақирди у.

Кучукчани ўз эгасига олиб борганимда, боёқишнинг боши кўкка етди, қувончи терисига сиғмай, ваъда қилган уч доллар пулини кўлимга тутқазди. Менинг ҳам кўнглим жойига тушганди, зеро мана энди пешона терим билан ишлаб топган уч доллар пулга эга бўлгандим.

Ана энди сиз нима сабабдан менинг ҳалоллик борасидаги айтган сўзларимни англаб етгандирсиз, зеро ошинг ҳалол бўлса кўчада ичгин, дейдилар, одам ҳеч қачон бели оғриб топмаган нонни оғзига олмаслиги жозидир.

*Инглиз тилидан  
Қандилат Юсупова таржимаси*



# САФАР ДАФТАРИДАН...

*Қисса*

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙДАДУР?

Лондонга келганимдан кейин дастлаб қиладиган ишим банкка бориб ҳисоб рақами очиш эди, шу сабаб эрта турдим. Меҳмонхонанинг чоғроқ ошхонасида нонушта қилиш учун ҳаммадан биринчи бўлиб тушибман. Йўқ, бу китобларда ўқиганим, киноларда кўрганим анъанавий инглиз нонуштаси эмасди: столда инглизлар тухумнинг учини айрича эпчиллик билан пиёланинг тагидек силлиқ кесадиган пичоқ ва тухумдон тугул тухумнинг ўзи ҳам йўқ эди. Жавдар нони, сариеғ, мураббо, сут ва бўтқа учун қуритилган мева бор, ва албатта апельсин шарбати, қора чой ва қаҳва.

Метрогача анча масофа. Лондоннинг тирбанд ва тифиз кўчаларини тасвирлаш ва ҳис қилиш учун пиёда юриб кўриш керак. Машинадан эса худди телевизорда кўргандек бўлади киши. Қадимий бинолар қад ростлаган тор, лекин батартиб кўчалар, Лондоннинг рамзларидан бирига айланган икки қаватли қизил автобуслар бекатларга кетини кетига улаб келади. Ҳаракат тифизлигидан имиллаб юрадиган бу автобусларнинг орқа эшиги йўқ, шошилган йўловчилар юриб кетаётган автобусга ҳам сакраб чиқиб олади ёки тушиб қолади. Олтмишинчи йиллардаги «Волга» автомобилига ўхшаб кетадиган, Блэкаб дейиладиган қоп-қора таксилар, сон-саноксиз пиёдалар ва велосипедчилар оқими ичида кетиб боряпман, ҳаракат йўлнинг чап томонида бўлгани учун бошим ҳам айланаётганга ўхшайди, айниқса йўлни кесиб ўтишда, чунки биз йўлдан ўтишда аввало ўнг томонга қарашга ўрганганмиз. Бирор машина тагида қолиб, ўлиб кетмасайдим шу жойларда,

деб кўрқаман. Лекин тез орада имиллаб юрадиган автомобиллардан кўра ёнингдан шамолдек физиллаб учиб ўтадиган велосипедчилар хавфлироқ экан, деган хулосага келаман.

Йўлакларда одамлар изди-хоми, шовқин-сурон, моторларнинг тинимсиз гувиллаши қулоқни батанг қилади. Бунақа шовқинда одам йўлини йўқотиш у ёқда турсин ақлини йўқотиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Лекин бир жиҳатдан дунёга донғи кетган шаҳарнинг қоқ марказида кетиб боряпман, деган ўйдан кишининг боши етти осмонга етгандек бўлади. Хуллас, чексиз ҳаяжон, бироз ҳадиксираш ва анчагина бегонасираш. Шаҳардаги бинолар аксар кулранг, устига-устак ҳаво ҳамиша тундлиги боис осмон кўрғошиндек оғир туюлади ва бу ҳол қуёшли ўлкадан келган мендек бир мусофирнинг юрагини бироз сиқиб туради. Лекин кулранг осмонда балиқдек оппоқ қорнини жимирлатиб самолётлар тўхтовсиз учиб ўтаверганидан киши ўзини худди денгиз тубида юргандек ҳам ҳис қилади.

Метронинг қизил линиясидаги Ҳолборн бекатидан чиқиб, қўлимдаги харитага қараб банкка томон йўл олдим. Ҳамкасбларим «қайси банкда ҳисоб рақами очиш ихтиёрий, лекин Ллойдс банки хорижийлар билан ишлашда анча тажрибаси бор» деб тавсия берганди. Пиёда ўн беш дақиқалик йўлдан кейин ўрта аср инглиз меъморий обидаси ҳисобланмиш бинода жойлашган банкка етиб келдим.

Банк ходимларидан бирига яқинлашиб нима мақсадда келганимни айтдим. Ходим хушмуомалалик билан бироз кутиб туришимни айтди. Беш дақиқалардан сўнг ёш, кўҳликкина банк ходимаси

қўлида қора жилди билан келиб мени ҳашаматли залнинг чап томонидаги компьютерлардан бири ёнига таклиф қилди. Шахсий ҳужжатларимни олгач, бир талай қоғозларни тўлдириш асносида турли саволлар бера бошлади. Онангизнинг турмушга чиқмасидан аввалги фамилияси қандай дея сўраганида чинакамга ажабландим. Уларда тартиб-қоида шу экан. Кейин ходима мендан қайси мамлакатдансиз, деб сўради.

«Ўзбекистонданман», дедим фахр туюб.

У менинг юзимга бир тикилиб олди ва ҳеч нарса бўлмагандек саволини такрорлади:

«Қайси мамлакатдан келгансиз деб сўраяпман».

Мен ҳам унинг юзига тикилиб олдим ва талаффузимни иложи борича инглизларга яқинлаштириб:

«Uzbekistan», дедим.

Қизгина тушмагур ҳеч нарса бўлмагандек ёки менинг гапимни эшитмагандек яна ўша саволни такрорлади.

Мен анча баланд пардада “Uz-be-kis-tan”, дедим ҳижжалаб.

У менинг юзимга қараб жилмайди, лекин бу жилмайиш унга малол келаётгани шундоқ кўриниб турарди.

«Мен сиздан мамлакатингиз номини сўраяпман. Мана масалан, мен Британияликман, миллатим инглиз, мамлакатим Британия».

Шундагина мен гап нимадалигини тушундим. Қизгина тушмагур жўрофияни мактабда яхши ўқимаган ёки кейинги йилларда дунё харитасида юз берган оламшумул ўзгаришлардан буткул беҳабар. Мени эса инглиз тилини тушунмаяпти, деб ўйлади чоғи. Мен энди унга бошқача тушунтириш мажбуриятини сездим.

«Менинг миллатим ўзбек, мамлакатим Ўзбекистон, бун-

дан роппа роса олти йил аввал мустақилликка эришганмиз, аввал собиқ Совет Иттифоқи республикаларидан бири бўлганмиз. Жўрофий жиҳатдан мамлакатим Марказий Осиёда жойлашган».

Бу гапларимдан кейин қизгина компьютерини бироз титкилади, менинг ҳам кўнглим жойига тушгандек бўлди. Бироқ, не ажабки, банк ходимаси яна ўша-ўша аввалги нигоҳ ила эски саволини такрорлаб турибди-ку!

Босиқлик билан яна ўша жавобни такрорладим. У мендан Ўзбекистон номини инглиз тилида ёзиб беришимни сўради. Сўнг компьютерни бироз титкилагач, бояги саволмуз нигоҳи билан менга тикилиб қолди. Шунда у томонга энгашиб компьютерида жаҳон мамлакатлари рўяхати тургани ва унда Қозоғистонга кўзим тушди.

«Қаранг, мана Қозоғистон! Бу давлат бизга қўшни бўлади, чегарадошмиз, у ҳам собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан мамлакат, демак компьютерингизда Ўзбекистон ҳам бор,» дедим анча дадиллашиб.

У эса соатига бир қараб олди, демак шошиляпти, бошқа мижозлар кутмоқда чоғи.

«Биласизми, ҳисоб рақами очиш учун аслида мамлакатнинг у қадар аҳамияти йўқ, келинг сизни Қозоғистондан деб ёза қолайлик, айтдимку, бу жудаям аҳамиятсиз,» деди у менга умидвор мўлтираб.

«Кечирасиз, лекин бу мен учун жудаям аҳамиятли,» дедим унга қатъий қилиб. Кейин «агар мумкин бўлса компьютерингизга шундоқ кўз ташласам майлими», дея сўраган эдим, у рози бўлди. Мен компьютер тугмачасидан пастга қаратилган белгини бетўхтов босиб рўяхатнинг охирига келдим:



Муҳаммад Шариф  
(Муҳаммадшариф  
Маматқулов) 1968 йилда  
Наманган вилоятининг  
Косонсой туманида туғилган.  
ТошДУнинг журналистика  
факультетида таҳсил  
олган. Кўплаб ҳикоялари  
“Ўзбекистон адабиёти ва  
санъати”, “Ёшлик”,  
“Шарқ юлдузи”,  
“Жаҳон адабиёти”  
каби адабий нашрларда  
чоп этилган.

“USA  
Uruguay  
Uzbekistan”

«Мана Ўзбекистон», дедим унга елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлиб, ва айни пайтда чексиз ғурур билан.

Қизгина бир муддат сўзсиз қотди.

«Буни қаранг-а, охири топдик-а!», деди минг бир хижолат ила жилмайиб. Бу гал унинг жилмайишида самимийлик бор эди.

Банқдан чиқар эканман қизгинани нафақат жўрофия, балки жаҳон сиёсий майдонидаги улкан ўзгаришдан боҳабар этганимдан ўзимча хурсанд эдим.

Лондон. 1997 йил

## «WELCOM TO LONDON!» ЁКИ ҲАММА ЙЎЛЛАР ҲАМ РИМГА ЭЛТМАЙДИ

Мен яшаётган тўрт қаватли, хоналари тор ва зиналари тик Бамонт Ҳауз номли кичик меҳмонхона Лондоннинг маркази, сайёҳлар шаҳарчасида жойлашган. Сайёҳлар шаҳарчаси дейишим боиси, атроф тўла меҳмонхоналар, эрон, араб, турк ва яна бир қанча миллий ресторанлар билан гавжум, кўчалар сайёҳларгағиж тўла.

Меҳмонхонага дастлаб кўнган куним эшикларнинг кўплиги мени ҳайратга солганди. Кўча эшикдан кириб иккинчи қаватдаги хонамга етгунча саккизта эшикни очиб-ёпдим. Бизда бунинг учун фақат иккита эшикни очиш кифоя. Кейин билсам бу ёнғин хавфсизлиги учун қилинган экан. Иккинчи қават дейишим ҳам бу ўринда нотўғри, инглизлар биринчи қаватни «граундфлор» яъни, ерқават деб, санокни иккинчи қаватдан бошлар экан.

Кўчага чиқилса, Бобил минораси курилайётган замонга келиб қолдимми, деб ўйлайди киши. Бу дунёда неки тил бўлса барчаси бирдек қулоғинга чалинаётгандек бўлади. Айниқса, метрога тушишда, дўконлар, ресторанлар ёнида бир пайтнинг ўзида ўнлаб тиллардаги сўзлашувлар эшитилади. Ким қайси тилда гапирётганини англаш тугул бу тилларнинг оҳангини илғашнинг ўзи бир муаммо.

Бу ерга келганимнинг биринчи якшанбасида Квинсвей атрофидаги кўчаларда дайдиб, сайёҳлар шаҳарчасини ўзимча кашф эта бошладим. Ҳар қадамда ҳайрат, ҳар бурчакда бир янгилик, бироқ бу ҳаяжонли таассуротларни ўртоқлашай десанг ўз тилингда гапирадиган бирор таниш йўқ. Тўхтовсиз ва

чексиз таассуротлардан баъзан мия зўриқиб, шууримда ҳимоя қобиғи ҳосил бўлади, завқланиш ўрнига барча нарсага тунд қараш бошланади. Кейинчалик Лондонда яшаб қолган жўрам Хайрулло келганидан сўнг бу кўчаларни қайтадан кашф қилиб чиққанмиз, албатта. Бироқ ҳозир ёлғиз эдим. Лондонни «забт» этган илк ўзбеклардан бири бўлмиш Ҳамид акага кўнғироқ қилиб ҳаяжон ва ҳайратимни айтишдан ийманардим.

Бир кийим дўконига кириб борган эдим, сотувчининг қиёфаси ўзимиз томонларнинг одамани эслатди. У ҳам мени кўриб кимнидир эслади чоғи юзига илиқлик югурди. Марказий Осиё ёки бизга яқин минтақадан, юз-кўзи ўхшаб турибди-ку, мусулмон бўлса керак, бу ҳам бўлмаса мусофирлиги аниқ деб ўйладим. Мендан аввал у гап бошлади.

«Ҳа, ҳамюрт, қаердансан?»

«Ўзбекистондан, ўзингчи?»

«Афғонистондан... бизда ўзбеклар кўп»

«Ўзбекча биласанми?»

«Бир-икки сўз айта оламан, лекин ўзбекча гапирсанг оз-моз тушунаман. Нима қилиб юрибсан бу ерларда?»

«Олти ойга келганман. Ўзингчи, қачон келгансан?»

«Акам билан бирга Афғонистондан чиқиб кетганимизга беш йил бўлди. Аввалига Францияда яшадик. Икки йил бўлди бу ерга келганимизга.»

«Юртингни соғингандирсан?»

«Нима десам экан, у ерга қайтиб боришни тасаввур ҳам қила олмайман, уруш, ҳамма томон вайрона, хароб бўлган. Ҳозирча шу ер яхшироқ менга. Ўзингчи?»

«Келганимга икки кун бўлди, ҳозироқ юртимга қайтиб кетгим келяпти.»

«Ҳа, ёлғиз бўлсанг қийин

бўлади, зериксанг кириб тургин. Нариги кўчадаги дўконда ҳам афғонлар бор».

У билан хайрлашиб кўчага чиқдим. Яна оломон, ранг-баранг қиёфалар, ажабтовур ҳидлар, турли тилларда гурунглари...

Меҳмонхонадан чиқиб беш дақиқа юрилса, Лондоннинг марказий кўчаларидан бирига чиқилади. Йўлнинг нариги бети каттакон парк - машҳур Ҳайд Парк. Адл қайинлар, заранг ва арғувонлар тигиз, ям-яшил хиёбон, ўртасида саёзроқ бир кўл. Кўлда оққушлар, ғозлар ва ўрдаклар сузиб юрибди, тепасида чағалайлар тинимсиз чарх уради. Йўлаклардан олмахонлар чопқиллаб ўтиб қолади, баъзан таққа тўхтаб, йўловчиларга бир лаҳза тикилиб олади-да, яна забардаст қайин дарахти танасидан тепага тирмашиб, қалин шохлар орасида кўздан ғойиб бўлади.

Хиёбоннинг бир четида ўша пайтлар «Халқ маликаси» деб ном қозонган малика Диана яшайдиган қаср қад ростлаб турибди. Парк марказ томон бирикки чақирим чўзилган бўлиб, у бошқа бир паркка уланиб кетар экан. Кўлларнинг эса саноғи йўқ. Майсазорнинг яшиллигидан кўзлар жимирлаб кетади.

Бирор кун Бэйсвотердаги спорт кийимлари дўконидан эрталаб югуриш учун зарур бўлган уст-бош сотиб олишга қарор қилдим. Ҳартугул малика Дианани ҳам кўриб қоларман. Қолаверса, эрта тонгда шудринг босган кўм-кўк майсазорда чопиш, ёввойи ёнғоқ меваларини тераётган олмахонларни ҳуркитиб ўтиш, қаршингдан югуриб келаётганларнинг жилмайиб бош ирғашига жавобан кулиб қўйиш, кўл бўйида бироз нафас ростлаб, чирпирак учаётган чағалайларни томоша қилишга не етсин.

Мен тушга қадар паркни бир бошдан айландим. Тушдан кейин боғнинг марказий Оксфорд Стрит кўчасига туташ бурчагидан чиқдим. Оксфорд Стрит Лондоннинг энг гавжум савдо кўчаларидан, ҳар икки юзи дунёнинг донғи кетган брэндларига қарашли дўконларга тўла: «Дебенҳам», «Маркс энд Спенсер», «Гап» каби.

Кўча тирбанд, йўлакларга одам сиғмайди, бу талотўпу оломонни кўрган киши беихтиёр ернинг киндиги шу ерда бўлса керак, деган ўйга боради.

Дўконларга кирмай фақат кўчадаги ҳаракатни бирор соат кузатгач, ортга қайтдим. Ётоқхонагача икки метро бекати бор экан, пиёда юришни маъқул кўрдим, каламушдек ер тагида юргандан кўра, кўчаларни томоша қилиб кетишга нима етсин. Лекин бир чақирим юргандан кейин чарчаганимни сездим, қадамимни секинлатиб, катта йўл ёқасидан бамайлихотир кета бошладим. Бир пайт ёнимга қора «Мерседес» келиб тўхтади ва ҳайдовчи мени ишора билан ўзига чорлади.

Қизиқ, Лондонда «Мерседес» миниб юрадиган таниш орттиришга улгурганим йўқ эди. Лекин барибир машина ёнига бордим. Ҳайдовчи тим қора ипак костюм-шимда, тўқ ҳаворанг кўйлак ва алвон шойи галстук таққан, сочлари силлиқ таралган ва гел суртилгани туфайли ярақлаб турибди. Банк ходими бўлса керак, деб ўйладим.

«Италяно?» деди у менга қараб.

«Но», дедим унга.

«Испанола?»

Унинг мушқулини осон қилиш учун «Ўзбек» дедим.

Табиийки, у ҳали ўзбекни учратмаган чоғи анча тушунтиришга тўғри келди.

«Собиқ Совет Иттифоқини биласанми, ўша империянинг бир катта бўлаги эдик, ҳозир мустақил бўлганмиз, билмаган бўлсанг билиб ол, Ўзбекистон».

Собиқ иттифоқ номини эшитгандан сўнг у қаердандир ўрганиб олган бир-икки русча сўзларни айтди:

«О, друг, товарищ!»

Унинг калласида не режа борлигини билолмай бетоқат бўлганимдан «Тезроқ мақсадингни айта қолгин, шошиб турувдим,» дедим.

«Буни қара, менинг рус дўстларим кўп эди, сен ҳам ўша томондан экансан, майли ҳозир бошқа-бошқа мамлакат бўлсаларинг ҳам аввал битта бўлгансизлар-у. Буни қара-я, деярли дўст эканмиз. Биласанми, мен италянман, ҳозир ўз шаҳримга, Римга кетяпман».

Ҳарқалай, Римга қандай борса бўлади дея йўл сўрагани тўхтатмагандир, деган фикр яшиндек ўтди. У гапида давом этди:

«Биласанми!? Бензиним жуда оз қолган, Римга бориш учун ҳали менга анча бензин керак. Хуллас, бензин олишга пулим ҳам тугаб қолган, қарз оладиган танишларим йўқ. Сенга ўхшаган мусофирман».

Англия орол мамлакат бўлса, машинасини денгизнинг устидан ҳайдаб ўтмоқчимиз, деган фикр ярқ этиб хаёлимдан ўтди.

«Йўқ-йўқ, сендан қарз сўрамоқчи эмасман», гапида давом этди у: «Менда иккита тоза теридан тикилган куртка бор. Агар шуларни сотиб олсанг, оғиримни енгил қилган бўлардинг. Мана, қара бири «Версачи», иккинчиси «Армани». Дўконда бу курткаларнинг ҳар бири олтмиш беш паунддан туради, сен эса иккови учун олтмиш паунд берсанг бўлди».

У охири фасонда тикилган бири қора ва иккинчиси тўқ жигарранг чарм курткани кўрсатди. Томдан тараша тушгандек бу таклифга нима дейишимни билмай аввал ҳайрон қолдим, кейин бу ерда бир гап бўлса керак деган шубҳага бордим. Боя унинг сўзларини қизиқиш билан тинглаган бўлсам, бирданига ундан кўнглим совиб кетди.

Мени аҳмоқ қилмоқчи, ё курткалар аслида бир чақага қиммат ёки унинг калласида бошқа бир режа бор. Эҳтимол унинг ҳозир Римга кетаётгани ғирт ёлғон, лекин нияти бор-йўғи ўша курткаларни солиқдан ташқари сотиш бўлгандир. Майли, агар кейинги гал учраб қолса шу одамнинг кўнгли учун бирортасини сотиб олганим бўлсин, дея хаёлан ўзимни овутдим. Бу воқеа туфайли кўзимга энди илиқ кўрина бошлаган Лондон яна ўша тунд ва совуқ ҳолатига қайтди.

Ўйланиб қолганимни кўриб унинг ғайратига ғайрат қўшилди, курткаларни яна мақтай кетди. Ёнимда пулим йўқлигини айтиб, гапини чўрт кесдим ва ўз йўлимга кета бошладим. У эса машинасини ўт олдириб, мен билан бақамти ҳайдашга ўтди.

«Ёнингда бўлмаса, банкинда бордир, ўтир машинага, яқинроқдаги банкоматга борамиз», деди ойнадан калласини ташқари чиқариб.

Шунда томоғимга аччиқ бир нима тикилгандек бўлди, ростмана жаҳлим чиқди.

«Банкда ҳам пулим йўқ», дедим унга.

«Бу ерда пулсиз яшаш мумкин эмас-ку, қандай тирикчилик қиляпсан?»

Унинг хира пашшадек ёпишиб олгани аччиғимни ўн чандон оширди. Беихтиёр метро бекатларига тушишда-

ги «Beware of pickpockets!» (Чўнтаккесарлардан эҳтиёт бўлинглар!) деган ёзувлар кўз олдимга келди. Унинг ёнига яқинроқ бордим ва энгашиб, аста қулоғига шипшидим:

«Чўнтак кесаман».

Унинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, машинасини бўкиртириб газ босганча хайрмаъзурни насия қилди. Ярақлаб турган янги «мерседес» ортидан тикилганча кулиб юбордим. Бу Лондонга келганимдан буён илк марта кулишим эди. Сўнг худди Ҳолливуд киноларида кўрганимдек «Welcome to London!» деб кўйдим.

*Лондон, 1997 йил.*

### «МАММА МΙΑ!»

Крисмис, яъни, Мавлуд байрами кунлари бутун Британия кўзни қамаштирадиган ялтирюлтур чироқларга кўмилиб деярли бир ҳафта дам олади. Одамлар ҳафталик озиқовқатни олдиндан ғамлаб олади, чунки дўконлар сурункасига тақа-тақ ёпилади. Ичадиганларнинг куни туғади: ишга чиқмай бир ҳафта ичади кўпчилик. Ижарада турган жойимда кўшним бор эди, Чандра деган, асли Шри Ланкалик ҳинд аёл. Доктор бўлгани учун кўп фойдали маслаҳатлар олиб турардик. Кичкина хусусий шифохонаси бор эди. Суҳбатлашиб қолсак, нуқул англизларни ёмонларди:

«Одаммас булар! Ичишдан бошқа нарсани билмайди. Шунинг учун мен бирорта англизни ишга олмайман. Мана ўзинг айт, ижарага уй қидиришда роса қийналдингми? Ҳа, ана! Боланг борлигини эшитса, бирортаси сени ижарага кўймайди. Йўқ, буларга боланг эмас, ит-мушугинг бўлса яхшироқ. Чунки болалар деворнинг қоғозгулига сурат

солиши ёки йиртиб юбориши, оромкурси устига чиқиб сакраши мумкин-да. Устига устак эрта-кеч дўпир-дўпир югуриб кўшнилари безовта қилади. Ит-мушук бўлса айтган жойингда туради, хархаша қилмайди. Буларнинг аксарияти, айниқса, кекса ёшдагилари болаларга худди ўзга сайёрадан келиб қолган мавжудотдек қарайди. Булар неvara боқмайди-да, шу сабаб кўпчилиги ҳатто болалардан кўрқади.»

Ёши олтмишларга яқинлашиб қолган, сийрак мошкичири сочлари доим патраб турадиган, бироз букчайиб, лекин дадил қадам ташлайдиган, зумрад рангли «Тойота-Королла» хэчбек машинасига ўтирганида калласи зўрға кўриниб турса-да, газни кўрқмасдан гувиллатиб босадиган бу кампирнинг сўзларини тинглаб турар эканман, бироз ошириб юбормадимикин, дея мулоҳаза қиламан. Лекин ўзим ижарага уй қидирганда дуч келган қийинчиликлар, ҳар тонг туриб ижара эълонлари чиқадиган, сариқ қоғозда чоп этиладиган, бир паундлик «Loot» деган газетани шошилишча варақлаб, аксар эълонлар шартида «No children» деган ёзувга кўзим тушиб жиғибийрон бўлган пайтлар ёдимга тушади. Кўчада бир эмас, беш-олтита ит етаклаб юрадиган кампирларни эслаб, Чандра хонимнинг гапида ҳам жон бор, дейман.

Индамай унинг сўзларига қулоқ солиб турганимни кўриб, кампиршо гапида давом этади:

«Мана, Крисмис келяпти, бу ердаги ичувчиларга худо беради. Биласанми, баъзи англизлар шунақанги ичади-ки, пули қолмаса, бировнинг уйига тушиб, бор-будини кўтариб чиқиб, сотиб ичади.»

«Чандра хоним, сиз ўзингиз шу мамлакатга келиб доктор-

лик мақомини олдингиз, олти ўринлик хусусий шифохонангиз бор, яқинда қизингиз ҳам янги шифохона очганини айтгандингиз. Бир муҳожир бу юртга келиб эришган даража шунчалик бўлар-да, бу шўринг қурғур англизларни намунча танқид қиласиз?» деган гап тилимнинг учида туради, лекин индамайман, майли, бир дардини тўкиб солсин, дейман. Кампир эса муддаога кўчади:

«Қизим янги шифохона очганини сенга айтган эдим. Ҳали ишга тушмаган, лекин яқинда таъмирдан чиқардик, ҳамма нарсаси тахт. Мен қизим ва куёвим билан беш кунга Шри Ланкага кетяпман. Сендан илтимосим шуки, ҳар куни кечқурун бориб бир хабар олиб келсанг, чироғи ёниб-ўчиб турса, уйда одам борлиги билиниб турарди, ўғрилар яқин келмасди. Айтдимку, бу Крисмис пайти дайди ва алкашлар ичкилик учун ҳеч нарсадан тоймайди. Шунинг сендан илтимос қилишни ўйлаб юривдим. Бу ердан узоқ эмас, бензин пулингни ҳам тўлайман. Қани айт, нима дейсан?»

Доктор бўлгани учун кампирга ишимиз тушиб туради, қолаверса, айтган жойи узоқ ҳам эмас экан, рози бўлдим. Эртасига Чандра хоним икки қаватли, Виктория русумида қурилган бежирим бинодаги янги шифохонасини кўрсатди ва менга калитини қолдирди.

Ҳар куни кечқурун бораман, хонама-хона юриб, безакларини томоша қиламан. Ижарага зўрға уй топган пайтларим ёддан кўтарилиб бегона юртда беш хонали, бизда вилла дейиладиган уйнинг хўжайинидек ҳис қиламан ўзимни. Ҳеч курса тўрт кун шу уйга хўжайинлик ҳиссини совға қилгани учун Чандра хонимга хаёлан раҳмат айтаман.



Йигирма бешинчи декабрь Мавлуд байрами куни, инглизларда совға-салом улашиш ва зиёфатлар палласи, ким энг катта курка товуқ пиширгани ҳақидаги баҳслар авжида. Шу куни кечқурун менга ишониб топшириб кетилган уйга соат ўндан кейин бордим. Хонама-хона кезиб, «хўжайинлик» ҳиссига тўйганимдан кейин ижарагоҳга қайтдим. Йўлнинг икки чети бора-боргунча бири-бирига деярли тиркаб қўйилган турфа русумдаги автомобилларга тўла бўлса-да, кўчаларнинг ўзи бўм-бўш, на бир тик этган товуш бор, на бир ҳаракат қилган машина, на бирор одам зоти кўринади, ҳамма уйдан чиқмай зиёфат қилиб ётган. Ўзимни ҳатто кўчага ҳам хўжайин сезиб, тор, лекин чароғон кўчалардан яқинда 300 паундга сотиб олган «Ford» компаниясининг икки эшикли, лекин тўрт ўриндиқли алвон ранг «Fiesta» машинасини гувиллатиб ҳайдайман. Ҳа айтганча, бизда икки эшикли дейилса-да, инглизларда уч эшикли дейилади, орқасидаги тепага кўтарилиб очиладиган эшиги ҳам ҳисобга ўтади.

Бу машинани бир қора танли олибсотардан олганимга ҳали кўп бўлгани йўқ эди. Машинани олган куним мақтаниб қўйиш учун Ҳамид акага кўнғироқ қилгандим. Кечқурун Ҳамид ака машинамни кўргани келганида «Лондонда мендан кейин машина олган иккинчи ўзбек сиз бўлдингиз» дегани ёдимда. Британияда ҳаракат йўлнинг чап томонида бўлгани боис дастлабки кунлари роса қийналдим. Фақат тунда чиқаман машина ҳайдагани, чап томонлама ҳаракатга кўникишим керак-ку. Чорраҳа ва бурилишларга келганда ўзимизнинг одатга кўра йўлнинг ўнг томонига ўтиб кет-

ганимни билмай қолган пайтларим кўп бўлган. Шу пайтлар қарама-қарши томондан келаётган машина ҳайдовчилари қолиб, йўлақда сайр қилиб юрган инглиз чолу кампирлар ҳам менга бақирган пайтлари бўлган. Эсласам, ҳозир ҳам хи-жолатга тушаман, лекин юрак ҳам бўлган экан-да ўша пайтлар, деб қўяман тасалли учун.

Хуллас, кимсасиз кўчадан кетиб бораётган пайтим йўл четида уч-тўрт чоғли одам қораси кўринди. Улардан икkitаси менинг йўлимга чиқиб, тўхтатиш учун қўл силкий бошлашди. Иккови ҳам давангирдек, гандираклар йўлга чиқиб келди.

«Ана, Чандра хоним айтган алкашлар шулар бўлса керак», деб ўйладим-да, тўхтамай физиллаб ўтиб кетдим. Уларнинг ортимдан бақириб қолганини кўзгудан кузатар эканман, йўлақда яна бир аёл ва зўрға қадам ташлаётган қари кампир борлигини ҳам илғаб қолдим. Ўз-ўзидан тормозни босдим. Машина ғийқиллаб тўхтади. Ортимга ўгирилмай, кўзгу орқали бу одамларни синчиклаб кўздан кечирдим. Сўнг машинани ортга ҳайдаб, уларга яқинлашдим. Давангирлардан бири эшикни очди:

«Салом оғайни. Йўлинг шу томонга бўлса, илтимос бизни ола кетгин. Қара! Кўчада улов тугул одам зоти кўринмайди. Биз шу ердан бир чақирим нарида турадиган акамнинг уйига кетяпмиз.»

Кампир олди ўриндиққа ўтирди, икки давангир ва бир аёл орқа ўриндиққа зўрға сиғди. Анчагина чўкиб олган эски машинам пўриллаб ўрнидан кўзғалиши билан елкамга гурзидек қўл тарсиллаб тушди:

«Ростини айт, оғайни, тўхтамоқчи эмасдинг, онамни кўриб қолиб қайтиб келдинг-а?»

Девдек одамнинг мени ўзига яқин олиб самимийлик билан қилган қилиғидан елкам оғриб, ғашим келса-да, унинг байрамона кайфиятини бузмай бош ирғаб қўйдим.

«Ана кўрдиларингми!? Мен айтдимку, кекса онажонимизни кўриб бу йигит шунча узоқдан ортига қайтиб келди. Ўзимизга ўхшаган қарияларни ардоқлайдиган юртдан шекилли. Оғайни қаердансан?»

Албатта, уларга Ўзбекистон қаерда жойлашгани ва қисқа тарихи ҳақида гапириб беришга тўғри келди. Бир қаҳва ичгулик вақт ўтмай эшиги тўқ сариқ, деворлари тўқ қизилга бўялган уй ёнида тўхтадик. Улар машинадан қийналиб чиқишди. Елкамга қўл ташлаган давангир «Оғайни кетиб қолмай тур, сени акамга таништирмоқчиман», деди.

Эшик очилиб, ичкаридан бу икки давангирдан ҳам гавдали, елкасидаги пайлари футболкаси чокларини сўккудек бўртиб турган киши чиқиб келди. Шу аснода иссиқ ҳовур ичкаридан аччиқ ҳинд зираворлари ва майонезга бўктириб пиширилган мазали курка гўшти ҳидини ташқаридаги декабрнинг совуқ ва намчил ҳавосига олиб чиқди-ю, атрофга дув таратиб юборди. Уч ака-ука хушчақчақ бақириб-чақириб, қучоқлашиб кўришди, кампирни қўлидан аста етаклаб ичкари олишди. Кейин ҳалиги давангир акасига мени мақтай кетди.

Аввал буларнинг ҳой-ҳойлашига қарамай тўхтамай ёнидан физиллаб ўтиб кетганим, кейин имиллаб келаётган кекса онахонни кўриб қолиб, аллақанча узоқдан эринмай машинамни ортга тисалтириб келганимни завқ билан гапирди. Давангирларнинг каттаси мен билан қучоқлашиб кўришди, ичкари таклиф қилди, биз билан байрам дастурхони-

да ўтиргин, хурсандчилигимизга шерик бўл, деди. Мен уйда оилам кутиб қолганини айтиб кўнмадим. Пул бермоқчи бўлди, яна кўнмадим: ўзи йўлимнинг устида экан, арзимаган иш.

Шунда у шошмай тур, дея тор йўлакда чопаётган болаларни бошидан бир-бир ушлаб четга суриб, худди белга уриб қолган экинни пайҳон қилмаслик учун эгатда ҳали ўнг ҳали чап ўгирилиб кетаётган деҳқондек ичкари кириб кетди-да, кейин кўлида бир шиша Шотланд вискисини кўтариб чиқди.

«Мана буни уйингга борганингда онажонимга кўрсатган марҳаматинг эвазига ичгин, онажоним соғлиғи учун ҳам бир марта кўтарсанг, яна миннатдор бўламиз», деди у. Кейин учовлон қуюқ хайрлашди.

Кимсасиз кўчада яна машинални елдек ҳайдайман, юз берган воқеа туфайли кўз олдимга Чандра хоним келади.

«Чандра хоним, мана булар ҳам жуда сиз айтгандек одамови эмас экан. Она иззатда, уй тўла фарзанд. Беш кўл баробар эмас, деган ўзбек мақоли ҳамма ерда ҳам бирдек экан», каби гаплар хаёлимдан ўтади ва вафиллатиб газ босаман, кўнглим тошади, қишлоқда қолган онажоним ёдимга тушади.

*Палмерс Грин, Лондон,  
1999 йил.*

### **ҲАРЛЕЙЧИ БАЙКЕР МЕТАФОРАСИ**

Милвоки шаҳри АҚШ ва Канада чегарасидаги Буюк кўллардан бири, Мичиган кўлининг соҳилида жойлашгани туфайли денгизбўйи шаҳарлари каби эрта-кеч совуқ шамол эсиб туриши ва кучли ёмғирлари билан эсда қолади. Лекин кўл иқлими боис бу ерларда қиш

илиқ келса-да, қор қалин ёғади, дейишди.

Шаҳарнинг номи ҳиндулар тилида Millioke, яъни «файзли ўлка» ёки «сув ёқасидаги кўналға» маъноларини берар экан.

Милвокининг яна бир эсда қоларли жиҳати – бўм-бўш кўчалар. Бежирим ва ораста бу шаҳар маркази аксар талабалар туфайлигина гавжумга ўхшайди. Машҳур Марквет университети талабалари кўчага чиқмаса, шаҳар худди ҳувиллаб қолгандек.

Денгизмонанд кўл туфайли балиқчилик яхши ривожланган, жума кунлари барча ресторонларда дастурхонга фиш фрай, яъни қовурилган балиқ тортилади. Шаҳарда дастлаб олмонлар келиб пиво пиширувчи корхоналар очгани учун ҳозирга қадар уларнинг анъанаси сақланиб қолган. Икки аср аввал Милвоки «Пиво шаҳарчаси» номи билан ҳам танилган экан. Машҳур ва қадимий Лэйкфронт пивонасида арпа ва бугдойдан ташқари ошқовоқдан ҳам пиво пиширилишини кўрдик, таъми чучук, лекин ёқимли.

Шаҳарнинг сайёҳлар учун диққатга сазовор дея ҳисобланган яна бир манзили ташқаридан кичкина, лекин ичкарига кирилса хоналари ҳашаматли ва зиналари кенг уч қаватли, ҳозирда музейга айланган тарихий бино экан. Уйни икки юз йиллар аввал олмон денгиз капитани қурдирган ва хонадонида шаҳарнинг казо-казоларига зиёфат беришни одат қилган экан. Икки юзи ўзимизнинг «беш юлдуз» олмадек қип-қизил, семизлигидан ҳарсиллаб, бақбақаларини силкитиб, завқ билан гапирадиган кекса олмон хоним бизни хонама-хона етаклаб, ҳар бир нар-

сага батафсил таъриф беради.

«Мана бу ваннада капитаннинг ўн етти яшар қизи чўмилиб, кейин мана бу тошойнага қараб сочларини тараган,» дейди у гап орасида кўзгуга кўл текизмоқчи бўлган ҳиндистонлик ҳамкасбимга бетакаллуф танбеҳ бериб. Хонимнинг ортидан капитан қизлари ётоғига ўтар эканмиз ҳинд ҳамкасбим менга аста шипшиди: «Икки юз йиллик ёдгорлик... биз эса икки минг йиллик обидалар ўлкасидан келганмиз...»

Кейинги куни Мэдисон тиббий илмгоҳида саратон касалига қарши кураш йўлида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан танишдик. Илмий лабораторияда сунъий ўстирилаётган инсон ҳужайрасини заррабин орқали кўрдик. Агарда шундай ҳужайра ўстириш йўлга қўйилса, саратон касалига даво топиш мумкин бўлади, дейишди америкалик олимлар.

Марквет университети журналистика факультетида бизни, яъни, Осиё ва Жануби шарқий осий мамлакатларидан келган журналистларни жуда илиқ кутиб олишди, дарс жараёнини кузатиб ўтиришга таклиф этишди. Дарслар эркин ўтилар экан, талабалар дарс пайти қаҳва ичиб ёки бир марталик елим идишларда овқатланиб ўтиришибди. Асосийси натижа, баъзи дарслар талабаларга қулай бўлсин деб кечки овқатдан кейин ўтилади, дейишди бизга.

Университетда биз бир кунлик журналистика амалий курсини ҳам ўтадик. Бугунги журналистика анча илғорлаб кетган, бир пайтнинг ўзида хабар ёзиш, сурат ва видеога ҳам олиш талаб қилинмоқда экан. Аксариятимиз текст билан ишловчи журналист бўлганимиз учун кун

бўйи суратга тушириш, видеога олиш ва олинган тасвирни компьютерда монтаж қилиш билан машғул бўлдик. Бу иш анчагина қийин экан, айниқса видеога монтаж қилиш. Уч кишилик гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга биттадан орқага илинадиган оғир сумка тутқизишди, ичи тўла анжомлар, диктофон, микрофон, фотоаппарат, видеокамера ва компьютер. Хуллас, бугунги америка журналистнинг анжомлари. Эртасига якшанба бўлгани учун ҳар ким хоҳлаган мавзусида лавҳа тайёрлаб келсин, кейин муҳокама қиламиз, дейишди. Менинг гуруҳимдаги журналистларнинг бири қозоғистонлик, иккинчиси бутанлик эди.

Эрталаб Висконсин штатининг фахри ҳисобланмиш Ҳарлей-Дэвидсон музейига йўл олдик. Музей бу икки филдиракли «дулдул отнинг» яратилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Болалиқдан дўст бўлган Виллям Ҳарлей ва Артур Дэвидсон ўзларининг дастлабки моторли велосипедни 1920 йилда, шу ердаги кичик устахонада яратишган экан. Кейинчалик Америка йўлларини зир тиратиб юрадиган дунёга донғи кетган мотоциклларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Биз шу ҳақда қисқа лавҳа тайёрламоқчи бўлдик.

«Дулдул от» деб бекор айтганим йўқ. Музейдан ҳамкасбларимдан аввалроқ ташқари чиқдим. Шу пайт икки нафар байкер (мотоциклчи) охири русумдаги, цилиндрдан тортиб тутункувурига қадар кумушдек ялтираб кўзни оладиган Ҳарлей-Дэвидсон мотоциклни ҳайдаб келиб қолди. Иккови ҳам соқол қўйган, узун сочини ҳиндулар каби орқасига турмаклаган ва пешонасига бири қора, бири қизил рўмол танғиган. Улар-

дан бирининг қулоғида сирға, бармоқларида одам бошчаноғи шаклидаги кумуш узук. Эгнидаги қора чарм куртка ва шими оғирлигидан аскарларнинг совутига ўхшаб кетади.

Лавҳа учун ажойиб кўшимча бўлади дея мен улардан интервью сўрадим, улар бажонидил рози бўлишди. Ҳамкасбларим музейдан чиққандан сўнг бири видеокамерани, бошқаси фотоаппаратни ишга солди. Мен кўлимга микрофон тутиб, байкерлардан Ҳарлей-Дэвидсон мотоцикллари ҳақида сўрай кетдим. Интервьюни енгил ва жонли яқунлаш учун уларнинг биридан мотоциклни ўт олдириб, бир газ босиб кўришни сўрадим. Байкерлардан бири буни қойиллатиб бажарди ва сўнг «энди ўзинг ҳам бир синаб кўр,» деди. Мен газни бураган эдим, мотоцикл бир гуриллади «дул-дул-дул» қилиб, бу қудратга тўла ва айна пайтда тиниқ овоз эди. Худди учар дулдул от пишқириб, ер депсиниб тургандек. Мотоциклнинг қудрат билан титраши баданимни зириллатиб, томирларимни ўйнатиб юборгандек бўлди. Гўё унинг моторидаги қувват менинг билагимда пайдо бўлмоқда.

«Катта йўлда бу «дулдул отни» чоптирсанг, завқи бошқача бўлса керак?» дедим унга микрофон тутиб.

«You say it!? . It's like as if ... runs in your blood. You will forget everything, your work, your wife, your children,» деди у гўштор бармоқларини бир-бир букиб, кейин бахтиёр илжайди.

Хуллас, буни катта йўлда ҳайдаганингда «қонингда ... кўпириб оққандек бўлади, иш, хотин, бола-чақа, рўзгор деган нарсани буткул унутасан,» деди у.

Байкернинг бу гапини ҳозир эслар эканман, у метафора сифа-

тида ишлатган ва мен юқорида уч нуқталар орқали ишора этганим сўзни ёзсамми, йўқми, деб узоқ ўйландим. Албатта, эртасига биз тайёрлаган лавҳада байкернинг гапи тўлиқ эди. Бироқ бизнинг жамиятда бу сўзни метафора учун қўллаш гиёҳвандлик ташвиқоти сифатида кўрилиши ҳам мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолдим. Оқибатда унинг гапини «сензура» қилишга қарор қилдим, ёки бу ишим нотўғри бўлдими..? Яна билмадим...

*Милвоки, Висконсин штати, АҚШ, 2008 йил.*

## **МАЛЬБОРО, БЕРЕТТА ВА РЕМИНГТОН**

Гуруҳимиз кечқурун шаҳардаги театрда доврўғи кетган янги мюзиклни кўришга таклиф қилинган эди. Эртаси тонгда эса нам ва сершамол Милвокига сафаримиз яқунланиб, қайдасан қуёшли Сан-Диего деб мамлакатнинг жанубига, Мексика билан чегарадош шаҳарга учишимиз керак. Юнусободнинг «Уч қаҳрамон» бозоридан олган жомадоним сафар давомида самолётдан самолётга ўтиб, юкхоналарда ирғитилавериб силласи курибди, қилтиллаб зўрға турибди, «ортиқ чидолмайман» дегандек. Янгисини олмай иложим йўқ эди, шу сабаб кечқурунги томошага бормайдиган бўлдим.

Автобус гуруҳимиздаги журналистларни театрга элтгач, мен ҳайдовчи билан ортга, савдо марказига қайтдим. Ҳайдовчи ёши олтмишларга яқинлаб қолган жуссаси кичик, камгап оқ танли киши эди. У билан йўлма-йўл суҳбатлашиб келдик, матбуот аҳволидан гап очилиб қолди.

«Бизда матбуот эркинлиги борлигига сира ишонмайман.

Мана, Барак Обамани президентликка сайлашда матбуотда фақат бир томонлама кампания бўлди. Обамага қарши бўлганларнинг овозини ҳеч ким эшитмади. Биров қулоқ солмади гапимизга. Бу катта ўйин, Америка матбуоти эркин дейилгани билан барибир шу ўйиндаги асосий иштирокчилардан биттаси. Қани шу гапни мен айтиб кўрай, ким буни газета юзига чиқараркин, йўқ, буларнинг бари бир гўр», дейди у қўл силтаб.

Савдо марказига келгач, ҳайдовчи бу ерда тўхтаб туриш мумкин эмаслиги, лекин дўкондан чиқадиган пайтимга қайтиб келишини айтди. Мен дўконда қанча вақт бўлишимни билмаслигим ва меҳмонхона узоқ эмаслиги, ўзим пиёда кетаверишимни айтдим. Лекин у мени тўхтатди:

«Сизларга бу шаҳар, айниқса, меҳмонхона атрофи хавфли ҳудуд эканини ҳеч ким айтмаган кўринади. Шаҳарда қурол кўтариб юрадиган бемаъни одамлар талайгина. Майли, ўзинг кетмоқчи экансан, эҳтиёт бўл, зарур бўлса менга кўнғироқ қил», дея ташриф қоғозини узатди.

Дўконга киргач ҳайдовчининг ташриф қоғозига кўз югуртириб, ҳайрон қолдим. У хусусий изқуварлик фирмасида ҳам ишлар экан. Кеча непаллик ҳамкасбим шу ҳақда гапирётганди, АҚШда доимий яшайдиган бир таниши кечаси кўчаларда ўта эҳтиёткор бўлиш лозимлиги ҳақида огоҳлантирибди. Мен унинг гапларига эътибор бермадим. Чунки ҳали Вашингтон шаҳрида эканимиздаёқ гуруҳимиз бошлиғи Райан деган йигитдан бу ҳақда сўрагандим.

«Сен сира хавотир олма! Мулоҳазакор, сезгир, атрофдаги вазиятни ҳеч қурса ўрта даражада таҳлил қила оладиган одам ҳатто тунги Нью-Йоркда ҳам бе-

хавотир юрса бўлади», деганди у. Лекин одам ёши улғая борган сари кўрқув ҳиссига кўпроқ берилар экан, эҳтимол бу ўта эҳтиёткорликдандир.

Бироқ ҳайдовчи-изқувар бекорга огоҳлантирмади-ку, изқувар бўлганидан кейин кўп нарсани билади-да. Шу ўй билан улкан дўконни кезар эканман, кеча кечқурун интернетда шаҳар тарихи ҳақида ўқиганим бир қизиқ воқеа ёдимга тушди. Америка тарихидаги энг шовшувли ва жумбоқли воқеалар президентлар ҳаётига суиқасд билан боғлиқ. Милвоки шаҳрида 1912 йилнинг октябрида АҚШнинг йигирма олтинчи президенти Теодор Рузвелт жонига суиқасд қилинган экан.

Икки президентлик муддатидан сўнг учинчи марта ўз номзодини қўйган Рузвелт шаҳардаги Гилпатрик меҳмонхонаси олдида халқ билан учрашаётган пайт бир киши унга яқин келиб ўттиз икки калибрли ўқ билан унинг юрагини мўлжаллаб отади. Буни қаранг-ки, президентнинг чап ён чўнтагидаги кўзойнак ғилофи ва икки букланган маъруза матни туфайли ўқ секинлаб, унинг юрагига етиб бормайди. Рузвелт энгил эт жароҳати олади, холос. Президент нутқини белгиланган вақтида бошлаш учун танасидаги ўқ билан сайловчилар ҳузурига йўл олади. Бир неча сўздан кейин у ён чўнтагидан тешилган ва қонга беланган қўлёмани олади:

«Кўрдингизми? «Шохдор буғу»ни ўлдириш учун битта ўқ камлик қилади», дейди у ва бир соатга яқин нутқ сўзлагандан кейингина шифохонага олиб кетилади. Рузвелтнинг Республикачилар партиядан ажраб чиққан Тараққиёт партиясига «Шохдор буғу» лақаби берилган. Рузвелтга «ўзингизни президентликка лойиқ деб

кўрасизми» деган савол берилади, у эса «худди шохдор буғудек лойиқман» дея жавоб бергани туфайли бу лақаб келиб чиққан экан. Унинг «Шохдор буғу» партияси 1914 йилга келиб тарқаб кетади.

Рузвелтнинг жонига қасд қилишга уринган Жон Шранк (John Schrank) деган киши эса шаҳардаги ресторан эгаси бўлиб, у дарҳол ҳибсга олинади. У Рузвелтнинг учинчи муддатга сайланишига қарши бўлган экан. Шранк руҳий шифохонага жўнатилади ва 1943 йили ўша ерда вафот этади.

Дўкондан ўзимга ёққани - пишиқ, ялтироқ ғилдираклари худди спорт машинасини эслатадиган жомадонни судраб чиқдим-да, меҳмонхона томон йўл олдим. Шу пайт йўлнинг нариги тарафидан сигнал чалинди, қарасам, автобус ҳайдовчиси қайтиб келиб, мени кутиб турган экан. Унга кўпдан-кўп раҳматлар айтиб, меҳмонхонага етиб келдим. Хонамга чиқиб, нарсаларимни янги жомадонга жойладим ва эскисини ташқарига, ахлат идишлари турган жойга элтиб, хурсанд ҳолда хонамга қайтдим. Мана энди сафарни давом эттиришга шайман. Бироқ тамаким тугаб қопти.

Эрталаб ёнимиздаги супермаркет ёпиқ бўлади, ҳозир бориб кела қолай деган ўй билан олтинчи қаватдан яна пастга тушдим. Супермаркет меҳмонхонанинг орқа тарафида. Олдида автоуловлар қўйиш учун катта майдони бор, доим бўм-бўш туради, лекин ҳозир иккита машина турибди. Икковида ҳам қора танли кишилар тикилишиб ўтиришибди. Мусиқа баландлигидан машинанинг томини ўпирадиган жаҳди бор. Улар менинг ортимдан шубҳали кузатиб қолишди. Дўконга кираётганимда ма-

шиналардан бирининг эшиги очилиб, давангирдек бир қора танли ҳам дўкон томон йўл олганини кўрдим.

Дўконда ичида фақат биргина, бўйи деярли икки метрга яқин оқ танли киши бор экан. Ўнг томондаги ойнавандли хона ичида бошига турбан ўраган ҳинд дўкончи ўтирибди. Афтидан сингх бўлса керак. Тўрт кун ичида ундан икки марта тамаки сотиб олдим. У ҳам мени таниб қолган, лекин сездирмайди. Бетакаллуф, бошидаги алвон ранг турбанини айтмаса, юзида истара деган нарса йўқ. Харидор дўкондаги ҳамма нарсани пештахтадан олиши мумкин, фақат тамаки мана шу ойнаванд хонанининг ичида, дўкончининг ортидаги тоқчага териб қўйилган. Шу сабаб, ёқмаса-да, дўкончига мурожаат қилишга тўғри келади. Ҳозир у компьютерда нималарнидир ҳисоблаб ўтирибди, лекин пештахталар оралаб юрган анови баланд бўйли, ёмғирпўшининг ёқасини тикка кўтариб олган оқ танли кишини зимдан кузатяпти.

Мен дўкончидан бир қути Мальборо беришни сўрадим. Америкада тамаки қиммат, бир қутиси 11 доллар туради. Пулини тўлаш учун кармонимни очган пайт бояги баланд бўйли оқ танли киши ёнимга етиб келди. Қайтимини олаётганимда ҳинд дўкончининг кўзида пайдо бўлган хавотирдан ёнимдаги кишининг авзойи яхши эмаслигини ҳис этгандек бўлдим. Бундай пайтлар нотаниш кишининг кўзига қарамаслик керак, деган гап ёдимга тушди. Қандай воқеа юз бериши мумкин, деган ўйдан юрагим шувилларди.

«Ҳей, Оғайни! Менга уч дона сигаретангдан бер!» деган пихиллаш ва пишиллаш аралаш йўғон овоз янгради қулоғим тагида. Шундагина бу оқ танли кишига ўгирилиб қарадим. Соқоли ўсиб кетган, ўткир, чағир кўзлари тикка

боқадиган бу одам кўлидаги ғижим ва кирланиб кетган бир долларни менга узатиб турарди. Мен шоша-пиша тамаки қутисини оча бошладим. Аксига олгандек, қутини очишга доимгидек кўлим келмасди. Вақт роса чўзилиб кетаётгандек туюлди. Ҳинд дўкончи эса қилт этмай икковимизга қараб турарди. Ниҳоят тамаки қутини бир амаллаб очиб, уч дона сигарета чиқардим. Кўққис ортимдан оқ танли одамнинг овозидан ҳам йўғонроқ товуш момақалдиरोқдек гумбурлади:

«Тўхта! Бу ғирт аблаҳлик, ўта ғирромлик-ку!»

Боя ташқарида кўрганим девқомат қора танли киши тепамда турарди.

«Қанақасига уч дона!? Бир долларга икки дона сигарета бўлади», деди у оқ танли одамга қараб.

«Сени нима ишинг бор!? Бор, тезагингни тер!» деди оқ танли дарғазаб.

«Нега ишим бўлмас экан, сен ғирт аблаҳлик қиляпсан-ку.»

«Эй, сен мағзава! Бу ер Америка! Ҳар ким билганини қилади. Ҳамма эркин ва озод!»

«Ҳа, ҳа! Биз Америкада яшаймиз. Ҳамма эркин ва озод. Лекин ҳар ким ўз ҳаққини талаб қилишга ҳаққи бор! Адолат ҳамма учун.»

«Менга қара, мазе... Баркашдек башарангдан энангни ўчоғидек дарча очиб қўймасдан туёғингни шиқиллат бу ердан», деди оқ танли Беретта тўппончасини қўйнидан чиқариб.

Қора танли бўш келмасди:

«Куйдирган каллани кўрганмисан? Башарангни шанба кунлари онанг чорбоғда пиширадиган барбэкуяга ўхшатиб қўяман», деди у револьверини чиқариб, кейин тепкисини чиқиллатиб юқорига тортиб қўйди.

Мен тепамда бир-бирига ўқталган икки тўппончага қараганча қотиб қолгандим. Бошига турбан ўраган ҳинд ҳамон миқ этмасди, учовимизга тикилганча серрайиб турарди.

«Бир дона сигаретага ота гўри қозихонами? Мана учта сигарета, пулинг ҳам керак эмас,» дедим ниҳоят ўзимга келиб.

«Йўқ, пулини ол, икки дона сигарета бер!» деди менга қора танли оқ танлидан кўз узмай.

«Йўқ! Пулни ол-да, уч дона сигарета бер!» деди менга оқ танли қора танлидан кўз узмай.

«Қани ҳамманг ташқарига чиқ, йўқса ҳозир полиция чақираман», деди ҳинд пештахта тагидан Ремингтон милтигини чиқариб. Лекин у милтиқни кимга ўқталишини билмай гарангсиб қолди.

Дўкончи қоронғу кўчага ҳайдаб солса, иш чатоқ бўлиши тайин эди, жон керак бўлса айни дамда «отни қамчилаб» қолиш керак.

«Тўхтанглар! Оғайнилар, ахир биз ёш бола эмасмиз-ку!? Мана, мен бир долларни оламан, унга икки дона сигарета бераман, ва учинчисини шунчаки, чин кўнгилдан унга ҳадя қиламан, розимисан?» дедим қора танлига қараб.

Қора танли бош ирғагандек бўлди, лекин ҳеч нарса демади. Оқ танлининг қўлига уч дона сигарета тутқазиб, эзғиланган бир долларни олдим-да, дўкондан зинғиллаб чиқиб кетдим.

Меҳмонхонага кириб хонамга қандай кўтарилганимни билмайман. Тамаки қутисини стол устига ирғитдим-да, ўзимни юмшоқ, лекин совуқ оромқурсига гуппа ташладим. Кейин тамаки қутисидаги ёзувга кўзим тушиб, негадир уни овоз чиқариб ўқидим:

«Smoking kills.»

Милвоки,  
Висконсин штати,  
АҚШ, 2008



**Хусниддин ЕРКАБОЕВ,**  
**Магистрант**  
**Қорақалпоғистон**  
**Республикаси Беруний**  
**туман Халқ таълими**  
**муассасалари фаолия-**  
**тини методик таъмин-**  
**лаш ва ташкил этиш**  
**бўлими чет тиллари**  
**методисти**

## OUR PROFESSION IS IN EDUCATION, ARTS AND SOCIETY

**Annotation.** *This paper examines how we can learn teaching English, why the British English is useful for us.*

**Аннотация:** *Ушбу маюлада инглиз тилининг иандай тргатилиши, нима учун Британия инглиз тили трганилади, унинг фойдали жиҳатлари нималардан иборатлиги маюда тушунча берилди.*

**O**ur goal is to build bridges of trust and understanding among people around the world. Through our programs, we give opportunities to hundreds of millions of people worldwide to learn about Uzbek and British culture and creativity.

### ***Our teaching methods for children and young learners***

We nurture young learners' developing language skills and equip them with the tools they need to become effective language learners for life. We do this through our communicative teaching methods delivered by dedicated and professional teachers to

help young learners achieve their maximum potential.

Each of our centers in Uzbekistan deliver their own unique style of courses, yet we all have the same ideals in common:

- younger learner courses are topic-based, motivating and fun
- children learn through creative activities which practise all the language skills
- we develop their confidence and communication skills through natural interaction
- our lessons also focus on building up vocabulary and grammar
- we encourage learner autonomy

- students use skills which help them to learn better
- regular feedback is given on your child's progress
- our materials are carefully selected and challenging
- we conduct our lessons entirely in English.

### **OUR TEACHING METHODS FOR ADULTS**

From the first day you will be encouraged to use English in the classroom to communicate with the teacher and other students. The more you speak, the easier it becomes to learn the language.

Our aim is to teach you in the most effective way possible, and in a fun and enjoyable environment. We believe that language learning is most successful when:

- it takes place in a stress-free environment

- students actively participate in lessons and are challenged and stimulated
- a variety of media and other activities are used to cater for all learning styles
- teachers are positive and supportive and have access to a wide range of teaching aids
- students' progress is continually assessed in all areas of spoken and written English, based on work done in the classroom and at home.

### OUR TEACHING METHODS FOR OUR TEACHERS

Teachers are one of the most important factors in guaranteeing success for our students. That is why we are committed to providing you with the best qualified and the most experienced teaching professionals.

We are very thorough in our recruitment process and fully support our teachers through our training and development programs. This ensures that you are consistently taught by experts who make lessons engaging, enjoyable and effective.

All of our teachers are native speakers or have a high degree of proficiency in English, and hold internationally recognised teaching qualifications.

In our country each person has a question **“Why study with the British English?”**

Learn English with BL and make rapid progress in the most effective and enjoyable way. With 75 years of experience, up-to-date methodology and highly qualified teachers they can help us achieve our language goals.

They have an unrivalled range of courses to meet the needs of every type of learner. So regardless of our age, our level or what we want to achieve, they have a course that is just right for us.

Each course is designed using the latest interactive and communicative teaching methods. Carefully planned lessons improve our confidence, ability and motivation.

We will also gain access to the [British Council's Student Portal](#), where we can find news, help, practice, as well as records of attendance and assessment.

Their aim is to make learning an enjoyable experience and to encourage us to use English immediately in real life.

If you want to teach your child to read should be encouraged at infancy. You can start to develop your child's love for reading in the early days of welcoming your child home! The time you spend reading with your child will form a part of that special bonding time for both of you, reading to your child encourages their love for books. The more you encourage that love for reading the more your child will enjoy reading. Research has concluded that starting your child young is one

of the best methods used to gain reading success in school-age children. If children are not encouraged at home to learn from an early age to enjoy reading, it will most likely hinder their ability to learn other skills in their future.

If you are wondering how to teach your little students or just need to have a change in the class routine. Here are a few ideas that will make your life easier.

#### Things to have in mind when teaching young learners:

- Teach them in a natural way
- Build up a context
- Be visual
- Teach through songs and chants
- Show them different things
- Laugh
- Use your body
- Think, speak, do
- Keep them busy
- Repeat, repeat, repeat

#### Role-play

Be aware of their emotions  
Have them move  
Have them draw  
Have them create

#### LITERATURES

[British Council's Student Portal](#)

<http://www.getenglishlessons.com/6896/the-best-strategies-for-teaching-english-to-kids/>

Palmer H. The Scientific Study and Teaching of Languages. London 1992

